ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 94(575)+301(575)(512.141/512.145)

ИСОКБОЕВ АЛИШЕР АХМАДЖОНОВИЧ

ТУРКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ТАТАР-БОШҚИРД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ)

Ихтисослик 07.00.02 - Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган

Д И С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: тарих фанлари доктори,
Расулов Абдулла Нуритдинович

НАМАНГАН - 2008

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш…… 3

I боб. XIX аср охирида Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирдларнинг ўрни ……..……..... 22

1.1 Туркистон истилоси ва мустамлакачилик тартиботини ўрнатишда татар-бошқирдларнинг иштироки…….....…… 22
1.2 Туркистон ўлкасида татар муаллимлари фаолияти……..……. 35

II боб. Туркистонда татар маърифатпарварлари томонидан очилган янги усул мактаблари…….. 49

2.1. Туркистонда жадид мактаблари очишнинг янги босқичи……..….. 49
2.2. Татар-жадид мактабларига қарши чора-тадбирлар……...…… 70

III боб. Туркистонда татар-бошқирд зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиёт учун курашдаги иштироки…….....…… 89

3.1 Мустамлака тузумга қарши курашда татар-бошқирд зиёлиларининг сиёсий фаолияти…….……..…… 89
3.2 Вақтли матбуот, матбаа ишлари ва театр санъатини шакллашида татар маърифатпарварларининг ўрни……..……...… 107
3.3 Туркистон Мухторияти учун курашда татар-бошқирд зиёлиларининг иштироки…….……..…… 129

Хулоса…….…… 148

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати……...…… 153

Илова……..…… 168

К и р и ш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши бошқа соҳаларда бўлгани каби тарих фанига ҳам катта имкониятлар эшигини очиб бериш билан бирга тарихчи олимлар зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклади. Бугунги кунда тарих "…миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда"[1].

Мустақилликнинг қўлга киритилиши, совет ҳукмронлиги йилларида сохталаштирилган тарихни турли тазйиқлардан холи равишда, ҳаққоний ёритишни талаб этмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тарихий ҳақиқатни тиклаш вазифасини эса "…олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммаларига олишлари даркор"[2]лиги таъкидланди.

XIX аср охири - XX аср бошлари Ўзбекистон тарихидан Россия империясининг мустамлакачилиги даври сифатида ўрин олган. Мана шу даврда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд зиёлилари фаолияти кенг кўламлилиги билан ажралиб туради.

Туркистон ва татар-бошқирд халқларининг алоқалари тарихан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Россия империяси истилоси эса татар-бошқирдларнинг Туркистон ўлкаси томон кириб келиши ва фаолияти учун ўзига хос замин яратди. Подшо ҳукумати дастлаб татар-бошқирдлардан ўлкада мустамлакачилик тартиботини ўрнатишда унумли фойдаланди. Ўз навбатида мустамлака даврида кўплаб татар-бошқирдларнинг тилмоч ва

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 137.
[2] Каримов И.А. Халқ ишончи – юксак масъулият // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 349.

таржимонлар сифатида ўлкага кириб келиши, улар салмоғининг кўпайишига олиб келди.

Туркистонда татарлар томонидан ўз фарзандлари учун жорий этган янги усул мактабларининг оммалашиши, маориф соҳасида уларнинг маҳаллий зиёлилар билан ҳамкорлигига асос солди. Маҳаллий зиёлилар рус-тузем мактабларини эмас, балки ислом маърифати ва замонавий усулларга асосланган татарларнинг янги усул мактабларини афзал билиб, шундай мактабларни ташкил этишда татар муаллимларидан унумли фойдаландилар. Маҳаллий жадидлар ва татар-бошқирд зиёлиларининг маданий соҳадаги ҳамкорлиги миллий театр, матбуот, матбаа ишларини ташкил этиш ва ривожлантиришда кенг намоён бўлди. 1917 йил февраль инқилобидан кейин эса маданий соҳадаги ҳамкорликдан сиёсий курашдаги ҳамжиҳатликка ўтилди. Таъкидлаш жоизки, ўзаро ҳамкорлик, “миллатлараро тотувлик тажрибасини доимо назарда тутиб, унга амал қилинган”[1]лиги кўплаб ютуқларнинг омили бўлди.

Туркистон халқларининг татар-бошқирдлар билан бугунги яқин ҳамкорлик алоқаларининг тарихий илдизлари айнан шу тарихий жараёнларга бориб тақалади. Совет даврида бу алоқалар тарихи доимо ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан ўрганилиб, татар ва бошқирдларнинг фаолияти ўлкага “инқилоб ғоялари”ни олиб келувчилар сифатида талқин этиб келинди. Ваҳоланки, дастлаб Туркистонга таржимон ва тилмочлар сифатида келган татар-бошқирдлар, кейинчалик ўлкада маънавий-маърифий тараққиёт ҳамда мустамлака тузумига қарши курашда маҳаллий аҳоли билан маслакдош ва елкадош бўлдилар.

Татар-бошқирд маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолияти турли жабҳаларда намоён бўлишига қарамай бугунги кунга қадар мазкур масала комплекс тарзда ўрганилмади. Мавзунинг долзарблиги энг аввало

[1] Муртазаева Р.Ҳ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Т.: Университет, 2007. – Б. 9.

ана шу тарихий ҳақиқатни тиклаш, татар-бошқирд маърифатпарварларининг ўлкадаги фаолиятини атрофлича ёритиш ва холисона баҳолаш, уларнинг маҳаллий аҳоли билан муштарак мақсадлар йўлидаги ҳамкорлигини кўрсатиш зарурияти билан белгиланади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Мавзуга доир чоп этилган адабиётларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

I. Совет даври нашрлари.

II. Мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар.

III. Хорижий муаллифларнинг асарлари.

Биринчи гуруҳга оид адабиётларни кўриб чиқиш жараёнида масала моҳиятига марксча-ленинча мафкура нуқтаи назаридан ёндашилганлиги, XIX аср охири - XX аср бошларида Россия империяси турк-мусулмон дунёсида юзага келган жадидчилик ҳаракатининг ижобий жиҳатларидан кўз юмилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, “История Татарской АССР” китобида жадидчилик миллий буржуа ҳаракати сифатида баҳоланиб, бу ҳаракат вакиллари гўё оддий меҳнаткаш аҳолининг аҳволи билан умуман қизиқмагани ҳолда, асосан юқори табақа вакиллари манфаатлари йўлида хизмат қилганлиги қайд этилган [1] . Шунингдек, “Ўзбекистон ССР тарихи” китобида “…жадидчилик ҳаракати вакиллари инқилобий ҳаракатларнинг душманлари бўлиб, улар чоризм билан осойишта тил бириктириш йўлини тутдилар. Ўз мамлакатларининг мустақиллигини қўлга киритиш учун эмас, балки синфий манфаатлари йўлида курашдилар. Жадидлар тарғиботига маҳаллий аҳоли ҳеч қандай хайрихоҳлик кўрсатмади”,- дея асоссиз фикрлар билдирилган[2].

Юқорида кўрсатиб ўтилган даврдаги Туркистон матбуоти тарихини ёритган ва бу борада тадқиқот олиб борган П.В. Агапов, М.Д. Аннагурдов, Б.Я. Гольдин, Х. Джамбакиев, А.Г. Каримуллин ва Т.Э. Эрназаровлар

[1] История Татарской АССР. – Казань: Татарское книжное издательство, 1980. – С. 81.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 25.

асосан “инқилобий руҳ”даги вақтли матбуот нашрлари ва уларнинг маҳаллий аҳоли сиёсий онгининг “уйғониши”да тутган аҳамияти ҳақидаги маълумотлар билан чекланганлар. Айни пайтда ушбу тадқиқотларда ўлкадаги миллий ва мустамлака матбуотида фаолият кўрсатган татар-бошқирд матбаачилари ҳақида деярли тўхталиб ўтилмаган[1].

XX аср 80-йиллари охирларида, яъни совет тузумининг емирилиш йилларида дунё юзини кўрган Р.Н. Холматовнинг Фарғона водийсидаги матбаа ишлари тарихига бағишланган илмий тадқиқотида Ҳусайн Макаев, Абдуфаттоҳ Абдусатторов каби татар матбаачилари фаолияти хусусида қисқача маълумот берилган[2].

Р.М. Раҳмонов, Х. Махмутов, И. Илялова, Б. Гиззат асарлари ва “Татар совет театры” китобида татар театр труппалари (“Сайёр”, “Нур”) нинг Туркистонга ташрифи, И. Кудашев-Ашказарский, А. Қориев, З. Боязидский ва бошқа татар актёрларининг Туркистонда миллий театр санъатини вужудга келишидаги ўрни ҳақида маълум бир фикрлар билдирилгани ҳолда, уларнинг маърифатпарварлик фаолиятлари эътибордан четда қолган[3].

Туркистон ўлкаси миллий маорифи тизимида татар муаллимлари инкор этиб бўлмайдиган ютуқларга эришганлар. Лекин XIX аср охири - XX аср бошларидаги ўлка халқ маорифи тарихини ўрганган Ш. Исмаилов

---

[1] Аннагурдов М.Д. Совет Туркменистанынын метбугат тарихындан очерклар (туркман тилида). – Ашгабат, 1962; Агапов П.В. Военная печать Туркестана в годы гражданской войны (1918-1920 гг.): Дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 1967; Джамбакиев Х. Развитие национальной партийно-советской печати и её роль в борьбе за победу и упрочение советской власти в Туркестане (1917-1920 гг.): Автореф. дисс. … канд. истор. наук. - Т., 1972; Гольдин Б.Я. Становление и развитие советской печати в Туркестанской АССР (на материалах журнальной периодики 1917-1924 гг.): Автореф. дисс. … канд. истор. наук. - Т., 1973; Каримуллин А.Г. Татарская книга начала XX века. – Казань: Татарское кн. изд-во, 1974; Унинг ўзи. Татар типографиялере тарихынан (татар тилида). – Казань: Татарское кн. изд-во, 1974; Унинг ўзи. Татарская книга пореформенной России. – Казань: Таткнигоиздат, 1983; Эрназаров Т.Э. Туркистонда вақтли матбуот (1870-1925 йиллар). – Т.: Ўздавнашр, 1959; Унинг ўзи. История печати Туркестана, 1870-1925 гг. – Т.: Ўқитувчи, 1976;

[2] Холматов Р.Н. Из истории узбекской старопечатной арабографичной книги и книжной культуры в городах Ферганской долины (1867-1917 гг): Автореф. дисс. … канд. истор. наук. - Т., 1989. – С. 7.

[3] Рахманов М.Р. Хамза и узбекский театр. – Т.: Гослитиздат, 1960; Унинг ўзи. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 г. – Т.: Изд-во литература и искусства им. Г.Гуляма, 1981; Илялова И. Межнациональные связи татарского театра. – Казань: Татарское книжное издательство, 1985; Махмутов Х., Илялова И., Гиззат Б. Октябрьгэ кадэрге татар театры (татар тилида). – Казань: Татарстан китап нэшрияты, 1988; Татар совет театры (татар тилида). - Казан: Татарстан китап нэшрияты, 1975.

ўз илмий ишида рус-тузем, маҳаллий эски ва янги усул мактабларининг тузилиши, асосий йўналишлари ҳақида фикр юритса-да, янги усулдаги татар мактаблари хусусида умуман тўхталмаган[1]. Деярли шу даврни ўз тадқиқоти учун асос қилиб олган Х.Х. Ҳакимов эса, асосий эътиборни Қозондаги татар ўқитувчилар мактабининг рус-татар ҳамкорлиги маркази бўлганлиги ва унинг илғор педагогик ғояларига қаратган[2]. Ваҳоланки, Қозон шаҳридаги «Муҳаммадия» мадрасаси биз тадқиқ этаётган даврда нафақат Россия губерниялари, балки Туркистон учун ҳам янги усулдаги мактабларга муаллимлар тайёрлаб берадиган энг йирик таълим муассасаларидан бири эди.

А.Х. Махмутова XIX аср охири-XX аср бошларидаги татар аёлларининг саводлилигини бевосита рус-татар мактаблари мисолида ўрганиб, кўплаб татар аёлларининг саводсиз, ҳуқуқсиз бўлганлигини қайд этган[3]. А.Х. Махмутова фикрини инкор қилмаган ҳолда, бундай ҳолатни Туркистоннинг маҳаллий миллат аёллари ҳаётида ҳам кўриш мумкин эди. Аммо айни пайтда Тарифабина Файзираҳмонова, Розия Даутова, Гафия Хисматуллина, Менглижамол Шигабутдинова[4] ва Биби Марям Чанишева[5] каби татар маърифатпарвар муаллималари янги усул мактабларида маҳаллий аҳоли болаларини ўқитганлари тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд.

Р. Гарафетдинов ва З.Д. Кастельскаянинг XIX аср охири XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга бағишланган асарларида татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистондаги фаолиятлари ҳақидаги фикрлар деярли учрамайди[6].

---

[1] Қаранг: Исмаилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX века: Автореф. дисс. … канд. истор. наук. -Т., 1981.

[2] Хакимов Х.Х. Казанская татарская учительская школа как видный центр русско-татарского содружества и передовой педагогической мысли (1876-1917 гг.): Автореф. дисс. …канд. пед. наук. – Казань, 1973.

[3] Махмутова А.Х. Борьба за женское образование у татар (90-е гг. XIX в.-1917 г.): Автореф. дисс. … канд. истор. наук. – Казань, 1970.

[4] ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 10-12 варақлар.

[5] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406[А]-иш, 32-варақ ва унинг орқаси.

[6] Гарафетдинов Р. Татар яшьлеренен демократик херекете тарихыннан (татар тилида). – Казань: Татарское книжное издательство, 1967; Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). – Москва: Наука, 1980.

Бироқ совет тузуми даврида ҳам татар-бошқирдларнинг Туркистон ижтимиой-сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўринларини эътироф этиш ҳоллари учраб туради. Масалан, академик-шоир Ғ. Ғулом ўз даврида татар маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолиятига баҳо бериб, дастлабки тилмочлар, расмий ва адабий таржимонлар, даврий матбуот, матбаа ишлари ҳамда миллий театр санъати асосчиларини асосан татарлар ташкил этганлигини таъкидлаган[1].

Ш. Турдиев “Абадий ҳамкорликлар самараси” номли китобида татар-бошқирдларнинг Туркистон халқлари билан қадимий ҳамкорлик алоқалари, жумладан биз кўриб ўтаётган даврдаги кенг кўламли фаолиятларини холисона, манбалар асосида ёритиб берган[2].

Иккинчи гуруҳга оид адабиётларда Ўзбекистоннинг миллий мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, ҳар қандай мафкуравий тазйиқларсиз ёзилганлиги боис холислик ва тарихий адолат ўз ўрнини топганлигини кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида юртимиз тарихининг совет тузуми шароитида сохталаштириб, турли бўёқлар билан кўрсатилган даврлари деярли қайтадан ёзилди, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, жадидчилик ҳаракати тарихи кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида турди. Хусусан, Р. Абдуллаев, Д. Алимова, С. Аъзамхўжаев, В. Германов, Ш. Ризаев, Ш.Турдиев ва бошқалар[3]нинг жадидчилик ҳаракати тарихига бағишланган

---

[1] Гулям Г. Габдулла Тукай и наш поэт // Слово о Тукае. – Казань: Татарское книжное издательство, 1986. – С. 18-22.

[2] Турдиев Ш. Адабий ҳамкорликлар самараси (Ўзбек-татар адабий алоқалари тарихидан). – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1984. – Б. 20-59.

[3]Абдуллаев Р. Туркестан в 1917 году: национальное движение и военный вопрос // Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. -Т.: Маънавият, 2001. - С. 86-90; Аъзамхўжаев С.С. Туркистон Мухторияти – жадидлар миллий-демократик давлатчилик ғояларининг амалдаги ифодаси // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999. – Б. 152-173; Унинг ўзи. Туркистонда миллий-демократик давлатчиликни барпо этиш учун кураш // Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. –Т.: Маънавият, 2001. – Б. 91-96; Алимова Д.А. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. – Т.: Эльдинур, 1998; Германов В.А. Профессор Пулат Салиев и его время. –Т.: Фан, 2002; Ризаев Ш. Жадид маърифатчилиги ва театр. – Б. 118-127 // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. –Т.: Университет, 1999; Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной

илмий анжуманлардаги мақолаларида татар-бошқирд маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолиятига холис баҳо берилганлигини кўриш мумкин.

Жадидчилик ҳаракати тарихи бўйича тадқиқот олиб борган Б. Қосимов асарларида татар маърифатпарварларининг Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, унинг И.Гаспринский ҳаёти ва фаолиятига оид рисоласи алоҳида аҳамиятга молик[1]. Бундан ташқари олимнинг жадидчилик тарихига оид бир қатор асарларида татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистонда жадид мактаблари, миллий матбуот ва бошқа ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаолиятлари ҳам атрофлича ёритилган[2].

У. Долимов тадқиқотларида ҳам татар маърифатпарварларининг Туркистон жадидлари билан ҳамкорлиги масаласи ўз ифодасини топган. Бу борада ўзбек маърифатпарвари Ибратнинг татар жадидлари Ҳ. Макаев ва А. Шаҳидий билан янги усул мактаблари, матбаачилик соҳасидаги ишларини келтириб ўтиш жоиз[3]. У. Долимовнинг “Туркистонда жадид мактаблари” номли монографиясида Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида дастлабки янги усул мактабларининг асосчилари татарлар эканлиги қайд этилган. У Туркистондаги жадид мактаблари тараққий этишида татар муаллимларининг ҳар қандай чеклов ва тазйиқларга қарамай жонбозлик кўрсатганликлари, ўқитиш тизимларини нафақат оддий халқ, балки ҳукмдорлар ҳам эътироф этганликларини асослаб берган[4].

и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. // Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 169-190; Унинг ўзи. Международные связи туркестанских джадидов и политика правящих властей в 1910-1930 гг. – Б. 71-74 // Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. – Т.: Маънавият, 2001.

[1] Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрали. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.

[2] Қосимов Б. Маслакдошлар. – Т.: Шарқ, 1994; Унинг ўзи. Миллий уйғониш. - Т.: Маънавият, 2002.

[3] Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. –Т.: Шарқ, 1994.

[4] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Т.: Университет, 2006. – Б. 18-86.

Ш. Ризаев жадид драматургияси масаласига оид тадқиқоти ва асарларида ўзбек миллий театр санъатининг шаклланишида татар театр труппалари, актёрлари ва режиссёрларининг катта ўрин тутганлигини эътироф этган[1].

С. Аъзамхўжаев ва А. Мингноров тадқиқотларида татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистонда миллий мухторият (Туркистон Мухторияти) учун курашдаги сиёсий фаолиятлари ўз ифодасини топган[2].

Тадқиқотлар орасида А.Н. Расуловнинг илмий изланишлари ҳам эътиборга молик. Унинг Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихига оид мақола ва тадқиқотларида татар-бошқирдларнинг ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, маданий фаолиятига ҳам ўрин ажратилган[3].

А. Жалолов ва Ҳ. Ўзганбоевларнинг миллий матбуот тарихига бағишланган китобида “Тараққий” газетаси ва унинг муҳаррири И. Обидов фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбек тилида нашр этилган ушбу газета қисқа давр мобайнида жаҳолат ва адолатсизликка қарши аёвсиз курашганлиги, мустамлакачиларнинг мутаассиб руҳонийларни унга қарши гиж-гижлаганликлари ҳақидаги қизиқарли маълумотлар ўрин олган[4].

---

[1] Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филология фан. номз … дисс. – Т., 1995; Унинг ўзи. Жадид драмаси. - Т.: Шарқ, 1997; Унинг ўзи. Саҳна маънавияти. – Т.: Манавият, 2000.

[2] Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и назависимость (1917-1918 гг.): Автореф. дисс. … докт. истор. наук. - Т., 1996; Унинг ўзи. Туркистон Мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000; Унинг ўзи. История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент ислом университети, 2006; Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари давр миллий матбуотида (1917 йил февраль-1918 йил ўрталари): Тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 2000; Унинг ўзи. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: Маънавият, 2002.

[3] Расулов А.Н. Туркистон ва Татаристон матбаачилари ҳамкорлиги тарихидан // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан. – Т., 1998; Унинг ўзи. Тақдир тақозоси билан Туркистонга келиб қолган татарлар // Жамият ва бошқарув. 2003, -№ 10; Унинг ўзи. Туркистон маданий ҳаётида татарлар // Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари. 2004, -№ 1; Унинг ўзи. История взаимоотношений народов Туркестана, Поволжья и Приуралья (1917-1924 гг.): Автореф. дисс. … докт. истор. наук. - Т., 2005; Унинг ўзи. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йй.). – Т.: Университет, 2005.

[4] Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: Фан, 1993.

Н. Абдуазизованинг “Туркистон матбуоти тарихи” китобида ҳам миллий матбуотимиз тараққиётида татар зиёлиларининг тутган ўрни ҳақида фикрлар мавжуд[1].

Д.А. Алимова, Д.А. Рашидова, Н.Б. Мацкевич ва Н.К. Сабирова тадқиқотларида татар-бошқирдларнинг Туркистондаги маърифатпарварлик фаолиятига оид қисқа маълумотлар учрайди[2]. Тадқиқотчи Т.Котюкова ўз мақоласида Россия империяси Давлат Думаси мусулмон фракцияси депутати С. Мақсудийнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратган[3].

Н.А. Мустафаева мустамлака Туркистондаги маориф масаласига доир мақоласида Н. Остроумовнинг “Россия империяси барча фуқаролари давлат тилини (рус тилини – диссертант) … ҳукмрон синф ва қонунлар тили сифатида билишлари шарт”, дея билдирган фикрини, татар зиёлилари томонидан “руслаштириш” сиёсати сифатида баҳоланганлигини қайд этган[4].

Мустақиллик йилларида ёзилган тадқиқот ишларида ҳам татар-бошқирд маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолиятлари хусусида фикр юритилганини кўришимиз мумкин. Масалан, Т.Қ. Қозоқов Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатига бағишланган тадқиқотида Қўқон шаҳридаги жадид мактаблари ҳақида тўхталар экан, улар орасида татар муаллимлари мактаблари маҳаллий аҳоли ўртасида катта обрўга эга бўлганлигини

---

[1] Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917) / Тузувчи Н.А. Абдуазизова. – Т.: Академия, 2000.

[2] Алимова Д.А., Рашидова Д.А. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури. – Т.: Академия, 1999; Мацкевич Н.Б. Исторические предпосылки и некоторые перспективы экономического сотрудничества России и Узбекистана // Восток-Запад: аспекты взаимодействия. Материалы научной конференции. –Т. 2006. - С.129-13; Сабирова Н. К опыту возникновения новометодных школ в национальных окраинах Российской империи // Восток-Запад: аспекты взаимодействия. Материалы научной конференции. – Т., 2006. – С.155-158.

[3] Котюкова Т. Национальный вопрос и деятельность мусульманской фракции Государственной Думы Российской Империи // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. –Т., 2003. – Б. 123-125.

[4] Мустафаева Н.А. “Туркистон тўплами”да миллий маориф масалалари // Ўзбекистон тарихи фани: ютуқлар ва ривожланиш муаммолари. I қисм. – Т., 2006. – Б. 49.

таъкидлаган. Қўқонда 1917 йил март ойида тузилган татар зиёлиларининг І-мусулмон маданий-маърифий жамияти хусусида фикр юритган[1].

М. Абдураҳмонов тадқиқотида Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг Туркистондаги илмий-сиёсий фаолиятига кенг ўрин ажратилган[2].

Татар маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолияти тўғрисида Я.А. Абдуллаева ҳам ўз тадқиқотида тўхталган. Хусусан, у Амударё бўлими ҳудудида жадид мактаби очиб, маҳаллий аҳоли болаларини ўқитган татарлар Б. Салимова ва Ю. Аҳмедов фаолияти ҳамда мазкур мактаблардаги ўқитиш тизими ҳақида маълумот бериб ўтган[3].

Хива хонлигининг XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихини тадқиқ этган М.У. Қаюмов хонликда очилган янги усул мактаблари асосчилари татар муаллимлари бўлганлигини қайд этиб, А. Ҳусаинов, Ҳ. Қўшаев ва Абдурашитовлар фаолиятига алоҳида тўхталган[4].

Кўрсатиб ўтилган даврга оид К.А. Воҳидова, Д.Н. Ражабова, М.Ф. Шарипова, Ф.Н. Эрназаров ва А.М. Ҳудойқулов каби муаллифлар тадқиқотларида ҳам татар-бошқирд маърифатпарварлари фаолиятига доир маълумотлар учрайди[5].

Мазкур муаммо СССР парчалангандан сўнг Россия ва Украина тадқиқотчиларини ҳам бефарқ қолдирмаганини кўриш мумкин. Жумладан, П.П.Литвинов “Антитатарская политика царизма в Средней Азии и Казахстане” номли мақоласида Туркистон ўлкасида империя маъмурлари

---

[1] Қозоқов Т.Қ. XX аср бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва жадидчилик ҳаракати: Тарих фан. номз. ... дисс. - Т., 2000. – Б. 114-115.

[2] Абдурахманов М. Научная деятельность А.З.Валидова в Туркестане: .Автореф. дисс. … докт. истор. наук. - Т., 2005.

[3] Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX аср охири ва XX аср). – Т.: Ijod dunyosi, 2004. – Б. 23; Унинг ўзи. XIX аср охири ва XX асрда Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласи. (ижтимоий-сиёсий аспект): Тарих фан. докт. … дисс. – Т., 2005. - Б. 65.

[4] Қаюмов М.У. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошида Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар: Тарих фан. номз. дисс. – Т., 2006. – Б. 72-75.

[5] Худойқулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX-начало XX в.): Дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 1995; Вохидова К.А. Исхакхан Жунайдуллаходжа Ибрат и его научно – историческое наследие: Автореф. дисс. … канд. истор. наук. - Т., 2002; Ражабова Д.Н. Проблемы молодёжи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс … канд. истор. наук. - Т., 2003; Шарипова М.Ф. Тошкентнинг XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи. Тарих фан. номз. … дисс. – Т., 2004; Эрназаров Ф.Н. XIX аср охири XX аср бошларида Хива хонлигидаги маданий ҳаёт: Тарих фан. номз. … дисс. автореферати. – Т., 2005.

томонидан татарларнинг миллий уйғониш йўлидаги маърифатпарварлик ҳаракатларига қарши олиб борган сиёсат моҳиятини аниқ мисоллар, факт ва далилларга асосланган ҳолда очиб беришга ҳаракат қилган[1]. Бундан ташқари Я.Г. Абдуллин, Ф.Н. Баишев, А.Г. Каримуллин, Ф. Мусин, А.М. Юлдашбаев, Ғ. Хосэйенов асарларида татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистондаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган[2].

Украина Республикаси Таврия Миллий университети тадқиқотчилари И.О. Богданович ва С.П. Шедрикова XIX аср охири - XX аср бошларида Қрим татарлари ўртасида маърифатпарварлик ва сиёсий ҳаракатлар, И. Гаспринскийнинг "Таржумон" газетаси ислоҳотчилик жараёнида тутган ўрни масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Мазкур тадқиқотларида татар маърифатпарварларининг бутун турк-мусулмон дунёси қатори, Туркистон ўлкасига таъсири ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд[3].

Учинчи гуруҳга оид асарлар муаллифлари Ричард Пирс[4], Фриц Мачатшек[5] ва Бекер Сеймор[6] Россия империясининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсатига доир китобларида жадидчилик ҳаракати хусусида ҳам тўхталиб, унинг прогрессив аҳамиятини кўрсатиб ўтганлар.

---

[1] Литвинов П.П. Антитатарская политика царизма в Средней Азии и Казахстане // Материалы по истории татарского народа. – Казань, 1995.

[2] Абдуллин Я.Г. Джадидизм среди татар: возникновение, развитие и историческое место. – Казань: Иман, 1998; Баишев Ф.Н. Общественно-политические и нравственно-этические взгляды Ризы Фахретдинова. – Уфа: Китап, 1996; Каримуллин А.Г. Татарское государственное издательство и татарская книга России (1917-1932). – Казань: Татарское книжное издательство, 1999; Мусин Ф. Гаяз Исхакый (татар тилида). – Казань: Татарстан китап нэшрияти, 1998; Юлдашбаев А.М. Историк вошедший в историю: политическая и научная деятельность профессора Стамбульского университета Ахмед Заки Валиди Тугана. – Уфа: Китап, 1992; Унинг ўзи. Известный и неизвестный Заки Валиди (в памяти своих современников). – Уфа: Китап, 2000; Хосэйенов Ғ. Ризаитдин бин Фахретдин (бошқирд тилида). – Уфа: Китап, 1997; Унинг ўзи. Ил азаматтары (бошқирд тилида). – Уфа: Китап, 1998.

[3] Богданович І.О. Роль газети "Терджиман" у пропоганді реформаторських процесів у мусульманскій громаді Російскоі імперіі (1883-1905 рр.): Автореф. на здобуття канд. істор. наук. (украин тилида). – Запоріжжя, 2002; Шедрикова С.П. Кримські татари у ліберальному русі мусульманських народів Російськоі імперіі початку XX ст.: Автореф. на здобуття канд. істор. наук. (украин тилида). – Запоріжжя, 2002.

[4] Pierce R.A. Russian Central Asia 1867-1917: A study in colonial rule. - Los Angeles: University of California Press, 1960.

[5] Machatschek F. Landeskunde von russisch Turkestan Von Fritz Machatschek. – Stutgart: Verl. Von J. Engelhorns Nachf, 1921.

[6] Seymour B. Russia's protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865-1924. – Camridge: Harvard University Press, 1968.

Жумладан Р. Пирс мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган 1898 йил Андижон қўзғолони ҳақида фикр юритиш жараёнида Асака участкаси бошлиғи С.Г. Еникеевни ҳам эслаб ўтган. Жадидчилик ҳаракатининг асосчиси И. Гаспринский шахсига юксак баҳо бериб, Туркистонда ташкил этилган янги усул мактаблари унинг дастури асосида ишлаганлигини таъкидлаган[1].

Б. Сеймор асарида И. Гаспринскийнинг 1893 йилдаги Бухорога ташрифи, амир Абдулаҳадхон билан музокаралари ва Бухорода татарлар томонидан 1905-1907 йилларда янги усулда ташкил этилган мактаблар фаолияти хусусида маълумот берилган[2].

У. Шамилоглу мақоласида Волгабўйи ва Туркистон муносабатлари Ш. Маржоний асарлари орқали таҳлил этилган ва XIX аср охири-XX аср бошларидаги бу алоқалар ривожига узоқ ўтмишда тамал тоши қўйилганлиги таъкидланган[3].

Мавзу тарихшунослигида бошқирд халқининг атоқли фарзанди, туркий халқлар истиқлоли учун фидойи курашчи, тарихчи олим Аҳмад Заки Валидий Тўғон асарларини алоҳида таъкидлаш жоиз[4]. А.З. Валидий хотираларида Туркистон Мухторияти учун курашда татар-бошқирд зиёлилари, жумладан ўз фаолиятига ҳам кенг ўрин ажратган.

Хорижда яшаб, Туркистон тарихи бўйича изланишлар олиб борган юртдошимиз Боймирза Ҳайит асарларида ҳам мазкур масалага оид маълумотлар учрайди[5].

---

[1] Қаранг: Pierce R.A. Russian Central Asia 1867-1917: A study in colonial rule… - P.255-256.
[2] Seymour B. Russia's protectorates in Central Asia:…- P.200-209.
[3] Schamiloglu U. The Formation of Tatar Historical Consciousness: Şihabaddin Marçani and the Image of the Colden Horde // Central Asian survey, 1990. Volime 9, Number 2. – P. 39-47.
[4] Togan Z.V. Hatiralar. Turkistan ve diger musluman dogu turklerinin milli varlik ve kultur muçadeleri. – Istanbul, 1969; Унинг ўзи. Problems of Turkestan Horde // Central Asian survey, 1990. Volime 9, Number 2. – S. 95-101; Унинг ўзи. Воспоминания. (Борьба народов Туркестана и других восточных мусульман-тюрков за национальное бытие и сохранение культуры.). Книга I. - Уфа: Китап, 1994.
[5] Hayit B. Turkestan im XX Jahrhundert. – Darmstadt. 1956; Унинг ўзи. "Basmaçilar". Turkistan Milli Muçadele Tarihi (1917-1934). – Ankara, Turkiye diyanet vakfi, 1997.

Мавзуга оид хорижий адабиётлар орасида немис олимаси Ингеборг Балдауфнинг “ХХ аср ўзбек адабиётига чизгилар” китобида татар маърифатпарварларининг жадидчилик ҳаракатидаги ўрнига катта баҳо берилган. Унинг таъкидлашича “…тошкентлик ва фарғоналик ислоҳотчилар … татар зиёлилари изидан боришлари натижасида, қонунчилик иши ва иқтисодий соҳаларда ислоҳот қилиш зарурлигини англаб етганлар. Татар зиёлилари турк ҳамкасбларига турк империяси доирасидагина эмас, Ўрта Осиёнинг ўзида ҳам сезиларли таъсир ўтказганлар”[1].

Француз олими Жан-Робер Равио тадқиқотида Россия империяси ҳукмрон доиралари томонидан Сибир ва Ўрта Осиёдаги мустамлака маҳкамаларига татарлар кенг кўламда жалб этилгани таъкидланган. Ҳатто “Рус давлати Туркистон истилоси даврида татарлардан қурол сифатида фойдаланди”, деган фикр илгари сурилган[2].

Мустақиллик йилларида бир қатор олимлар тадқиқотларида, татар-бошқирд маърифатпарварларининг Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги фаолиятларининг айрим жиҳатларигина ёритилган. Лекин ушбу муаммо ҳозирга қадар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу боисдан ҳам мавзуга оид адабиётлар таҳлили кам ўрганилган муаммоларни аниқлаш ва уларни ёритишга янгича ёндашув лозимлигини кўрсатади.

Диссертация иши Наманган Давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд зиёлиларининг тутган ўрнини очиб

[1] Балдауф И. ХХ аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият, 2001. – Б.16,37. Унинг ўзи. Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма в мусульманском мире // Марказий Осиё ХХ аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. –Т.: Маънавият, 2001. – Б.44-51.
[2] Равио Ж.Р. Татарстан в центре создания федеральной структуры России: инвенция суверинетета-союза // Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 295.

беришдан иборатдир. Мазкур мақсадни амалга ошириш ўз навбатида қуйидаги вазифаларни белгилаб беради:

- Туркистоннинг Россия империяси томонидан забт этилиши ва мустамлака тартиботи ўрнатилишида татар-бошқирдлардан фойдаланишдан кўзланган асосий мақсадларни очиб бериш;

- XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида татар муаллимлари томонидан очилган янги усул мактаблари фаолиятини таҳлил этиш;

- Туркистондаги татар-жадид мактабларининг маҳаллий янги усул мактаблари ташкил этилишидаги ролини кўрсатиб бериш;

- Туркистонда Россия империяси мустамлака тузумига қарши курашда татар-бошқирд зиёлиларининг тутган ўрнини ўрганиш;

- Татар ва бошқирдларнинг Туркистонда ер ва кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилишининг моҳиятини очиб бериш;

- Туркистонда миллий матбуотнинг юзага келиши, ривожланиши ва матбаа ишларини ташкил этишда татар зиёлиларининг ўрнини таҳлил этиш;

- Туркистонда театр санъати шаклланиши ва ривожида татар труппалари ва актёрларининг иштирокини ёритиш;

- Туркистон Мухторияти учун кураш ва уни мустаҳкамлашда татар-бошқирд зиёлиларининг иштирокини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг даврий чегараси сифатида XIX аср охиридан 1918 йил бошига қадар бўлган давр белгиланди. Чунки, айнан шу даврда Россия империяси ҳудудида яшовчи турк-мусулмон дунёси ўзининг янги миллий уйғониш даврини бошидан кечираётган эди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Мавзуни ёритиш жараёнида тадқиқотчи томонидан илмийлик, холислик, тарихийлик тамойилларига таянилди. Асосий эътибор юз берган воқеаларнинг ўзаро диалектик алоқадорлиги ва бир тизимлигига қаратилди. Тадқиқот

жараёнида мавзуга миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғоясидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

Шунингдек, тадқиқотнинг назарий асосини Президент И.А. Каримовнинг миллий истиқлол мафкурасига бағишланган асарлари, 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчи олимлар ва журналистлар билан учрашувда берган кўрсатмалари[1], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тарих фанини ривожлантириш борасида қабул қилган қарорларида[2] баён этилган тарихийлик, ворисийлик ва тадқиқот олиб боришда ягона объектив усулдан фойдаланиш, тарихга холисона ёндашиш ҳам белгилаб берди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- тадқиқот жараёнида Туркистоннинг XIX аср охири - XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпарварлари ҳам ўзига хос ўрин тутганлиги аниқланди;

- олиб борилган изланишлар натижасида Туркистонда татар муаллимларининг маориф тизимини ислоҳ қилишдаги фаол иштироки ва мазкур масалага мустамлака маъмуриятининг муносабатини акс эттирувчи муҳим тарихий манбалар илмий истеъмолга киритилди;

- диссертацияда умумтуркий бирлик, маданий-маърифий тараққиёт учун кураш ғоялари татар-бошқирд ва маҳаллий тараққийпарварлар ҳамкорлигига асос бўлганлиги кўрсатиб берилди;

- тадқиқот давомида татар-бошқирд маърифатпарварлари эришган муваффақиятлар учун ўлкада қулай ижтимоий-маънавий заминнинг мавжудлиги ва маҳаллий тараққийпарварлар томонидан қўллаб-қувватланиши асосий омил бўлгани аниқланди.

---

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - Б. 132-155.

[2] “Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр қилиш ҳақида” // Халқ сўзи. 1996. 17 декабрь; “Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” // Ўзбекистон овози. 1998. 28 июль.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Диссертациянинг манбавий асосларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Архив ҳужжатлари.
2. Вақтли матбуот нашрлари.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА)даги ҳужжатларни асосий манба сифатида киритиш мумкин. Тадқиқотимиздаги асосий маълумотлар мазкур архивнинг қуйидаги жамғармаларидан тўпланиб, таҳлил этилди:

1. И.1-фонд - Туркистон генерал-губернатори девонхонаси.
2. И.2-фонд - Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги дипломатик амалдор.
3. И.17-фонд - Сирдарё вилояти бошқармаси.
4. И.18-фонд - Самарқанд вилояти бошқармаси.
5. И.19-фонд - Фарғона вилояти бошқармаси.
6. И.36-фонд - Тошкент шаҳар бошлиғи бошқармаси.
7. И.43-фонд - Туркистон почта-телеграф округи бошқармаси.
8. И.47-фонд - Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси.
9. И.461-фонд - Туркистон район муҳофаза бўлими.
10. Р.34-фонд – Туркистон маорифи халқ комиссарлиги.

Тадқиқот мавзусини ёритиш жараёнида ЎзР МДАнинг И.1-фондидан татар-бошқирд тилмоч ва таржимонларига оид, И.2, И.17, И.18, И.19, И.36, И.47-фондларидан Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлигидаги татар муаллимларига доир, И.461-фонддан эса татар-бошқирдларининг кенг кўламли фаолияти ҳақида тўпланган маълумотлар манбавий асос сифатида хизмат қилди.

Тадқиқот ишидаги **иккинчи гуруҳ** манбалари қаторига ўша даврда чоп этилган вақтли матбуот нашрлари - «Туркестанские ведомости» (1870-1917), «Таржумон» (1883-1914), «Тараққий» (1906), «Самарқанд» (1913), «Улуғ Туркистон» (1917-1918), «Халқ дорулфунуни» (1918) ва бошқаларни

киритишимиз мумкин. Булар орасида айниқса, Туркистон татарлари марказий бюросининг нашри – “Улуғ Туркистон” газетаси алоҳида эътиборга молик. Чунки 1917 йил 25 апрелдан 1918 йил 30 ноябрга қадар чиққан ушбу газета шу пайтдаги ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнларни холис ёритиш билан бирга, Туркистондаги татарлар ҳаёти ва фаолиятига ҳам кенг ўрин ажратган[1].

Юқорида номлари қайд этилган манбалар татар-бошқирд маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолиятини ёритишда катта аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мавзуни ёритиш жараёнида бирёқлама талқинлардан воз кечган ҳолда, архив манбалари, тарихий адабиётлар ва вақтли матбуот нашрлари маълумотларининг умумлашган таҳлили натижасида қуйидаги янгиликлар илмий муомалага олиб кирилди:

- илк бор Туркистонда татар-бошқирд маърифатпарварларининг фаолияти алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилди;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг мавзуга доир кўплаб ҳужжатлари илк бор илмий муомалага киритилди;

- биринчи бор татар-бошқирд таржимон ва тилмочларининг мустамлака шароитидаги фаолиятлари ёритилди;

- XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда татар муаллимлари томонидан очилган жадид мактаблари тузилиши, ўқитиш тизими ва мус-

[1] Иттифоқ жамияти. 1917. 25 апрель; Туркистонга автономия олув ҳақида. 1917. 5 май; Туркистон хабарлари. 1917. 13 май; Тўқой кечаси, Тоторларнинг миллий саҳналарина ўн йил тўлуви, Бухорода тотор жамияти, Тошкандда мусулмон матбааси, Туркистон мударрис ва муаллимларининг сезди ҳақинда. 1917. 31 май; Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи. 1917. 10 сентябрь; Туркистон Мухторияти ва иқтисодий автономия. 1917. 18 ноябрь; Тоторча тиётр. 1917. 13 декабрь; Андижонда мухторият намойиши. 1917. 16 декабрь; Туркистон тоторларининг қарорлари. 1917. 20 декабрь; Ҳўқанд тоторларининг ҳимматлари. 1917. 24 декабрь; Тоторча тиётр ва болалар эртаси, Фарғона нидоси. 1917. 31 декабрь; Мусулмон ишчи ва деҳқонлар съезди, 1918. 4 январь; Ҳўқанд тоторларининг жамиятида, Каттақўрғонда марказий тотор бюросининг доқлади, 1918. 11 январь; Сиёсий аҳвол, 1918. 28 январь; Туркистон Мухториятининг фожеаси, 1918. 26 февраль; Тилмочлар бюроси, 1918. 2 март; Ҳўқанддан мактуб, 1918. 6 март; Тотор рутаси битуви, 1918. 14 март; Муҳтарам тотор қардошлар. 1918. 30 апрель; Тотор социалистлари комитети, Туркистон мухторияти эълон қилинди. 1918. 3 май; Комиссар Клиблеев. 1918. 21 май.

тамлака маъмуриятнинг уларга салбий муносабати холисона тарзда ёритиб берилди;

- Туркистонда маҳаллий тараққийпарварлар томонидан янги усул мактабларининг ташкил этилишида татар муаллимларининг кўрсатган ёрдамлари бирламчи манбалар орқали асосланди;

- Россия империяси мустамлакачилигига қарши татар-бошқирдларнинг ўлкадаги сиёсий фаолиятлари, Туркистонда татарлар томонидан тузилган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолияти таҳлил этилди;

- Туркистонда татар-бошқирдларнинг ер ва бошқа кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи учун курашлари илк бор ёритилди;

- Туркистонда вақтли матбуот, матбаа ишлари, театр санъати шаклланиши ва ривожида татар маърифатпарварлари иштироки очиб берилди;

- Туркистон Мухторияти учун кураш ва уни мустаҳкамлашда татар-бошқирд зиёлиларининг иштироки манбалар асосида ёритилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Диссертацияда илк бор Туркистондаги жадидчилик ҳаракати ва бошқа ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларда татар-бошқирд зиёлиларининг тутган ўрни кенг ёритилди. Тадқиқотда келтирилган маълумотлар илмий асосга эга бўлиб, ундан ўлканинг XIX аср охири - XX аср бошлари тарихига оид ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда, олий ўқув юртлари тарих факультетлари бакалаврлари ва магистрлари учун махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот апробацияси. Диссертациянинг асосий хулосалари тадқиқотчи томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон” номли Республика илмий-назарий конференцияси (2003), Қўқон Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган “Қўқон асрлар силсиласида” номли Республика илмий-назарий конференцияси (2004) ва

Наманган Давлат университетида ўтказилган “Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари”, “Академик Карим Шониёзов ўқишлари” туркумида IV Республика илмий назарий конференцияси (2007)даги чиқишларида илмий жамоатчиликка етказилган. Шунингдек, диссертация Наманган Давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасида мазкур тадқиқотнинг муҳокамаларида, Фарғона Давлат университети Гуманитар факультети Тарих кафедраси илмий семинар йиғилишида, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Тарихга ихтисослашган илмий семинар йиғилишида ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти қошидаги илмий семинар йиғилишларида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 5 та илмий мақола ва 5 та тезис ҳамда материалларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 179 бетни ташкил қилади.

I боб. XIX АСР ОХИРИДА ТУРКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ТАТАР-БОШҚИРДЛАРНИНГ ЎРНИ

1.1. Туркистон истилоси ва мустамлакачилик тартиботини ўрнатишда татар-бошқирдларнинг иштироки

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Россия империяси режали тарзда Туркистон ўлкасини истило этиш ишларини авж олдириб юборди. Туркистонни забт этиш руслар учун ўз навбатида турли муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Чунки тили, дини ва маданияти бутунлай бегона бўлган Туркистон халқларини ҳарбий жиҳатдан бўйсундириш билан бир қаторда, ўлкада мустамлакачилик тартиботини ўрнатиш ҳамда бу ҳудуд аҳолиси ҳаётига чуқур кириб бориш анча мушкул эди. Туркистон хонликларини бўйсундиришда татар ва бошқирдлар истилочи ҳукмрон доиранинг асосий нишонига айланди. Бу пайтда Россия империяси Туркистон хонликлари ҳақида жосуслар томонидан йиғилган умумий маълумотларига эга бўлишларига қарамай, халқнинг руҳияти, қадриятларидан мутлақо бехабар эдилар.

Шу сабабга кўра улар тили, диний эътиқоди ва маданий тараққиёти Туркистон халқлари билан муштарак бўлган татар-бошқирдлар «ёрдами»дан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Туркистонни истило этиш жараёнида татар ва бошқирдлар аскарлар, зобитлар, ҳарбий врачлар, фельдшерлар, оғзаки ва ёзма таржимонлар[1] сифатида ҳаракатдаги армия сафларига жалб этилди[2].

Туркистоннинг босиб олиниши ва ўлкада мустамлакачилик тартиботини ўрнатилиши йилларидаги асосий муаммолардан бири тилмоч ва

---

[1] Архив манбаларида “оғзаки ва ёзув таржимони” атамаси ишлатилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида гап ёки нутқни бошқа тилга оғзаки таржима қилувчи кишига нисбатан тилмоч, матнларни таржима қилувчи кишига эса таржимон сўзи ишлатилиши қайд этилган. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Москва: “Рус тили” нашриёти, 1981. – Б.126,177. Бундан кейин матнда оғзаки таржимонларни-тилмоч, ёзма таржимонларни эса таржимон тарзида баён этилади – диссертант.

[2] Губаева С. Население Ферганской долины. – Т.: Фан, 1991. – С. 111; Мусин Ф. Гаяз Исхакый (татар тилида). – Казань: Татарстан китап нэшрияти, 1998. – Б.159; Равио Ж.Р. Татарстан в центре создания федеральной структуры России: инвенция суверинетета-союза // Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С.294-295; Хосэйенов Ғ. Ил азаматтары (бошқирд тилида). –Уфа: Китап, 1998. – Б.445-486.

таржимонлар тақчиллиги эди. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Оренбургдаги ҳарбий гимназия қошида Шарқ тилларини ўрганиш курси ташкил этилиб, унда узлуксиз равишда тилмоч ва таржимонлар тайёрлаш йўлга қўйилди[1].

Россия империясининг Туркистон хонликлари ҳудудлари ҳисобига кескин кенгайиб бориши натижасида бошқарув маҳкамалари сони ҳам ортиб борди. Оқибатда юқорида қайд этилган тилмоч ва таржимонлар тайёрлаш курси ўлкадаги мустамлакачи маъмуриятнинг эҳтиёжларини тўла қондиролмай қолди.

Тошкентнинг забт этилиши (1865) натижасида тилмоч ва таржимонларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ортганлигини 1866 йил 19 мартда Туркистон вилояти ҳарбий губернатори бошқармаси томонидан Оренбург генерал-губернаторига йўлланган 229-сонли хатдан ҳам англаш мумкин. Унда Туркистон вилояти ҳарбий губернатори девонхонаси ишлари ва ҳарбий губернатори учун икки нафар татар-рус, форс-рус тилларини мукаммал билувчи тилмоч ва таржимонлар билан таъминлаш қатъий сўралган. Шу билан биргаликда хатда таржимонлар учун 800 рубль, тилмочлар учун эса 400 рубль кумуш пул йиллик маош сифатида берилиши ҳам билдирилган[2].

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Еттисув ва Сирдарё вилоятларининг ташкил этилиши (1867) муносабати билан мустамлака маҳкамаларида тилмоч ва таржимонларга бўлган эҳтиёж янада ортди. Шу билан биргаликда, қўшни мусулмон мамлакатлари билан дипломатик муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши ва уларга нисбатан ижтимоий-сиёсий муносабатларда татар-бошқирдлардан иборат тилмоч ҳамда таржимонларга зарурият алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Шу нуқтаи назардан татар-бошқирд тилмоч ва таржимонлари, шунингдек

[1] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 69-иш, 2-варақ ва орқаси.
[2] Ўша жойда, И.1-фонд, 20-рўйхат, 426-иш, 1-варақ ва орқаси.

бошқа маҳаллий аҳоли тилини тушунадиган мутахассисларни Туркистон ўлкаси бошқарув маҳкамаларидаги турли лавозимларга жалб этиш чора-тадбирлари авж олдириб юборилди.

Масалан, 1868 йил 22 ноябрда подшо саройи маслаҳатчиси Батиршин Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман таклифига кўра, Тошкентга келди ва шаҳар врачи лавозимига тайинланди[1].

Янги истило этилган жойларда маҳаллий аҳоли билан мулоқот олиб бориш муаммосини ҳал қилиш мақсадида 1869 йил 23 декабрда Туркистон ҳарбий округи медицина бўлими доришуноси Ишханов Самарқанд шаҳрига иш бошқарувчи лавозимига юборилди ва 1870 йил 8 январда Туркистон генерал-губернатори, генерал-адъютант К.П. фон Кауфман буйруғига кўра мазкур вазифага тайинланди[2].

1871 йил 19 октябрда Тошкент шаҳар врачи Батиршин Бошқирдистондан юборилган Иван Никифоров (300 йилга яқин аждоди татар – диссертант), Музаффар Касмаков ва Гиззатулла Надиршиннинг фельдшерликка ишга қабул қилиш бўйича берган аризаларини ижобий ҳал этди[3]. 1871 йил 31 октябрда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори, генерал-майор Головачёвга ёзган хатида Иван Никифоров ва Музаффар Касмаковни Тошкент шаҳар врачи қўл остига ишга қабул қилиш, уларга йилига 300 рубль миқдорида маош тайинлаш, иккаласига 3 та от ажратиш ва иш бошлашлари учун 100 рублдан ёрдам пули ажратиш ҳақида кўрсатма берган[4].

1872 йил 4 январда Россия империяси ҳарбий вазирлиги Бош штаби фуқаролик ишлари бўйича коллеж регистратори Бекишевни Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман ихтиёрига юборди[5].

---

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 1191-иш, 8-варақ ва унинг орқаси.
[2] Ўша жойда, 1483-иш, 1,2-варақлар.
[3] Ўша жойда, 3853-иш, 2-варақнинг орқаси.
[4] Ўша жойда, 3-варақ ва унинг орқаси.
[5] Ўша жойда, 3123-иш, 6-варақ.

1870 йил 31 октябрда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Головачёв Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфмандан коллеж регистратори Ибрагимовни вилоят бошқармасига[1], 1871 йил 17 февралда эса генерал-губернаторлик девонхонасида хизмат қилаётган поручик Бекчуринни форс-татар тиллари таржимони сифатида ўзининг ихтиёрига юборишини сўраган[2].

Туркистонда татар-бошқирд тилмоч ва таржимонларига яратилаётган қулайликлар (маошлар ва таржималар учун тўладиган ҳақлар назарда тутилмоқда – диссертант) табиий равишда форс-тожик ва туркий тилларни яхши билувчи кишиларда ўлкага кўчиб келиб ишлаш иштиёқини янада кучайтирди. Масалан, 1868 йил 23 мартда Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳамда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори бошқармасига Смоленск шаҳрида яшовчи татар савдогари Мирза Ҳусаинов[3], бошқирд Камолиддин Харитдинович Ашимов[4], истеъфодаги коллеж регистратори Нурмуҳаммад Ахмеровлар[5] ўлкада таржимонлик иши билан шуғулланиш хоҳишлари борлигини билдириб ариза берганлар.

1871 йил 17 февралда Верний (ҳозирги Алмати) уезди суди ходими, губерния котиби Чанишев К.П. фон Кауфмандан генерал-губернаторлик девонхонасида бўш ўриндаги таржимонлик ишига қабул қилишни сўраб мурожаат қилган[6].

Туркистон истилоси жараёнида татар-бошқирд тилмоч ва таржимонлари ҳам ҳарбийлар билан бир сафда жанггоҳларда катта «жонбозлик»лар кўрсатганлар. 1868 йил августда генерал-майор Головачёв Сирдарё вилояти бошқармаси форс-татар тиллари таржимони Абдулазиз Раҳматуллинни

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 2780-иш, 1-варақ.
[2] Ўша жойда, 3220-иш, 1-варақ.
[3] Ўша жойда, 793-иш, 1, 2-варақлар ва орқаси.
[4] Ўша жойда, 580-иш, 1-варақ.
[5] Ўша жойда, 1988-иш, 1-варақ ва орқаси.
[6] Ўша жойда, 3221-иш, 1-варақ.

Ўратепани эгаллашда кўрсатган «қаҳрамонлиги» учун «Анна лентасининг катта олтин медали» билан тақдирлашга тавсия этган [1].

1870 йил 9 мартда Зарафшон округи Каттақўрғон бўлими бошлиғи Борзенков Зарашфон округи бошлиғидан ўз таржимони Муҳаммадкарим Шариповни узоқ ва ишончли хизматларини ҳисобга олиб, «Жасурлиги учун» ёзувли кумуш медал билан тақдирлашни сўраган. Зарафшон округи бошлиғи ушбу талабни қўллаб-қувватлаб, 1870 йил 25 мартда уни Туркистон генерал-губернаторлигига мукофотлаш учун тавсия этган[2]. Аммо тавсиянома билан танишган К.П. фон Кауфман М.Шариповни Станислав лентасининг кичик кумуш медалига лойиқ деб топган. Жумладан, уни тақдирлаш учун юборилган гувоҳномада шундай дейилган эди:

«…Сени Каттақўрғон бўлими бошқармасида узоқ ва и ш о н ч л и х о д и м (биз томондан ажратилган – диссертант) сифатида иш юритганинг учун Зарафшон округи бошлиғи тавсияномасига асосланиб, Станислав лентасининг кичик кумуш медали билан мукофотлайман. Сени ўз ишингга содиқ қолишингга ишонаман».

Генерал адъютант К.П. фон Кауфман I

Тошкент шаҳри. 31 март 1870 йил[3].

Туркистон истилоси давомида мустамлакачилар томонидан янги иншоотлар қуриш ишлари жадаллик билан бошлаб юборилди. Амалга оширилаётган лойиҳалардан, албатта, маҳаллий йирик давлатмандларнинг ҳам танишиб қўйишлари фойдадан холи бўлмас эди. Шу муносабат билан, Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман Тошкент шаҳри ва Туркистон ҳарбий округи бўйича муҳандислик иншоотларига хизмат турини белгилаш лойиҳаларини таржима қилишни Чанишевга топширган.

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 542-иш, 6-варақ.
[2] Ўша жойда, 2373-иш, 1,3-варақлар.
[3] Ўша жойда, 2373-иш, 3-варақ.

Чанишев ушбу вазифани 1872 йил 15 январда тамомлаган[1] ва кўрсатган хизмати учун унга 6 рубль ҳақ тўланган[2].

Таржимон Чанишев бундан кейин ҳам топширилган вазифаларни аъло даражада бажарган. Унинг меҳнатлари Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман томонидан муносиб тақдирланиб, 1874 йил 4 сентябрда Туркистон назорат палатаси унга 3-даражали Авлиё Святослав орденини топширган[3].

Ҳарбий юришларда фаол иштирок этаётган тилмоч ва таржимонлар ҳаётида кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар ҳам бўлиб турган. 1866 йилда Бухоро амирлигига қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар пайтида бошқирд миллатига мансуб таржимон Шамсутдин Абдулсатторов бухороликлар томонидан асирликка олинган. Кейинчалик у Туркистон генерал-губернаторлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида 250 рубль товон пули ҳисобига қайтариб олинган[4]. 1868 йил 27 май куни Қоратепада бухороликлар билан тўқнашувда ҳарбий врач Абдиев оғир яраланиб, ҳалок бўлган[5].

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилоятининг ташкил этилиши (1876 йил 19 февраль) билан табиий равишда вилоят ва уезд бошқармаларида тилмоч ва таржимонларга бўлган эҳтиёж юзага келди. Шу билан биргаликда империянинг турли жойларидан Фарғона вилоятига келиб ишлаш истагини билдирганлар сони кундан кунга ортиб борди. Хусусан, Фарғонадаги ҳарбий ҳаракатлар якунланмасданоқ, Туркистон ҳарбий округи таржимони Хонгирей Муҳаммад Ҳасанов Фарғона вилояти ҳарбий губернатори, генерал-майор М.Д.Скобелев номига мактуб йўллаб, ўзини вилоятда иш билан таъминланишини илтимос қилган. Х.М.Ҳасанов ўз аризасида Оренбургдаги ҳарбий

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 4270-иш, 1-варақ ва унинг орқаси.
[2] Ўша жойда, 4270-иш, 4-варақ.
[3] Ўша жойда, 6358-иш, 2-варақ.
[4] Ўша жойда, 2008-иш, 2-варақ ва орқаси.
[5] Ўша жойда, 366-иш, 2-варақ.

гимназия қошида очилган Шарқ тиллари курсини тамомлаганлигини билдирган[1]. Унинг илтимоси қондирилиб, 1876 йил 28 мартда Наманган уезди бошқармаси таржимони лавозимига тайинланган[2].

1876 йил 4 июлда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори М.Д.Скобелев Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфмандан Қўқон ва Наманган уезди бошқармаларига таржимон юборишни сўраган. Унинг илтимоси қондирилиб, 1876 йил 14 августда Сейфуллин Наманган уезди бошқармасига, Султон Хонгирей Ҳасанов эса Қўқон уезди бошқармасидаги сўралган лавозимга юборилган[3].

1877 йил 4 январда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори сўровига биноан, Зайсан приставлиги таржимонлигига Мурод Алиевич Карачев юборилган[4].

1879 йил 28 декабрда Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ва қўшинлари қўмондони генерал-лейтенант Абрамовнинг илтимосига кўра, Абдулазиз Раҳматуллинни Марғилон уезди бошқармаси таржимонлигига юборган[5] ва у 1880 йил 16 февралдан Марғилон уезди бошқармаси таржимони сифатида ўз фаолиятини бошлаган[6].

Фарғона вилоятида кенг кўламли қурилишлар ва мустамлакачилик тартиботининг ўрнатилиш жараёни вилоятга татар-бошқирд тилмоч ва таржимонларини кўпроқ жалб этишни тақозо этарди. Шу муносабат билан уезд бошлиқларидан вилоят ҳарбий губернаторига юборилаётган илтимосномалар сони борган сари кўпайиб бораверди.

1884 йил 13 февралда Марғилон уезди бошлиғи Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига берган билдиришномасида уезд бошқармасига 1 нафар

---

[1] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 69-иш, 2-варақ ва орқаси.
[2] Ўша жойда, 69-иш, 6-варақ.
[3] Ўша жойда, 119-иш, 1,2,4-варақлар.
[4] Ўша жойда, 119-иш, 5-варақ.
[5] Ўша жойда, 587-иш, 1-варақ.
[6] Ўша жойда, 587-иш, 3-варақ.

тилмоч ва 1 нафар таржимон зарурлиги, агар имкон бўлса яна 3 нафар (1 нафари уезд бошлиғига, 2 нафари бошлиқ ёрдамчиларига – диссертант) таржимон юборишни илтимос қилган[1].

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори, генерал-майор Иванов 1884 йил 25 февралда Туркистон генерал-губернаторидан зудлик билан 13 нафар тилмоч ва таржимон юборишни илтимос қилган[2]. Бунга жавобан генерал-губернаторлик девонхонаси 1884 йил 19 мартдаги 1622-сонли жавоб хатида тажрибали татар таржимонлари юбориш муаммо эканлиги, агарда жойларда рус тилини биладиган маҳаллий аҳоли вакиллари бўлса, уларни таржимонлик ишига жалб этиш мумкинлиги ҳақида кўрсатма берган[3].

Ҳарбий хизматдаги татар-бошқирдлар орасида ҳам кўп ҳолларда таржимонлик ёки тилмочлик ишига ўтишга мойиллик бўлган. Масалан, 1884 йил 29 мартда поручик Султонбобо Галиев ҳарбий хизматдан таржимонликка ўтказишни сўраб Туркистон генерал-губернаторига ариза берган. У шу йилнинг ўзида Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ихтиёрига юборилган[4]. Марғилон уездига жўнатилган С.Галиев вақф ерлари ҳуқуқларини аниқлаш бўйича махсус комиссиянинг таржимони этиб тайинланган[5]. С.Галиев ҳақида ҳарбий хизматда бўлган жойи (Сирдарё вилояти ҳарбий бошқармаси - диссертант)дан Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ёрдамчиси В.Ю. Мединский номига юборилган хатда, унинг шахсига ижобий фикр билдириш билан бирга форс ва араб тилларини мукаммал билишлиги ҳам қайд этилган эди[6].

Фарғона вилоятида руслар томонидан янги сиёсий-ҳарбий иншоотлар қурилиши жараёнида тилмоч ва таржимонлар етишмаслигини эътиборга

---

[1] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 1203-иш, 1,2-варақлар.
[2] Ўша жойда, 1203-иш, 1,2-варақ ва орқаси.
[3] Ўша жойда, 1203-иш, 5-варақ ва орқаси.
[4] Ўша жойда, 1427-иш, 1-варақ.
[5] Ўша жойда, 2782-иш, 2-варақ.
[6] Ўша жойда, 2782-иш, 8-варақ.

олиб, 1888 йил 19 февралда Туркистон ҳарбий округи муҳандислик бошқармаси вилоятга Аҳмад Абсаломовни юборган[1].

Тилмоч ва таржимонларга бўлган талабнинг ортиб бориши мустамлака маъмуриятини жиддий ўйлантиришга мажбур этди. 1880 йилда Империя Давлат Кенгашида Туркистондаги маҳаллий аҳоли болаларини руслар билан биргаликда ўқитиш масаласи кўрилди. Кейинчалик бу ғояни ривожлантирган Туркистон генерал-губернатори, генерал-лейтенант Н.О.Розенбах (1884-1888) Тошкентда биринчи рус-тузем мактабини (1884) очди. XIX аср охирига келиб бундай тартибдаги мактаблар сони юздан ошиб кетди[2]. Бу сиёсатнинг туб моҳияти заминида ўлкадаги бошқарув идораларида тилмоч ва таржимонларга бўлган эҳтиёжни маҳаллий аҳолининг «подшоҳга садоқатли ва билимли кишилари» ҳисобига қондиришдек мақсадлар ётар эди.

Туркистонга ҳарбийлар сафида келган татар ва бошқирдлар ҳукумат ишончини қозониб, амал поғоналарида кўтарилиб борганлар. Масалан, 1882 йилда капитан Хайрулла Мурза Фаткуллинович Мамлеев Ўш уезди бошлиғи ёрдамчиси[3], 1898 йилда полковник Соҳиб Гиреевич Еникеев[4] Асака участкаси бошлиғи[5] лавозимларида ишлаганлар. Полковник Абубакр Диваев (бошқирд – диссертант) рус армиясида хизмат қилиш билан бирга, Туркистон аҳолиси этнографиясига доир қимматли маълумотлар тўплаган[6].

Шу ўринда Туркистон истилоси жараёнида ҳаракатдаги рус армияси сафида «садоқат» билан хизмат қилган бошқирд полковниги Мирсолиҳ

---

[1] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 2441-иш, 6,7,19-варақлар.

[2] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси ҳукмронлиги даврида. I китоб. -Т.: Шарқ, 2000. - Б. 253. Кейинги эслашларда: Туркистон Чор Россияси ҳукмронлиги даврида…

[3] ЎзР МДА И.1-фонд, 1-рўйхат, 3118-иш, 42-варақ.

[4] Ш. Ризаев ўз тадқиқотида С.Г. Еникеевни полковник унвонида кўрсатган. Қаранг: Жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филология фан. номз … дисс. – Т. 1995. – Б.31. Тадқиқот жараёнида унинг кейинчалик генерал унвонида хизмат қилганлиги аниқланди. Қаранг: ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 232, 233-варақлар.

[5] Pierce R.A. Russian Central Asia 1867-1917: A study in colonial rule. - Los Angeles: University of California press, 1960. – P. 229.

[6] Тоган З.В. Воспоминания. (Борьба народов Туркестана и других восточных мусульман-тюрков за национальное бытие и сохранение культуры). Книга I. - Уфа: Китап, 1994. – С. 138.

Бикчуриннинг фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. М. Бикчурин рус қўшинларининг 1839 йили Хива хонлигига, 1853 йили Қўқон хонлигига қарашли Оқмачит, 1864 йили Туркистон, Авлиёота, Пишпек шаҳарларига қилган юришларида иштирок этди. 1865 йил сентябрда Оренбург генерал-губернатори, генерал-адъютант Крижановский Тошкентнинг сиёсий мақомини ҳал этиш учун келганида, тошкентлик аслзодалар билан бўлган музокарада тилмочлик қилди[1]. Шунингдек, у 1866 йили рус қўшинларининг Ўратепа, Жиззах учун олиб борган жангларида «фаол» иштирок этди. 1865-1866 йилларда кўрсатган «қаҳрамонликлари учун» 4-даражали авлиё Владимир ордени ва кумуш қилич билан тақдирланди. 1873 йили Хива хонлигига қарши юришда қатнашди. Унинг «подшо ва давлат йўлидаги хизматлари муносиб» тақдирланди. 1880 йилда унга ҳақиқий статс-маслаҳатчи ва генерал-майор унвони берилди[2].

1892 йил маълумотига кўра, татар миллатига мансуб мансабдорлардан - Ўш уездида капитан Х.Ф.Мамлеев уезд бошлиғи ёрдамчиси, княз И.Г.Акчурин уезд бошқармасида таржимон[3], У.Ш.Акчурин судья тилмочи[4], Қўқон уезди бошқармасида Х.Н.Богданов[5] ва бошқирд М.Г.Муҳаммедраҳимовлар таржимон[6] сифатида хизмат қилганлар.

Туркистонда фаолият кўрсатаётган таржимонлар зиммасига тилмочларга нисбатан кўпроқ масъулият юкланар эди. Чунки маҳаллий аҳолидан тушаётган турли мазмундаги хатлар, аризалар, шикоятлар қўшни мусулмон давлатлари (Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Афғонистон, Эрон ва х.к.)дан келаётган мактублар ва бошқа ҳужжатларни таржима қилиш уларнинг асосий вазифаси эди. Таржимонларга тегишли маошлардан

[1] Хосэйенов Ғ. Ил азаматтары ... – Б. 463.
[2] Юқоридаги китоб. – Б. 466-467.
[3] ЎзР МДА И.1-фонд, 1-рўйхат, 3118-иш, 110-варақ.
[4] Ўша жойда, 114-варақ.
[5] Ўша жойда, 232-варақ.
[6] Ўша жойда, 249-варақ.

ташқари, қилган таржималари учун ҳам алоҳида пул тўланиб, бу ҳар бир варақ учун 2 копеекни[1] ташкил этган.

Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, татар-бошқирд тилмоч ва таржимонларидан ўлкадаги маданий осори-атиқалар ҳамда қадимий нодир қўлёзма асарларни қидириб топиш ва уларни империя мулкига айлантириш борасидаги ишларда ҳам кенг фойдаланилган.

Туркистонни забт этиш ва мустамлакачилик тартиботини ўрнатишда татар-бошқирдлар ўзига хос хизмат кўрсатган бўлсалар-да, амалда ҳамма вақт ҳам бу саъй-ҳаракатлари мустамлака маъмурлари томонидан муносиб тақдирланмаган. Хусусан, 1886 йили қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»нинг 262-моддасига биноан татар-бошқирдлар ҳам бухоролик яҳудийлар қатори мигрантлар сифатида ер ва кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. Мазкур Низом қабул қилингандан сўнг Фарғона вилоятида яшовчи татарлар “Туркистонни забт этишда подшоҳ ва Ватан учун қон тўкканликлари туфайли” тегишли моддани кўриб чиқилишини сўраб ҳарбий вазирга хат йўллаганлар. Бироқ уларнинг илтимослари қондирилмаган[2].

Туркистон ўлкасида рус маъмуриятига хизмат қилаётган тилмоч ва таржимонлар орасида кўп ҳолларда ўз мансабини суистеъмол қилиш ҳоллари ҳам учраб турган. Таржимонлар рус тилини яхши билмаган маҳаллий аҳолидан мустамлака бошқармаларига топширилиши лозим бўлган ариза ва шикоятларни ёзиб бериш ёки топширишда баъзан таъмагирлик йўлини ҳам тутганлар. Бу ҳол маҳаллий аҳолига маълум бўлиб қолгач, кўп ҳолларда таржимонларга фаолиятига шубҳа билан қараб маъмуриятга шикоят қилганлар.

1880 йил 19 сентябрда Андижон уездидан 10 киши танобчилардан пора олганлиги учун таржимон Газий Шамсутдинов устидан Туркистон

---

[1] Мавжуд архив материаллари асосида биз томондан ҳисоблаб чиқилган – диссертант.

[2] Ҳайдаров М., Расулов А. Фарғона водийсида татарлар // Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари. - Наманган, 2002. - Б.49.

генерал-губернатори номига ариза ёзганлар. Текширишлар натижасида унинг ўз мансабини суистеъмол қилганлиги аниқлангач, Г.Шамсутдинов қамоққа олинган[1].

1882 йил 11 сентябрда Марғилон уезди бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ёзган билдиришномасида айтилишича, Чимён волости Водил қишлоғи қўрбошиси Иброҳим Чанишев қимор ўйинларини авж олдириб, бунинг эвазига 14 рубль пора олган[2].

1884 йил 21 мартда Қўқон уезди судьяси томонидан Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборилган билдиришномада келтирилишича, унинг қўл остида ишлаган таржимон Шароф Нигматуллин маҳаллий аҳолидан пора олганлиги учун суд ҳукмига кўра, вазифасидан озод этилган[3].

1903 йил октябрда Ашхабод округ суди таржимони Маҳмуд Алиев устидан тушган имзосиз (аноним) хат юзасидан суриштирув ишлари олиб борган Тошкент шаҳар суд палатаси прокурори Туркистон генерал-губернатори Н.А.Иванов (1900-1904)га номига юборган ишончномасида, унга нисбатан қўйилган айблар нотўғри эканлиги, у доимий равишда ўз ишига ҳалол ва сидқидилдан ёндашганлиги хусусида ёзганди[4].

1908 йил 12 декабрда Андижон шаҳрида тафтиш ишлари ўтказган империя сенатори Туркистон генерал-губернатори Н.И.Гродековга ноқонуний фаолияти учун шаҳарнинг 1-қисми пристави Чанишевни хизмат мансабидан четлатиш ҳақида кўрсатма берган[5].

Наманган уездининг Олмос волостида татар таржимони Абдураҳмон ҳам маҳаллий аҳолидан пора олганлиги учун унинг устидан маъмуриятга шикоят қилинган[6].

---

[1] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 523-иш, 2-варақ.
[2] Ўша жойда, 880-иш, 3,4-варақлар.
[3] Ўша жойда, 1333-иш, 1,2-варақлар ва орқаси.
[4] Ўша жойда, И.1-фонд, 31-рўйхат, 180-иш, 55-варақ ва унинг орқаси.
[5] Ўша жойда, 4-рўйхат, 1307-иш, 3-варақ.
[6] Ўша жойда, И.19-фонд, 1-рўйхат, 5321-иш, 2-варақ ва орқаси.

Татар-бошқирд тилмоч ва таржимонларидан фойдаланиш ҳар доим ҳам ўзини оқламаганлиги юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди. 1908-1909 йилларда Туркистон ўлкасини тафтиш қилган сенатор-граф К.К.Паленнинг гувоҳлик беришича, маҳаллий тилни билмаган ва саводхон тилмочларга эга бўлмаган рус маъмурияти бу масалада «ниҳоятда ёрдамга муҳтож бир аҳволда эди»[1].

Манбалар таҳлили большевиклар ҳукуматининг ҳам дастлабки йилларда ҳам тилмоч ва таржимонларга эҳтиёж сезганлигини кўрсатади. Шу боисдан ҳам 1918 йил февралда Туркистон татарлари марказий бюроси томонидан Тошкентда “Тилмочлар бюроси” ташкил этилган. Мазкур бюро рус тилида ёзилган газета мақолалари, хатлар, аризалар, жамиятларнинг низомлари, қонун, лойиҳа ва қарорларини ўзбек, қозоқ ва татар тилларига ҳамда худди шундай расмий ҳужжатларни рус тилига таржима қилиш билан шуғулланган[2].

Юқорида келтирилган маълумотлардан татар ва бошқирдлар Россия империяси истилосидан кейингина Туркистонга келганлар, деган фикрга келмаслик лозим. Тадқиқотлар татар ва бошқирдларнинг Туркистон ўлкасига кириб келиши Россия истилосидан анча олдин бошланганлигини кўрсатади. Масалан, кўплаб татар-бошқирд савдогарлари Ўрта Осиё хонликларида аввалдан тижорат ишларини олиб борганлар[3]. 1827 йилда Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1842)нинг ёрлиғи билан татарлар Тошкент шаҳри атрофларига келиб ўрнашганлар ва ўзларининг 40 хонадондан иборат Нўғайқўрғон номли қишлоқларини барпо этганлар[4].

Россия истилоси арафасида Туркистонда 5 минг нафар татар истиқомат қилган[5]. Туркистон руслар томонидан истило этилгандан сўнг кўп-

---

[1] Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Т.: Академия, 2002. – Б.193.
[2] Тилмочлар бюроси // Улуғ Туркистон, 1918. 2 март.
[3] Шигабдинов Р., Жукова Л.И. Татары // Этнический атлас Узбекистана. –Т.: Институт “Открытое общество”, 2002. – С. 203.
[4] ЎзР МДА И.1-фонд, 13-рўйхат, 545-иш, 4-варақ.
[5] Татары в Узбекистане: история, проблемы, перспективы //Пресс-служба постпредства РТ в РУ, опубликовано в газете “Татарские новости”, -№ 6-7, 2003. http:// www.tatar.ru

лаб омиллар татар ва бошқирдларнинг ўлка томон силжиб келишларини тақозо этган. Тўла бўлмаган маълумотларига кўра, 1917 йилга келиб, Туркистондаги татарлар сони 100 минг кишига етган ва бу ўлка аҳолисининг қарийб 1 фоизини ташкил этар эди[1].

Татар-бошқирд таржимон ва тилмочларидан фойдаланиш Россия империяси мустамлакачилари ўйлаган натижаларни берди. Улар ёрдамида Туркистон халқлари ижтимоий-маданий ҳаётининг барча қатламларига кириб бориш имконияти янада кенгайди. Мустамлакачилик тартиботини ўрнатиш ва ўлка бошқарувини осонлаштирди. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, мустамлакачилар татар-бошқирдларни бу жараёнга мажбурий тарзда жалб этмаганлар. Чунки улар орасида “подшо ва давлат учун хизмат қилиш”ни ўзига шараф деб ҳисоблаганлар ҳам етарли эди. Ана шундай кимсалар Туркистон истилоси ва мустамлака тартиботини ўрнатиш йилларида ўзига хос “жонбозлик” кўрсатганлар.

I.2 Туркистон ўлкасида татар муаллимлари фаолияти

Россия империяси мустамлакачилиги остидаги турк-мусулмон дунё-сини маънавий тараққиётга эришиш йўли орқали озодликка олиб чиқиш ғояси дастлаб қрим-татар фарзанди Исмоил Гаспринский томонидан илгари сурилди. Унинг туркий халқлар тақдиридан ташвишланиб: “Бир кишининг фожиасидан ларзага тушамиз, ёрдамга шошиламиз, лекин миллионларнинг фожиасига, бутун бир халқнинг кўз ўнгимизда йўқ бўлиб кетаётганлигига бефарқмиз”[2] ёки “Рус мактаблари татарлар учун бир ўлик муассаса кабидир – буни унинг назарий жиҳатдан қувватлаган амалиёти исбот этмоқда”[3] - деган фикрлари алоҳида эътиборга молик.

---

[1] Литвинов П.П. Антитатарская политика царизма в Средней Азии и Казахстане // Материалы по истории татарского народа. - Казань, 1995. - С. 378; Исхаков С.М. Русская революция 1917 года и тюрки Центральной Азии // http://www.tuad.nsk.ru/~history/Author/Russ/I/ IshakovSM/revolution. html.
[2] Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрали. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. – Б.24.
[3] Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Т.: Шарқ. 1997. – Б.39.

И. Гаспринский халқни уйғотишнинг бирдан бир йўли мусулмон мактабларини ислоҳ қилиш деб ҳисоблади. У 1884 йили Боқчасаройда ўзининг янги усулдаги мактабини очиб, қирқ кунда 12 боланинг саводини чиқарди. Янги усул мактаблари учун “Хўжаи сибён” (“Болалар муаллими”) номли биринчи дарслиги ёзди[1].

И. Гаспринский ўзи муҳаррирлигида чиққан “Таржумон” газетасида шундай ёзган эди: “Суюкли дўстларим, бизнинг учун энг гўзал иш илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас интилиш илмга, маорифга интилишдир. Чунки инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмуш (цивилизация)га етишиш воситасидир. Маданий турмуш эса инсоннинг яшаш мақсади, усулидир”. И. Гаспринский нафақат мактаб тизими, шу билан бирга балки мусулмонларнинг олий билим маскани ҳисобланган мадрасаларни ҳам ислоҳ қилиш лозим деб ҳисоблаган. У Қозон, Уфа, Оренбург, Астрахан, Тошкент, Хива, Самарқанд, Бухоро, Боку, Боқчасарой каби шаҳарларда 9-10 мадрасани қайта ташкил этиш, уларда география, тарих, табиий фанлар, арифметика, педагогика асослари, рус қонунчилиги каби умумтаълимий фанларни ўқитишни ўз тилларида олиб бориш, қайта тикланган мадрасаларга “олий” ёки “биринчи даражали” мадраса мақомини бериш зарурлигини таъкидлаган. Ҳатто янги ташкил этилажак мадрасалар учун йилига сарфланадиган 80-100 минг сўмни мусулмон хайрия жамиятлари йиғиб беришлари мумкинлиги, агарда шундай қилинса, ўн беш йил ичида нодон мутаассиблар ўрнини тараққийпарвар руҳонийлар, билимдон уламолар, бефаҳм муллалар ўрнини ўз ишига моҳир ўқитувчилар эгаллаши мумкинлиги хусусидаги ғояни илгари сурган[2].

И. Гаспринский 1892 йил 5 июнда Туркистон генерал-губернатори барон А.Б.Вревскийга ўлкадаги мактаб ва мадрасаларни тубдан ислоҳ

[1] Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрали. – Б. 27.
[2] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Т.: Университет, 2006. – Б.24,17.

қилишга қаратилган мазмунда хат билан мурожаат қилди. Ушбу хатида маҳаллий мактабларда ўқитиш тартибларини соддалаштириш, ибтидоий мактабда олти йилда бериладиган билимни 2 йилда амалга ошириш, шу йўл билан тежаб қолинган йилда эса мусулмонлар турмуш тарзи ва мактабига дахл қилмаган ҳолда рус тилини ўқитишга сарфлаш масаласини қўйган эди[1].

Туркистон генерал-губернатори А.Б.Вревский хатни ўрганиб чиқишни ўлкадаги маориф "фидоийлари" Н.Остроумов ва В.Наливкинга топширган. Масалани ўрганиб чиққан Н.Остроумов ва В.Наливкин И.Гаспринский таклифларини қатъиян рад этганлар. Улар фикрига кўра, Россияда рус бўлмаган халқлар маорифи масаласида ўзини "ёш татарлар партияси" раҳбари деб ҳисоблаётган, ўз таъсирини Туркистонга ҳам тарқатишга уринаётган ғайрирус татар (И.Гаспринский)нинг эмас, балки маориф вазирлигининг кўрсатмалари кўпроқ фойдали, агарда унинг таклифларига рози бўлинган тақдирда ҳукумат бу қарордан бир кун келиб қаттиқ пушаймон бўлиши мумкин эди[2].

Генерал-губернатор А.Б.Вревский билан ёзишмалардан наф чиқмагач, И.Гаспринский Туркистон сафарига отланади. У Туркистонга икки марта сафар қилган бўлиб, биринчиси 1893 йилда, иккинчиси эса 1908 йилда амалга оширилди[3]. Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз хотираларида ёзишича, И.Гаспринский билан 1893 йили Самарқандда, 1900 йили Истанбулда учрашиб, суҳбатлашган[4]. И.Гаспринскийнинг Туркистон ва Бухорода бўлиши миллий тараққийпарварларга янги куч ва руҳ берган эди[5].

---

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 11-рўйхат, 806-иш, 1-3-варақлар.
[2] ЎзР МДА И.1-фонд, 11-рўйхат, 806-иш, 6,7-варақлар. Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: Маънавият. 2002. –Б.22.
[3] Сабирова Н. К опыты возникновения новометодных школ в национальных окраинах Российской империи // Восток-Запад: аспекты взаимодействия. Материалы научной конференции. – Т. 2006. – С. 156.
[4] Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1997. – Б.79-81.
[5] Аҳмедов С. Жадидчилик ва истиқлол // Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 82.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, кейинчалик Тошкент ва Наманганда сохта И.Гаспринский номи билан фаолият кўрсатган кишилар ҳам бўлган. Шу муносабат билан И.Гаспринскийнинг шахсан ўзи “Таржумон” газетасининг 1912 йил 12 декабрь сонида бу воқеага эътирозли мақоласини чоп эттирган эди[1].

1892-1893 йилларда Бухоро амири Абдулаҳадхон Россиянинг марказий шаҳарларига саёҳати давомида Боқчасаройга ҳам келган ва И.Гаспринский билан танишган, суҳбатлашган эди. И.Гаспринский суҳбат чоғида амирга янги усул мактабларининг афзалликлари ҳақида гапириб берган. Унинг ғояларига қизиқиш билан қараган амир Абдулаҳадхон И.Гаспринскийни Бухорога таклиф этган. 1893 йили И.Гаспринский Тошкент ва Самарқандга саёҳатидан сўнг Бухорога ташриф буюрган. Бухорода И.Гаспринский саъй-ҳаракати билан Абдулаҳадхоннинг отаси шарафига “Музаффария” деб аталган жадид мактаби очилган.

1893 йил июль ойида И.Гаспринскийнинг Самарқандга ташрифи аҳоли томонидан кўтаринки руҳда қабул қилинган. Самарқандда истиқомат қилувчи машҳур татар савдогари Абдуғани Ҳусаинов И.Гаспринскийдан жадид мактаби очишни илтимос қилиб, уни ташкил этиш бўйича барча ҳаражатларни ўз зиммасига олган. Шу тариқа Туркистон ўлкасида биринчи жадид мактабига асос солинган. И.Гаспринский илтимосига кўра, унга ҳамроҳлик қилган Султон Мажид Ғанизода Самарқандда қирқ кун қолиб, ўқитиш усулларини ўргатган. Бу мактаб маҳаллий аҳоли ўртасида болаларнинг тез савод чиқарганлиги сабабли “машинали мактаб” номи билан машҳур бўлган[2].

“Туркестанские ведомости” газетасининг 1893 йил 5 сентябрдаги сонида мазкур янги усул мактаби ҳақида хабар босилган. Унда қайд этилишича, И.Гаспринский ғояси ва А.Ҳусаинов маблағи ҳисобига очилган янги

---

[1] Ғаспринский. Туркистонийлара ихтор // Таржумон. 1912. 12 декабрь.
[2] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари… – Б. 33, 35.

усул мактаби маҳаллий аҳоли томонидан ҳурсандчилик билан кутиб олинган. Чунки маҳаллий эски усул мактабида йиллар давомида қўлга киритилган натижага янги усул мактаби ўқувчилари бир неча ҳафта давомида эришганлар[1].

Аммо жадид мактаблари фаолияти Россия империяси маъмурлари томонидан ижобий тарзда қабул қилинмаган. Бунга мисол қилиб, Туркистон ўлкаси ўқув юртлари учинчи нозири Наливкиннинг 1893 йил 12 сентябрда Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош нозирига ёзган 346-сонли хатини олиш мумкин. Ушбу мактабда у Самарқандда очилган янги усул мактабининг ҳеч қандай рухсатнома олмасдан фаолият кўрсатаётганлигини билдириб, ўзининг салбий муносабатини қайд этган[2].

Мактаб ҳукумат рухсатисиз очилганлиги туфайли тез орада ёпилган бўлишига қарамай, кўзланган натижага эришилган, яъни унинг довруғи Туркистоннинг бошқа шаҳарларига ҳам ёйилган эди. Хусусан, бу орадан кўп ўтмай, Тошкент ва Фарғонадаги мактабларни ҳам ислоҳ қилиш бўйича ҳаракатларга туртки берган эди.

Янги усул мактаблари Қримдан аста-секин Россия империясининг марказий губерняларига ҳам тарқала бошлади. И.Гаспринский издошлари унинг ғояларини тарғиб этиб, янги усул мактабларини оча бошлаганлар. XIX аср сўнгги ўн йиллигига келиб, бундай мактаблар Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларида ҳам ташкил этила бошлади. Бу мактабларнинг дастлабки асосчилари татар муаллимлари эди.

И.Гаспринский 1898 йили жадид мактабларининг қонун-қоидалари, ўқув режаси, дарсхонанинг ҳолати, йиллик имтиҳон ўтказиш тартиби, намунали дарс жадвали ҳақида маълумот берувчи “Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош” номли услубий асарини яратди[3].

---

[1] Туркестанские ведемости. 1893. 5 сентябрь.
[2] ЎзР МДА И.47-фонд, 1-рўйхат, 387-иш, 1-варақ.
[3] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари… –Б.31.

1897 йилга келиб, олинган махфий маълумотларга кўра, Туркистон ўлкаси тасарруфидаги вилоятларда татар муаллимлари ва муаллималари томонидан ҳукумат рухсатисиз мактаблар очилаётганлиги маълум бўлди. 1897 йил 22 декабрда масалани жиддий ўрганиш мақсадида Туркистон ўқув юртлари бошқармаси вилоятлардаги ҳарбий губернаторларга махсус хат йўллаб, ўз ҳудудларида фаолият олиб бораётган татар муаллимлари ҳақида батафсил маълумот беришларини сўрайди[1].

1898 йил 9 февралда Тошкент шаҳар бошлиғининг берган жавоб хатига кўра, Эски шаҳар қисмида татар муаллимлари фаолияти кузатилмаган бўлса-да, Янги шаҳар қисмида икки нафар татар муаллими томонидан маҳаллий аҳоли болаларини ўқитиш ишлари ташкил этилгани аниқланган. Мактабларнинг биринчиси Якшанба бозори ёнидаги татар масжидида очилган бўлиб, ўқувчиларнинг аксарият қисми татар болалари эди. Уларнинг сони 40-50 нафарни ташкил этар эди. Муаллим Мулла Мирмуҳаммад Мавдуд Хахтахутдинович Ахтамов жамиятдан (татар жамияти назарда тутилмоқда-диссертант) ойига 50 рубль ҳақ олар, мактабнинг ўзига хос хусусиятига кўра, камбағалларнинг болалари тўловлардан озод эдилар.

Иккинчи мактаб Зайнутдин Шафирахутдинов томонидан ўз уйида очилган бўлиб, у болаларни ойига 8-10 рублгача ҳақ эвазига ўқитарди. Ўқитиш учун ҳақнинг юқори бўлганлиги сабаб бўлса керак, унинг мактабида болалар сони 10 нафаргина эди холос. Таъкидлаш жоизки, иккала мактаб ҳам ҳукумат рухсатисиз ташкил этилган эди[2]. Мактабларни татар муаллимлари томонидан очилганлиги сабабини ушбу ҳудудда татарлар зич бўлиб яшайдиган алоҳида маҳалланинг мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

---

[1] ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 1-варақ ва орқаси.
[2] Ўша жойда, 6-варақ.

1898 йил 28 февралда Сирдарё вилояти Казалинск (Қозоли) уезди бошлиғининг берган маълумотига кўра, шаҳарда татар муаллими Исмоил Ҳусаинов 65 нафар маҳаллий аҳоли болаларини масжид қошидаги мактабда ҳукумат рухсатисиз ўқитган. Унинг ўқитиши учун тўланадиган 200 рубль маблағ татар жамияти томонидан берилган[1].

Амударё бўлими бошлиғи томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, шу йили Петро-Александровск шаҳрида татар муаллими Кашазан Сайдалуев маҳаллий аҳолининг 30 нафар ўғил, 8 нафар қиз фарзандларини ўқитишни ташкил этган. Ўғил болалар К.Сайдалуев мактабида, қизлар эса унинг ўз хонадонида ўқиганлар. К.Сайдалуевнинг ҳақ олиш тартиби бошқаларникидан фарқ қилиб, ҳар пайшанбада 10-20 копеек пул ёки унинг қиймати миқдорида озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобига ҳал этилган[2].

Чимкент уездининг Туркистон шаҳрида ташкил этилган мактаб айниқса таҳсинга сазовор эди. Бу ерда савдогар Анорбой Сўфибоев ўз уйида мактаб очиб, Саратов губерниясидан татар муаллими Исҳоқ Курамшевни ишга таклиф этади. Мактабда бепул таҳсил олаётган 40 нафар болага таълим берган муаллим учун йилига 120 рубль ҳақ А.Сўфибоев томонидан берилган[3].

1898 йил март ойида Авлиёота уезди бошлиғи томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, уезднинг шаҳар ва қишлоқларида татар муаллимлари билан биргаликда муаллималар ҳам ўқитиш ишларини ташкил этганлар. Хусусан, Авлиёота шаҳрида татар имоми Одил Зарифулла Файзираҳмонов ўзи имомлик қилаётган масжидда 20 нафар болани ота-онасининг розилигига қараб, ойига 50 копеекдан 4 рублгача, унинг онаси Тарифабина Файзираҳмонова ҳам 15 нафар маҳаллий аҳоли қизларини ўз уйида ойига 40 копеекдан 20 рублгача ҳақ эвазига ўқитганлар.

---

[1] ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 8-варақ.
[2] Ўша жойда, 16-варақ.
[3] Ўша жойда, 18-варақ.

Авлиёота уездининг Бешёғоч қишлоғида татар муаллими Муҳаммадкарим Феизев 18 нафар болани, татар муаллимаси Розия Даутова 10 нафар қизни ўқитаётганликлари аниқланган. Бироқ юқоридаги икки мактабдаги ўқитиш жараёни учун олинган ҳақ тўғрисида маълумотларни аниқлаш имкони бўлмаган[1].

Перовск (собиқ Оқмасжид) шаҳрида ҳам татар муаллималари томонидан очилган мактаблар фаолият кўрсатган. Қозонлик татар муаллималари Гафия Хисматуллина ва Менглижамол Шигабутдиновалар турмуш ўртоқларининг ёрдами билан 15 нафардан қиз-ўқувчиларни ҳафтасига 5 копеекдан 20 копеекгача пул ёки маҳсулот (натурал) тўлови эвазига ўқитганлар. Мазкур шаҳарда Музаффар Мустафин исмли татар муаллими ҳам юқорида қайд этилган миқдордаги ҳақ эвазига маҳаллий аҳоли болаларидан 35 нафарини ўз уйида ўқитган[2].

1897 йил 22 декабрда Фарғона вилоят ҳарбий губернатори Туркистон ўқув юртлари бошқармасининг 3850-сонли сўровномасига асосан, ўз тасарруфидаги барча уезд ва шаҳарларга татар муаллимлари ҳақида маълумот беришларини сўраб мактуб йўллаган[3].

1898 йил 29 январда Қўқон уезди бошлиғи томонидан юборилган жавоб хатида Қўқон шаҳрида Уфа губерниясидан келган татар муаллими Муҳаммад Шокир Сулаймонов 7 болани ойига жами 10 рубль ҳақ эвазига ҳукумат рухсатисиз ўқитаётгани билдирилган[4].

Наманган уезди бошлиғининг 1898 йил 1 августдаги жавоб хатига биноан, Наманган шаҳрида ҳам икки татар муаллими фаолият олиб борган. Уларнинг биринчиси Мулла Қорабой Баширов Сардоба даҳасидаги Оққошбой масжидида 19 нафар боланинг ҳар бирини йилига 2 рублдан 2,5 рублгача, иккинчиси Иззатулла қори Тахмуллабоев Чуқуркўча даҳасида 10

[1] ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 10-варақ ва орқаси.
[2] Ўша жойда, 12-варақ.
[3] Ўша жойда, 14191-иш, 3,4-варақлар.
[4] Ўша жойда, 7,8-варақлар.

нафар татар, 100 нафар сарт (ўзбек) болаларини йилига 1 рублдан 2 рублгача ҳақ эвазига ўз уйида ўқитаётганликлари аниқланган[1].

1898 йилдаги мавжуд маълумотлар Фарғона вилоятининг бошқа уезд ва шаҳарларида татар муаллимларининг фаолият олиб бормаганлигини кўрсатади.

Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори томонидан Туркистон ўқув юртлари бошқармаси бошлиғига тақдим этилган маълумотномада вилоят ҳудудида татар муаллимларининг фаолияти кузатилмаганлиги билдирилган. XIX аср 90-йиллари бошларида Самарқандда татар савдогари Абдуғанибой Ҳусаиновнинг саъй – ҳаракатлари билан очилган янги усул мактаби эса бир йил ҳам фаолият кўрсатмай, маҳаллий инспекция томонидан ёпилган эди[2]

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош нозири татар муаллимлари фаолиятини генерал-губернаторлик ҳудудидагина эмас, балки Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларида ҳам назорат остига олиш лозимлигини уқтиради. Шу билан бирга жойлардаги ўзига бўйсунувчи билим юртлари нозирларига ҳукумат рухсатисиз мактаб ташкил этилишига йўл қўймаслик ҳақида кўрсатма берган[3].

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош нозири Ф.Керенский 1899 йил 12 октябрда генерал-губернатор маҳкамаси йиғилишида ўлкада фаолият кўрсатаётган татар муаллимлари масаласи бўйича нутқ сўзлаган. У ўз нутқида “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низомнинг I нашри, XI қисми, 89-моддасида кўрсатилган, ўлкадаги барча рус ва ғайрирус мактаблари Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош бошқармасига бўйсуниши ҳамда фақат унинг рухсати билан очилиши мумкинлигини эслатган.

---

[1] ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 14191-иш, 13-14-варақлар.
[2] Абдуллин Я.Г. Джадидизм среди татар: возникновение, развитие и историческое место. – Казань: Иман, 1998. – С. 10.
[3] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 14191-иш, 18-варақ ва унинг орқаси, 19-варақ.

Ф.Керенский сўзларига кўра, 1897 йилга қадар ўлкада мусулмонлар ва яҳудийлар мактаблари фаолияти назорат остига олинган бўлиб, татар муаллимлари фаолияти ҳақида маълумотлар кузатилмаган. 1897 йил 22 декабрда вилоят ҳарбий губернаторлари орқали Туркистон генерал-губернатори барон А.Б.Вревскийга юборилган маълумотларда биринчи бор татарларнинг ўз фарзандлари билан бирга ўзбек, тожик ва қирғиз болаларини ҳам ўқитаётганликлари ҳақида сўз юритилган (1-жадвал).

1-жадвал

Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудидаги татар муаллимлари ва муаллималари томонидан ташкил этилган мактаблар ҳақида маълумот (1897 й.)[1]

№	мактаб ташкил этилган жой номлари	мактаб сони	ўқувчилар сони	мактабдорнинг исми шарифи
1	Тошкент шаҳри	2	40-50	Мирмуҳаммад Ахтамов
			10	Зайнутдин Шафирахутдинов
2	Туркистон шаҳри	1	40	Исҳоқ Курамшев
3	Авлиёота шаҳри	2	20	Одил Файзираҳмонов
			15	Тарифабина Файзираҳмонова
4	Авлиёота уезди Бешёғоч қишлоғи	2	18	Муҳаммад Карим Феизов
			10	Розия Даутова
5	Перовск шаҳри	3	35	Музаффар Мустафин
			15	Гафия Хисматуллина
			15	Менглижамол Шигабутдинова
6	Казалинск шаҳри	1	65	Исмоил Ҳусаинов
7	Петро-Александровск шаҳри	1	38	Кашазан Сайдалуев
8	Қўқон шаҳри	1	7	Муҳаммадшокир Сулаймонов
9	Наманган шаҳри	2	19	Қорабой Баширов
			110	Иззатулла қори Тахмуллабоев
жами мактаблар сони		**15**	**467**	

[1] ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 1-18-варақлар.

Ф.Керенский нутқи якунида эндиликда ўлкада татар муаллимлари фаолияти жиддий назорат остига олиниши ва бундай ишларни давом эттиришларига йўл қўйилмаслигини билдирган эди[1].

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош нозири Ф.Керенский мазкур нутқ баёни ва ушбу масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини Туркистон генерал-губернатори, инфантерия генерали[2] С.М. Духовскийга тақдим этган. Умумий ҳолат билан танишиб чиққан С.М. Духовский вазият жиддийлигини инобатга олган ҳолда матнга қўйган резолюциясида: «… зудлик билан керакли чоралар кўрилсин. Агар қаердадир, қандайдир сабаб билан қонунлардан четга чиқиш ҳоллари кузатилган бўлса, ҳузуримга алоҳида кирилсин»[3], дея қайд этган эди.

1899 йилда Туркистон-генерал губернатори С.М.Духовский томонидан «Туркистонда ислом» номли маъруза тузилди. Ушбу маърузада Туркистон ўлкасида христианларни мусулмонлар билан яқинлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш ғояси илгари сурилган бўлиб, унинг татарларга тегишли қисмлари ҳам мавжуд эди. Жумладан, унда: «…Туркистон ўлкасидги мактабларда татарлар ва бошқа четдан келган бегона ўқитувчилар ўрнига дарҳол рус миллатига мансуб ўқитувчилар қўйилди. Кўчманчи қирғиз (қозоқ)лар ва ўлкадаги бошқа миллатлар ўртасида ёт фикрларга эга бўлган татарлар ва маҳаллий аҳоли вакиллари, шунингдек бўйсунмаган кишиларга 500 рублдан жарима олиниши белгилаб қўйилди» дейилган эди[4].

Татар маърифатпарварлари томонидан мактаб очилиши жиддий назорат остига олингандан кейин, бу масалада қонуний иш юритиш учун ҳам уринишлар бўлган. Хусусан, 1899 йили Казалинск шаҳрида яшовчи миллионер савдогар Абдулгалий Ҳусаинов шаҳардаги татарлар жамияти

[1] ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 28-29-варақлар.
[2] Пиёда қўшинлар генерали - диссертант.
[3] ЎзР МДА И.17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 45-варақ ва унинг орқаси, 46-варақ.
[4] Ўша жойда, И.461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 10-варақ.

маблағи ҳисобидан мактаб очишни сўраб Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига мурожаат қилган. Бироқ ҳарбий губернатор турли баҳоналарни рўкач қилган ҳолда, уларнинг илтимосини рад этган. Бу жавобдан қониқмаган А.Ҳусаинов Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийга мактаб очиш масаласи бўйича мурожаат қилади. С.М.Духовский 1900 йил 10 январда 320-сонли қарор билан Казалинск татарларининг мактаб очишларига рухсат беради. Бироқ, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори 1900 йил 13 декабрь [1] ва 1901 йил 1 майда С.М.Духовский номига йўллаган мактубида Казалинск шаҳрида татарларнинг маҳаллий аҳоли орасида таъсири кучлилиги, улар томонидан олиб борилаётган диний-маърифий ҳаракатларнинг хавфлилиги таъкидланган. Айни пайтда А.Ҳусаинов раҳнамолигида ташкил этилган мактаб Туркистон халқ ўқув муассасалари нозири назоратидан четда эканлиги ва бу ҳолат *татарларнинг империя манфаатларига қарши фаолият олиб бориши учун қулай имконият яратиши мумкинлигидан огоҳлантирилган* (курсив бизники – диссертант) ҳамда тиш-тирноғи билан янги мактаб очилишига қаршилик кўрсатилган[2].

Тиниб-тинчимас А.Ҳусаинов ўзининг иш бошқарувчиси Сайфулмулуковни яна Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори ҳузурига мактаб очишга рухсат олиш учун юборган. Ҳарбий губернатор Казалинск шаҳрида учта – эрлар, аёллар ва рус-тузем мактаблари мавжудлиги, улар татарларнинг эҳтиёжини тўла қондириши мумкинлигини рўкач қилиб, унга рад жавобини берган[3].

1887 йилда Тўқмоқ шаҳрида яшовчи татарлар ҳам ўз масжидлари яқинида мактаб ташкил этганлар. 1900 йилга келиб бадавлат татарлар – Абдулла Сафиуллин, Содиқ Милушев, Содиқ Раҳимов, Муҳаммадгалий Абубакиров ва Галий Токтаровлар ҳомийлигида мактаб учун янги бино

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 18-рўйхат, 58-иш, 3-варақ ва унинг орқаси.
[2] Ўша жойда, 13-варақ ва унинг орқаси.
[3] Ўша жойда, 8-варақ.

қурилган. Мазкур мактабда шу йилдан бошлаб ўқитиш ишлари янги усулда йўлга қўйилган. Мактабда татарлардан Муҳаммадзокир Абдулвагапов, Нургалий Мамин, Абдусобир Абдулманов ва бошқирд Муса Смаков дарс берганлар [1].

Татар муаллимларининг мактабдорлик фаолияти Туркистон генерал-губернаторлигидагина эмас, балки ярим мустамлака бўлган Хива хонлиги ҳудудида ҳам кузатилган. Хусусан, хонликдаги биринчи янги усул мактабига 1889 йили Оренбургдан келган Абдулғани Ҳусаинов асос солган[2].

1891 йилга келиб, маърифатпарвар шоир Комил Хоразмий ташаббуси билан яна бир жадид мактаби очилди. Ушбу мактабда Қозондан чақирилган татар муаллимлари дарс берганлар. Бу ўқув даргоҳи фаолияти билан танишган Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II ўғли Асфандиёрхонни ҳам шу мактабга ўқишга берган. Бундан ташқари мактабга керакли жиҳозлар ва ўқув қуроллари учун давлат хазинасидан маблағ ажратган. Хонликда жадидчилик ҳаракати раҳнамоларидан Сайид Исломхўжа, Юсуфбек Баёний, Муҳаммад Расул Мирзо, Аҳмад Табибий, Аваз Ўтар ўғли шу мактабда рус тилини ўрганганлар.

1898 йили Хивада оренбурглик муаллимлар Маҳмуд Вафо ва Абдураҳмон афанди томонидан янги усул мактаби очилган. Бироқ мутаассиб руҳонийлар тазйиқи остида улар Урганч шаҳрига кетишга мажбур бўлиб, шу ерда бошқа мактаб очганлар[3].

Татарларнинг Туркистон ўлкаси ҳудудига кириб келишлари Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П. фон Кауфман даврида ҳам кузатилган эди. Татарларнинг қозоқ даштлари томон силжиб келишлари Россия империяси яхлитлигига маълум даражада хавф солишини

[1] ЎзР МДА И.47-фонд, 1-рўйхат, 1149-иш, 47-варақ ва унинг орқаси.
[2] Қаюмов М.У. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошида Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар: Тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 2006. – Б. 72.
[3] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари… – Б. 82, 83.

олдиндан англаб етган К.П. фон Кауфман: «Ҳар қандай ҳолда татарларнинг қирғизлар (қозоқлар – диссертант) билан мулоқотга киришлари зарарли бўлиши мумкин. Мен уларнинг ўрнига «исломнинг онаси» деб аталган Бухоронинг ашаддий ақидапарастларини кўришни маъқул кўрардим, татарлар бухоролик ақидапарастлардан хавфлироқдир»-дея ташвиш билдирган эди[1].

Татарларнинг қозоқлар орасидаги мавқеи кучли эканлиги Туркистон шаҳри ҳудудий пристави томонидан 1899 йил 13 августда Чимкент уезди бошлиғига йўлланган маълумотномада ҳам яққол намоён бўлади. Унда ёзилишича, асли тошкентлик бўлган ва Сўзоқ қишлоғида яшовчи татар эшони Камол Маҳзум Замалиддиновнинг Туркистон шаҳри атрофида 2000га яқин муридлари бор эди. Оқмола вилоятида истиқомат қилувчи қозоқлар орасида ҳам унинг таъсири кучли бўлиб, Камол Маҳзумни мўжизакор авлиё сифатида билар эдилар[2].

Шундай қилиб, Россия империясининг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Туркистон ўлкасида ҳам дастлабки жадид мактабларига тамал тоши татарлар томонидан қўйилди[3]. Татар муаллимлари саъй-ҳаракатлари билан очилган янги усул мактабларида қўлга киритилган ютуқларни маҳаллий аҳоли томонидан эътироф этилиши, рус-тузем ва эски усулдаги мактаблар «истиқболи»га жиддий хавф туғдирди. Шу билан биргаликда маҳаллий тараққийпарварлар томонидан ҳам янги усул мактаблари очишга туртки берди. Мустамлака маъмуриятининг Туркистон аҳолисини татар муаллимлари таъсиридан асрашга бўлган уринишлари бу табиий жараённи тўхтатишга ожизлик қилди. XX аср бошларига келиб, татар маърифатпарварларининг Туркистондаги фаолиятлари янада кенгроқ тус ола бошлади.

---

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 27-рўйхат, $10^{А}$-иш, 1-варақ ва унинг орқаси.
[2] Ўша жойда, 18-рўйхат, 29-иш, 12-варақнинг орқаси.
[3] Ризаев Ш. Жадид драмаси… - Б. 41.

II боб. ТУРКИСТОНДА ТАТАР МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ТОМОНИДАН ОЧИЛГАН ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИ

2.1. Туркистонда жадид мактаблари очишнинг янги босқичи

XIX аср охирида Туркистон ўлкасида татар муаллимларининг мактаб очиб, маҳаллий аҳоли болаларини ўқитишлари ўқув юртлари бош нозири томонидан жиддий назоратга олинган бўлишига қарамай, XX аср бошларига келганда уларнинг фаолияти янада кучайиб, янги босқичга кўтарилди.

Татарлар Туркистон ўлкасида илм-маърифат тарқатишнинг асосий ижрочилари бўлиб, янги усул мактаблари очилиши бевосита улар номлари билан боғлиқ эди. Масалан, 1900 йилда Андижонда биринчи бор янги усул мактаби татар Шоагзам Қодиров томонидан очилган. Кўрсатиб ўтилган пайтда Ш.Қодиров Қўқонда истиқомат қилиб, бадавлат ўзбек аёлига уйланган ва савдогарлик билан шуғулланмоқда эди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Фарғона вилоятида янги усул мактабларининг сони кескин ортган[1].

Тошкентдаги дастлабки жадид мактабининг юзага келиши ҳам татар муаллимлари фаолияти билан боғлиқ эди. 1900 йил март ойи ўрталарида Қўшмозор даҳаси, Тўқли жаллоб маҳалласида яшовчи татар муаллими Наби домла биринчилардан бўлиб, янги усул мактабини очган. У пайтларда бу усул кўпчиликка маълум бўлмаганлиги сабабли, бу “нўғойча ўқиш”[2] деб аталган[3].

1900 йил 31 декабрда Россия ички ишлар вазирлигининг Туркистон генерал-губернаторига юборган 13444-сонли махфий фармойишида кейинги вақтларда татар адабиёти ва матбуотида 14 миллионли рус мусулмонлари кўп асрлик турмуш тарзини издан чиқариш хавфига сабаб бўлувчи руҳ пайдо бўлганлиги, мусулмонлар ҳаётида катта бурилишга тайёргарлик жараёни кечаётганлиги ҳақида сўз кетади. Фармойишда татарларнинг

---

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 179-варақ орқаси.
[2] Татар муаллимлари томонидан очилган мактаблар маҳаллий аҳоли томонидан “нўғой мактаб” ёки “нўғойча ўқиш” тарзида юритилган. Қаранг: Губаева С. Население Ферганской долины… - С. 114.
[3] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари… – Б. 18.

тараққиёт учун интилаётганликлари муносабати билан уларнинг хорижий мусулмон мамлакатлари (айниқса Усмонийлар империяси-диссертант) билан алоқалари, қаерда, кимлар томонидан янги усул мактаблари очилганлиги, мактаблар очилишига ҳомийлик қилаётганлар ва муаллимлик қилаётган шахслар тўғрисида кенг маълумот юборилиши сўралган[1].

Россия ички ишлар вазирлигининг 13444-сонли махфий фармойишидан келиб чиқиб, Верний шаҳрида рус ва рус-тузем мактаблари ўқитувчиларининг йиғилиши ўтказилган. Шовинистик руҳда ўтган мазкур мажлисда иштирокчилар ўзлари учун жиддий рақобатчиликнинг юзага келганлигидан хавотирланган ҳолда татар муаллимларининг мактаб очишлари, Туркистон ўлкасида яшашлари, ҳатто уй-жой сотиб олишларига рухсат бермасликни ҳукуматдан талаб қилганлар[2].

Еттисув вилояти ҳарбий губернаторининг 1903 йил 14 декабрда Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасига ёзган мактубида баён этилишича, Лепсинск шаҳрида татар Муҳаммад Исмоилов ўқитувчилик билан шуғулланаётган бўлиб, Туркистон ўқув муассасалари бош нозири унинг фаолиятини ўрганган. Бош нозир уезд бошлиғига Лепсинскда М.Исмоиловга ўхшаб мактаб очганлар фаолиятига қарши рус-тузем мактаби ташкил этиш фикрини билдирган. Бироқ, уезд бошлиғининг рус-тузем мактабини ташкил қилиш бўйича ишлари зое кетган. Чунки, М.Исмоилов Лепсинкдаги мусулмон жамиятини мактаб қуриш учун маблағ ажратмасликка кўндирган. М.Исмоиловнинг русларга қаршилиги шу даражада эди-ки, у рус тилини билса ҳам бу тилда умуман гапирмас эди[3].

М.Исмоиловнинг хатти-ҳаракатлари мустамлакачи маъмурларга ёқмагач, у Лепсинск масжиди имоми лавозимидан озод қилинган. Бу ҳол маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўлиб, улар М.Исмоиловнинг қайтарилишини талаб қилганлар. Маъмурият томонидан масжид имомли-

[1] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари… – Б. 11.
[2] Ўша жойда. – Б. 12.
[3] ЎзР МДА И.1-фонд, 13-рўйхат, 456-иш, 2-варақ.

гига бухоролик ёки каттақўрғонлик муллалардан қўйилиши мумкинлигини билдирилган. Бу тадбир Чўл қонунчилигининг бирон-бир бандида кўрсатилмаган бўлса-да, Еттисув вилояти ҳарбий губернатори бу масалани ҳал этилишида энг тўғри йўл эканлигини таъкидлаганди[1].

Статс-маслаҳатчи Миллер ўзининг Туркистон ўлкасида олиб борган 5 йиллик фаолияти давомида татар муаллимларининг фаолиятини ҳам ўрганиб таҳлил этган. У 1908 йил қишида Сўзоқ қишлоғига қилган ташрифи чоғида Қозон губерниясидан келиб мактаб очган татар муаллимини (унинг исми шарифи келтирилмаган - диссертант) кўрган. Унинг қўлида 20 нафар маҳаллий аҳоли фарзандлари таҳсил олаётган бўлиб, янги усулда ўқитганлиги учун сезиларли натижага эришган эди. Статс-маслаҳатчи Миллер мазкур ютуқларни Сўзоқда рус-тузем мактаби очилмаганлиги билан изоҳлайди. Мазкур участкада эски усулда дарс бериладиган 150 та мактаб мавжуд бўлиб улар аҳоли ўртасида обрўга эга эмас эди. Миллер мазкур татар муаллимига мактаб инспекциянинг назорати учун ноқулайлиги ва узоқлигини важ қилиб кўрсатган ҳолда фаолиятини тўхтатишни «таклиф» қилган. Иложсиз қолган муаллим 1909 йилнинг ёзида Россиянинг Европа қисмига жўнаб кетишга мажбур бўлган. Миллер татарларни панисломистик ғояларни тарғиб қилишда рус давлати учун жиддий хавф туғдирмайдилар, деб ҳисоблаган. Унинг фикрига кўра, татарлар маданий жиҳатдан маҳаллий аҳолига нисбатан бироз устунликка эга бўлганлар холос. Бироқ ўқитиш масаласига келганда, татарлар катта устунликка эга бўлиб, маҳаллий муллалар 3 йилда ҳам эриша олмаган натижани, улар янги усулда дарс беришлари орқали 3-4 ойда уддалаганлар[2].

Мана шу даврда маҳаллий аҳолининг савод ўрганишга бўлган қизиқиши ортиб бораётганлигига эътибор қаратган Миллер вазиятдан унумли фойдаланиб қолиш лозимлиги, яъни рус-тузем мактаблари тармоғини им-

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 13-рўйхат, 456-иш, 2-варақ орқаси ва 3-варақ.
[2] Ўша жойда, И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406[А]-иш, 162-варақ.

кон қадар кенгайтириш зарурлигини таъкидлайди. У ўз фикри давомида шовинистик қарашларини ҳам яшириб ўтирмайди. Жумладан у «Рус давлатчилигининг буюк мақсадлари йўлида бу мактабларнинг (рус-тузем мактаблари-диссертант) барчаси давлат маблағи ҳисобидан ташкил этилиши лозим… Мактаб Туркистон аҳолисининг ривожига таъсир кўрсатадиган омилдир. У ерда мусулмонлар эътиқодига дахл қилмаган ҳолда, ўсиб келаётган авлодга сездирмай, рус давлатчилиги ғояларини сингдириш мумкин», - деб ҳисоблайди[1].

Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларида татар маърифатпарварларининг маданий-маърифий ва сиёсий жабҳалардаги фаоллашуви мустамлака маъмурларини жиддий ташвишга солган. Шу муносабат билан ўлкадаги татарлар фаолиятини ўрганиш мақсадида 1909 йил 5 февралда Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси томонидан вилоятлардаги ҳарбий губернаторлар, уезд бошлиқлари, Амударё бўлими бошлиғи ва Бухородаги сиёсий агентликка 212-сонли махсус хат юборилган. Махсус хат орқали ҳарбий маъмурлардан ўз ҳудудларида истиқомат қилаётган татарлар машғулотлари, уларнинг маҳаллий аҳоли билан алоқалари, айниқса янги усулда мактаб ташкил этиш жараёнлари ҳақида маълумот беришлари сўралган[2].

Мазкур сўровномага асосан Самарқанд шаҳар полициймейстери берган маълумотига кўра, татарлар томонидан вилоят ҳарбий губернаторининг рухсати билан янги усул мактаблари очилган. Унинг биринчиси 1907 йилда Мулла Абдуқодиров томонидан Қўшҳовўзда, иккинчиси 1909 йилда Наим Шукурлаев томонидан Руҳободда очилган. Маҳаллий аҳоли болалари ойига 1-2 рубль ҳақ эвазига ўқитилиб, машғулотлар дастурига тарих, география, арифметика ва бошқа дунёвий фанлар ҳам киритилган эди[3].

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406[А]-иш, 163-варақ.
[2] Ўша жойда, И.1-фонд, 31-рўйхат, 782-иш, 8-варақ.
[3] Ўша жойда, 8-варақ ва орқаси.

Самарқанд вилоят билим юрти нозирининг 1910 йил 25 мартда берган маълумотига кўра, Каттақўрғонда ҳукумат рухсати билан татар болалалари учун янги усул мактаби маҳаллий бой татар аёли (исм-шарифи келтирилмаган-диссертант) маблағи ҳисобига очилган бўлиб, ўқитиш жараёни татар тилида олиб бориларди. Асосий дунёвий фанлар учун дарсликлар татар муаллифлари томонидан ёзилиб, Қозон, Уфа ва Оренбург шаҳарларида чоп этилган эди[1]. 1917 йил октябрда Каттақўрғонга сафар қилган Ҳожи Муин мазкур мактабнинг ҳунузгача фаолият кўрсатаётгани қайд этган эди[2].

1909 йил 10 июнга келиб татарлар томонидан ташкил этилган янги усул мактаблари сони Наманганда 3, Андижонда 5, Қўқонда 12 тага етган. Янги усул мактабларидаги ўқув дастурига «Муаллими аввал», «Муаллими соний», «Қуръон», «Мубтаҳили жунон», «Маҳрумот уд-дин», «Забур», «Жўғрофия», «Ибодати исломия» ва айрим мактабларда буларга қўшимча «Муҳаммадия» ва «Қомус» фанлари ҳам киритилган эди. Мактабларда Осиё харитаси, глобус, парталар, доска, кирим-чиқим ҳисоби, император Николай II нинг портрети бор эди. Ўқиш учун тўлов ота-оналарнинг моддий ҳолатларига қараб, ойига 50 копеекдан 3 рублгача олинган. Айрим ночор оилаларнинг фарзандлари умуман бепул ўқитилган[3].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим янги усул мактабларидаги татар муаллимлари маҳаллий удум бўйича «пайшанбалик»[4] тарзида, ота-оналарнинг имкониятларига қараб, ҳафталик маош ҳисобига ҳам ўқитганлар. Барча янги усул мактаблари халқ ўқув муассасалари инспекцияси рухсатисиз очилганди. Маҳаллий халқ ўқув муассасалари инспекцияси ҳам улар фаолиятини деярли назорат қилмаган. Инспекция вакиллари гоҳ-гоҳида тақиқланган адабиётлар мавжудлигини текшириш учунгина келганлар.

---

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 782-иш, 69-варақ ва унинг орқаси, 70-варақ.
[2] Муин Ҳ. Каттақўрғон хотиралари // Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2005. – Б. 71.
[3] ЎзР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 179-варақ.
[4] Пайшанбалик – эски мактабларда пайшанба куни болалар домлага келтирадиган пул, нон ва шу каби инъомлар. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. – Москва, “Рус тили” нашриёти, 1981. – Б. 568.

Бу даврга келиб янги усул мактаблари нафақат рус-тузем, балки маҳаллий эски мактаблар билан ҳам рақобат қила бошлаган эди. Масалан, Қўқоннинг Бешқабоқ даҳасидаги 2 та рус-тузем мактаби ўқувчилари сони 150 нафардан ошмагани ҳолда, шу маҳалладаги биргина С.Мазитовнинг мактабида 200га яқин ўқувчи таҳсил олган. Мазкур мактабларда саводлилик шу даражага етганки, уни тўла тамомлаган айрим ўқувчилар ўз мактабларини ҳам оча бошлаганлар. Ана шундай мактаблардан бири қўқонлик Аҳмаджон қори Мамажон ўғли томонидан ташкил этилган[1].

Шу ўринда Қўқон шаҳридаги биринчи жадид мактаби асосчиси Салаҳитдин Серазетдинович Мазитов фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. 1899 йилда Симбирск губернияси Буинск уездидан келган С.Мазитов[2] дастлаб татар савдогари Аҳмад Ҳусаиновнинг ишончли вакили Алиаскар Сутушевнинг ўғлини ўқитган. С.Мазитовнинг бир ой ичида қўлга киритган ютуқларини кўрган А.Сутушев ундаги муаллимлик иқтидорини юқори баҳолаб, А.Ҳусаинов билан келишган ҳолда янги усул мактаби очиб беришга қарор қилган. Шу тариқа Қўқонда 1900 йил 11 февралда дастлабки жадид мактаби фаолият кўрсата бошлаган. Орадан олти ой ўтиб, ўтказилган имтиҳонга татарлардан ташқари маҳаллий ўзбеклар ҳам ташриф буюрганлар. 8-9 ёшли болаларнинг ёзишлари, китоб ўқишлари, ҳисоб, география ва тарих билимини эгаллаганликлари ҳамда Қуръонни эркин тиловат қилишлари йиғилганларни ҳайратга солган. Имтиҳондан сўнг мактабдаги болаларнинг сони кескин ортган. Мактабнинг овозаси бутун Қўқон уездига тарқалиб, эндиликда С.Мазитов кундузи юздан ортиқ болаларни, кечалари ёши каттароқ йигитларни ўқита бошлаган. Мактабга ўқувчилар сиғмай қолгач, Қўқоннинг йирик бойларидан Мирзо Умар ҳожи ўз маҳалласида янги мактаб қуриб, С.Мазитовни ўқитувчиликка таклиф этган[3].

---

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 179-варақ орқаси.
[2] Ўша жойда, И.19-фонд, 1-рўйхат, 35019-иш, 7-варақ ва унинг орқаси .
[3] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари… –Б.19.

Биринчилардан бўлиб жадид мактаби очган, машҳур ўзбек жадидларидан Абдуқодир Шакурийнинг бу ҳаракатга кириб келишида ҳам татар маърифатпарвари С.Мазитов катта ўрин тутган. А.Шакурий 1901 йилнинг қишида мулла Баҳриддин[1] исмли татар соатсоз қўлида «Таржумон» газетасини кўриб, у билан танишган. Усули жадид мактабига иштиёқи ортган А.Шакурий 1903 йили Қўқонда донг таратаётган С. Мазитов ҳузурига келган ва унинг ўқитиш усуллари ўрганиб, шу йили ўз мактабига асос солган. А.Шакурий янги усул мактабини такомиллаштириш мақсадида И.Гаспринскийнинг “Таржумон”, Ф.Каримовнинг “Вақт” газеталари ва Р.Фахриддиннинг «Шўро» журналини доимий равишда кузатиб борган. 1906 йили Қозонга, 1911 йили Қрим ва Туркияга саёҳат қилиб ўз малакасини оширган[2].

Ҳожи Муиннинг эътирофича, Маҳмудхўжа Беҳбудий 1906 йили Самарқандга келиб яшай бошлаган татар муаллими Зокиржон Алихонов билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйган эди[3].

1910 йил 7 январда Қўқон уезди бошлиғининг Фарғона вилояти бошқармасига ёзган хатида келтирилишича, Қўқон шаҳрида татар муаллимлари томонидан очилган қуйидаги янги усул мактаблари мавжуд эди:

1. Салаҳитдин Мазитов–Симбирск губернияси Буинск уездидан 1899 йилда келган. Мадрасани тамомлаган. Мир Аюббой даҳаси Қатағон маҳалласида ўн йилдан буён ўқитувчилик билан шуғулланган. Мактабида 150 нафар ўқувчи бўлган.

2. Ҳаб[иб]улла Усмонович Донской–Пенза губернияси Инсарск уездидан 1901 йилда келган. Бухородаги «Ғарибия» ва Қўқондаги «Шайх Ислом» мадрасаларини тамомлаган. Деҳқонон даҳаси Марғилон маҳалласида етти йилдан буён ўқитувчилик қилган. Мактабида 120 нафар ўқувчи бўлган.

---

[1] Ҳ. Муин ушбу шахсни мулла Бадриддин дея қайд этган. Қаранг: Муин Ҳ. Танланган асарлар... - Б. 23.
[2] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари… – Б. 44, 45.
[3] Муин Ҳ. Танланган асарлар... - Б. 23.

3. Ариф Шокирович Клевлеев[1]-Тамбов губернияси Элатом уездидан 1904 йилда келган. Элатом уезди Бастаново қишлоғида маҳаллий мактабни тамомлаган. Бекбачча даҳаси Хўжанд маҳалласида етти йилдан буён ўқитувчилик билан шуғулланиб келган. Мактабида ўқувчилар сони 90 нафарни ташкил этган.

4. Муҳаммаджон Абдухолиқов–Оиласи тахминан 1876 йилда Қўқонга кўчиб келган ва шу ерда таваллуд топган. Қўқонда отаси мударрислик қилаётган «Пирмат ясовул» мадрасасида таҳсил олган. Ғалчасой даҳасида 50 нафар ўқувчини ярим йилдан буён ўқитган.

5. Шокир Мухторов[2]–Симбирск губернияси Буинск уездидан 1906 йилда келган. Оренбургдаги «Карвонсарой» мадрасасини тамомлаган. Исфара гузар маҳалласида 40 нафар ўқувчини икки йилдан буён ўқитмоқда эди.

6. Билол Шарипович Байбеков–Симбирск губернияси Сизран уездидан, Қўқонга 1907 йилда келган. Қозондаги татар билим юртини тамомлаган.

7. Саид Афанди Агакши ўғли–Бакинск губернияси Кублик уездидан, Қўқонга 1910 йил охирларида келган.

Мактабларда ўқитиш пуллик бўлиб, ойига 1-5 рубль ҳақ олинган. Барча мактаблар маҳаллий ўқув юрти инспекцияси рухсатисиз очилган эди[3].

Фарғона вилояти, ҳусусан Наманган уезди маданий ҳаётида татар маърифатпарвари Хусайн Зайнутдинович Макаев ва унинг рафиқаси Фотима Макаевалар муҳим ўрин тутганлар. Асли Саратов губернияси Хвалинск уезди Янги Кулатка қишлоғида таваллуд топган Ҳ.Макаев 1904 йилда

---

[1] А.Клевлеев хақида яна қаранг: Расулов А. Интернациональная помощ партийных организаций, трудящихся Средноволжского региона народам Туркестана (1917-1924 гг.): Дисс … канд. истор. наук. – Казань, 1990. – С. 52; Унинг ўзи. Туркистон ва Волгабуйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи. – Т.: Университет, 2005. – Б. 53.

[2] Ш. Мухторов Қўқонда қарийб ўн йил давомида ўқитувчилик билан шуғулланган. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг оиласи билан Самарқандга кўчиб келган ва 1918 йил июндан Самарқандда чиқа бошлаган “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг ташкилотчиларидан бири бўлган. У Қўқонда “Ким қози бўлсун”, Самарқандда эса “Социализм нимадур?”, “Ер ҳақида икки турли фикр”, “Турк тилининг усули таълими” рисолаларини ёзган. Ш. Мухторов 1920 йил 26 декабрда Жиззах касалхонасида сил касаллигидан вафот этган. Қаранг: Муин Ҳ. Марҳум Шокир Мухторий // Танланган асарлар... – Б. 50-52.

[3] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 35019-иш, 7-варақ ва унинг орқаси.

мутаассиб татар руҳонийларининг таъқиби остида ўз юртини ташлаб чиқишга мажбур бўлган[1].

Ҳ. Макаев 1904 йилда[2] Фарғона вилояти маркази Янги Марғилонга келиб ўрнашгач, янги усул мактаби очиш мақсадида вилоят билим юрти нозиридан расман ижозат сўраган. Унинг аризаси шахсан Туркистон ўлкаси халқ ўқув муассасалари бош нозири Ф. Керенский томонидан кўриб чиқилган. У 1898 йил хулосаларига (татарларнинг Туркистон ўлкаси бўйлаб рухсатсиз мактаб очганликлари назарда тутилмоқда - диссертант) таянган ҳолда, Ҳ.Макаевнинг аризасини қатъиян рад этган[3]. Кейинчалик у Наманганга келиб, ўзбек ва татар болаларини ўқитишни ташкил этди.

Наманган уезди Тўрақўрғон волости Қатағон қишлоғидаги масжидда Зоҳид Нажимов томонидан очилган янги усул мактабида 60 нафар ўқувчи таҳсил олган. Ўқувчилар мазкур мактабда она тили, арифметика, Қуръон ўқишдан ташқари рус тилини ҳам ўрганганлар. Мактабда ўқиш икки йилу олти ой давом этиб, ўқувчилар билими якуний имтиҳон орқали аниқланган. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган ўқувчиларга махсус гувоҳнома топширилган. З.Нажимов ўқувчилари орқали маҳаллий аҳолини билим олишига йўналтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб борган[4].

1910 йил 20 ноябрда Еттисув вилояти 2-туман халқ ўқув муссасалари нозирининг Туркистон ўқув юртлари бош нозирига ёзган билдиришномасида Пишпек, Пржевальск ва Жаркент туманларидаги текширувлар натижаси баён қилинган. Нозир мазкур туманлардаги яшовчи аҳоли орасида энг тараққий этгани татарлар эканлигини таъкидлаган. Унинг гувоҳлик беришича, янги усул тарафдори бўлган татарлар бу ерда консерватив йўналишдаги аҳоли билан зиддиятга борганлар. Эътиборлиси шундан иборат-

---

[1] Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Т.: Шарқ, 1994. – Б. 53.
[2] А. Расулов ўз тадқиқотида Ҳ. Макаевнинг Туркистонга келган пайтини 1903 йил, деб кўрсатган. Қаранг: Расулов А. Интернациональная помощь … - С. 204.
[3] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 14191-иш, 26, 27 ва 27-варақ орқаси.
[4] Губаева С. Население Ферганской долины… - С. 114.

ки, Тўқмоқ шаҳрида Истанбулда таҳсил олган Вагапов исмли киши янги усулда мадраса[1] ташкил этган[2].

Лепсинск шаҳрида 5 та татар мактаби мавжуд бўлиб, уларнинг 3 таси эрлар ва 2 таси қизлар мактаби эди. Мазкур татар мактабларида Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудларидан фарқли ўлароқ эски усулда ўқитилар, шу сабабли уларда болалар сони оз бўлиб, аҳоли ўртасида ҳам унчалик обрў қозонмаган эди[3].

1887 йилда Тўқмоқ шаҳридаги татар масжиди яқинида мактаб ташкил этилган эди. 1900 йилда шу ерлик бадавлат татарлар – Абдулла Сафиуллин, Содиқ Милушев, Содиқ Раҳимов, Муҳаммадгалий Абубакиров ва Галий Токтаровлар ҳомийлигида мактаб учун янги бино қурилган. Мазкур мактабда шу йилдан бошлаб янги усулда ўқитиш ишлари йўлга қўйилган. Мактабда Муҳаммадзокир Абдулвагапов, Нургалий Мамин, Абдусобир Абдулманов, Муҳаммадгалий Тошбоев, Муса Смаков сингари татарлар муаллимлик қилганлар. Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновнинг 1912 йил 25 январдаги 844-сонли буйруғида кўрсатилган мусулмон мактабларида ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг бир миллатга мансуб бўлишлари, рус тилини мажбурий ўқитиш лозимлиги тўғрисидаги йўриқномага асосан мактабнинг ёпилиш хавфи юзага келган. Шундан сўнг мактабга ҳомийлик қилаётган бир гуруҳ татарлар Еттисув вилояти 2-туман ўқув муассасалари нозирига ариза билан қилган мурожаатларида мактаб дастурлари Маориф вазирлигининг талабларига жавоб бериши, барча ўқувчилар IV бўлимдан кейин Тўқмоқдаги 2-синфли рус-тузем мактабида ўқишни давом эттиришларини билдириб, татар мактабини қонуний фаолият кўрсатаётган деб ҳисобланишини сўрайдилар[4].

---

[1] Янги усулдаги мадраса илк бор тилга олинмоқда. Бироқ архив манбаларида ушбу мадрасадаги ўқитиш тизими хусусида маълумотлар берилмаган – диссертант.
[2] ЎзР МДА И.1 фонд, 31-рўйхат, 782-иш, 55-варақ ва унинг орқаси.
[3] Ўша жойда, 56-варақ.
[4] Ўша жойда, И.47-фонд, 1-рўйхат, 1149-иш, 47-варақ ва унинг орқаси.

Балхаш бўйида яшовчи қозоқлар овулида ҳам татар муаллимлари бўлиб, улар маҳаллий болаларни ўқитиш билан бирга, аҳолини ислом динига ўтказиш тарғиботи билан ҳам шуғулланганлар. Туркистон район муҳофаза бўлими[1] (ТРМБ) бошлиғининг эътирофича, татар муаллимлари фаолияти ҳақида аввалги текширишлар вақтида етарли маълумотга эга бўлинмаган. Жойлардаги подшо маъмурларининг сусткашлиги ва кўп ҳолларда маҳкамаларда ишлаётган татар-бошқирд тилмоч ва таржимонларнинг «хоинлиги» туфайли муаллимлар фаолиятига эркинлик яратиб берилган[2].

1912 йилнинг ноябрида Туркистон ўлкаси билим юртлари бош нозири Тошкент-Казалинск йўналишидаги мактаблар фаолиятини текширган. Текшириш натижасида маълум бўлишича, Жулек қишлоғида ёз ойларида Уфадаги «Галия» мадрасасидан ёш татар муллалари ва мударрислари ташриф буюриб, ўтовларда қозоқ болалари учун муваққат мактаблар очмоқда эдилар. Мазкур мактабларда ўқитиш янги усулда олиб борилганлиги сабабли ҳам улар рус давлатчилиги манфаатларига мос келмасди. Ўқиш пули анча қиммат бўлишига қарамасдан, кўплаб қозоқ болалари, шунингдек, рус-тузем мактабларидаги ўқувчилар ҳам манна шу янги усул мактабларга қатнай бошлаганлар. Бу ҳудудда татар муаллимларининг таъсири шу даражада кучли эди-ки, баъзи қозоқлар қишда уларга эргашиб Уфага йўл олардилар ва «Галия» мадрасасида маърузалар тинглаб қайтардилар. Бош нозир 1912 йил 15 декабрда Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновга тақдим этган маълумотномасида, қозоқ даштларида юз бераётган бундай ҳолатлар рус давлатчилиги учун жиддий хавф эканлигини таъкидлаган. А.В.Самсонов маълумотнома билан танишиб, унга қўйган резолюциясида ҳолатнинг ниҳоятда жиддий эканлигини билдириб, изчил текширишлар олиб боришни статс-маслаҳатчи А.Миллерга топширган[3].

---

[1] Бундан кейин матнда Туркистон район муҳофаза бўлими, шартли равишда ТРМБ шаклида келтирилади. ТРМБ ҳақида III боб, 1-параграфда кенгроқ маълумот берилади – диссертант.
[2] ЎзР МДА И.47-фонд, 1-рўйхат, 1149-иш, 33-варақ орқаси.
[3] Ўша жойда, И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406[А]-иш, 161-варақ.

А.Миллер Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновнинг шахсан кўрсатмаси билан ҳақиқий аҳволни аниқлаш мақсадида Жулек қишлоғига борган. Бу ердаги рус-тузем мактаби мудири Есеновдан Уфанинг «Галия» мадрасидан ёз ойларида қозоқ даштларига келиб маҳаллий болаларни ўқитаётган ёш муллаваччалар ҳақида маълумот олган. Унга кўра, ёш татар ўқитувчилари Жулек қишлоғига 1911 йилнинг ёзидан кела бошлаганлар[1]. Бу пайтда қозоқлар Сарасув дарёси ва Қоратоғдаги яйловларга кўчган бўлиб, ёш татар муаллимлари ўқитиш ишларини шу ердаги ўтовларда олиб борганлар. Ўқувчилар ёзув, ҳисоб, тарих, география, араб тили, қироат ва татар тилида шариат қонунларини ўрганганлар. 1912 йилнинг ёзида биргина Жулек қишлоғидан кўчиб борган қозоқ овулларига *40 дан ортиқ ёш татар муаллимлари* (курсив бизники – диссертант) келган.

Есеновнинг сўзларига кўра, татар муаллимлари қозоқларга рус-тузем мактабларини ортиқчалиги, рус тилини татарлардан ҳам ўрганиш мумкинлиги ҳақида тарғибот ишларини олиб борганлар. Шу билан биргаликда улар Қозондаги ака-ука Каримовлар, Ҳусаиновлар ва «Шарқ нашри» босмахоналарида чоп этилган «Уйғон қозоқ», «Тур қозоқ», «Кўмар» номли рус давлатчилигига қарши кайфиятдаги асарларни тарқатиш ҳамда уларда ёзилган ғояларнинг моҳиятини тушунтириш билан шуғулланганлар. Масалан, «Уйғон қозоқ» китобида руслар келиши муносабати билан қозоқлар тасарруфидаги ерларнинг камайганлиги, волост раҳбариятига ўтказилган сайловларда иштирок этган полициячилар қозоқ тилини билмаганликлари учун маҳаллий аҳоли билан мулоқот қилмаганликлари, Давлат Думасида қозоқлар вакилининг йўқлиги, Россия империяси мустамлакачилиги даврида қозоқлар ҳаёти оғирлашганлиги ҳақида сўз боради[2].

Есенов қозоқлар томонидан уфалик татар муаллимларини таклиф қилиниши бу ерларда рус-тузем мактаблари озлиги, татарларнинг ўқитиш

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406[А]-иш, 157-варақ.
[2] Ўша жойда, 157-варақнинг орқаси.

ва ташвиқот ишларига астойдил киришганликларини эса аҳолидан йиғиб олинадиган катта маблағ, сармоя туфайли деб изоҳлаган. А.Миллер Перовск уезди маъмурлари билан юқоридаги масала бўйича суриштирув ишлари олиб борганида Жулек қишлоғи пристави, капитан Барановский ҳудудда фаолият олиб бораётган татар муаллимлари ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги ҳақида айтган. Перовск уезди рус-тузем мактаблари мудири Шипков эса ёз ойларида Сарасув ва Чу воҳаларига 50 нафарга яқин татар муаллимлари бой қозоқларнинг ўтовларида мактаб очиб, камбағалларнинг ҳам болаларини ўқитишлари ҳақидаги маълумотни берган. Шипковнинг сўзларига кўра, татарлар фаолияти натижасида қозоқларнинг сиёсий билимлари ҳам ўсган[1].

Туркистон шаҳридан 22 верст[2] узоқликдаги Қарноқ қишлоғида 5 та мадраса бўлиб, Сирдарё, Оқмола ва Тўрғай вилоятларидан келган 5 мингга яқин талаба таҳсил олар эди. Мадрасаларда ҳукумат назорати кучли эмаслиги туфайли бу ерда ҳам татар мударрислари фаолият кўрсатганлар[3].

Статс-маслаҳатчи Подгорний маълумотларига кўра, Казалинск уездидаги рус-тузем мактабларида бирорта ҳам мусулмон ўқувчилари таҳсил олмаган. Маҳаллий аҳоли фарзандларини рус-тузем мактабларига беришни лозим топмаганликлари Уфа, Оренбург ва Қозон шаҳарлари мадрасаларидан келаётган татар муаллимларининг муваффақият қозонишига имкон берган. Қозоқ даштларидаги татарлар муваффақиятининг яна бир омили ака-ука Ҳусаиновлар «Савдо уйи» даромадларидан масжид ва мактаблар барпо этиб, илм-маърифатни қўллаб-қувватлашларида эди[4].

А.Миллер Туркистон уездида участка пристави, капитан Тризна билан ҳам юқоридаги масала бўйича суҳбатлашган. Тризнанинг сўзларига кўра, уезднинг фақатгина Сўзоқ қишлоғида 1908 йили бир нафар татар муалли-

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406[А]-иш, 158-варақ.
[2] Верст қадимги рус ўлчов бирликларидан бири бўлиб, 500 саженга, яъни 1,0668 км га тенг бўлган. Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 435.
[3] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406[А]-иш, 158-варақнинг орқаси.
[4] Ўша жойда, 159-варақ.

ми бўлиб, у 20 нафар болани янги усулда ўқитган ва тезда маҳаллий аҳоли орасида шуҳрат қозонган. Махфий равишда текширилганида мактабнинг рус давлатчилигига ҳеч қандай хавфи бўлмаган. Шундай бўлса-да, Сўзоқ қишлоғининг узоқлиги ҳамда мактабни назорат қилиш маъмуриятга қийинчилик туғдирганлиги сабабли, Тризна татар муаллимига мактабни ёпишни таклиф қилган. Муаллим мактабни ёпиб, 1909 йилнинг ёзида Россиянинг Европа қисмига кўчиб кетган[1].

1911 йили Конибодом яқинидаги Қораёнтоқ қишлоғида татар Карим Ҳакимов томонидан мактаб очилиб, маҳаллий аҳоли болаларини ўқитиш йўлга қўйилди. Орадан 4 ой ўтгач, бу ерда яшаш учун рўйхатдан ўтмаганлиги ва ноқонуний фаолияти учун К.Ҳакимов Конибодом пристави томонидан ҳибсга олинган[2].

Туркистон ўлкасида татарлар самарали фаолиятининг яна бир омили сифатида Қозон, Уфа, Оренбург нашриётларида босилган маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган адабиёт ва дарсликлар савдоси ташкил этганликларини ҳам кўрсатиш мумкин. 1912 йил 16 апрелда «Нозим» номли жосус маълумотларига кўра, Тошкентда Якшанба бозоридаги татар мактаби қошида Карим Ҳусайн томонидан очилган китоб дўконида фақатгина татар тилидаги дарслик ва адабиётлар билан савдо қилинган[3].

1913 йил 26 январда ТРМБ бошлиғи Сизих Тошкент уезди бошлиғига ёзган махфий хатида 1912 йил ёз ойларидан бошлаб Чиноз яқинида Биби Марям исмли аёл ва Пискент волостида икки номаълум татар муаллими маҳаллий аҳоли болаларини янги усулда ўқитаётганлигини билдириб, улар ҳақида батафсил маълумот тўплаш лозимлиги ҳақида кўрсатма берган[4]. Тошкент шаҳар 1-участка пристави 1913 йил 4 февралда Биби Марям ҳақида тўплаган маълумотларини Тошкент уезди бошлиғига тақдим этган.

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406^{А}-иш, 160-варақ.
[2] Воспоминания о Кариме Хакимове (составители Л.Гадилов, Г.Амири). – Уфа: Башкирское книжное издательство, 1982. – С. 53.
[3] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 136-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 1406^{А}-иш, 10-варақ ва унинг орқаси.

Унда ёзилишича, Биби Марям Алиакбаровна Чанишева Тошкент шаҳар 1-участка пристави девонхонаси собиқ хизматчиси Ҳамза Чанишевнинг хотини бўлган. Биби Марямнинг отаси Алиакбар Поздняков Чинозда 40 десятина ерга эга эди. А.Поздняков савдо иши билан Истанбулда бўлиб,[1] Ҳамза Чанишев ва Биби Марьям ёз ойларида Чиноздаги унинг ерида деҳқончилик қилиб, шу ерлик болаларни янги усулда ўқитишган[2].

Тошкент уезди бошлиғи 1913 йил 27 мартда Сизихга Пискент волостида татар муаллимлари Рамашех Бабашехов ва Саидбек Идрисбековлар маҳаллий аҳоли болаларини ҳукумат рухсатисиз янги усулда ўқитаётганликлари ҳақидаги маълумотни тақдим этган[3].

ТРМБ хулосасига кўра, ҳукумат томонидан татар муаллимлари фаолияти таъқиб остига олингач, 1912 йилдан бошлаб улар Еттисув ва Фарғона вилоятларида ўқитиш ишларини кучайтириб юборганлар. 1913 йил 26 январь маълумотига кўра, Фарғона вилоятида улар сони 8 нафарни ташкил этган. Сизихнинг эътирофича, Еттисув вилояти ҳарбий губернаторлиги маъмурияти масалага совуққонлик билан қараган, ҳатто улар тўғрисида маълумотга ҳам эга бўлмаган[4].

Уфа губернияси Стерлитамак уезди Кармишев волостидан келган Нажмиддин Ишмуҳамедов, Мамадиш уезди Нижесопск волости Бирюцк жамиятидан келган Аҳмад Габдулбадигов ва Уфа губернияси Бирск уезди Асяновск волости Суккулово қишлоғидан Ҳасанзян Галимханов Пишпек уездида фаолият олиб борганлар[5]. Шу уезднинг Тинаев волостида эса Бухорода таҳсил олган Нажмиддин исмли татар муаллими Тўра Саурим-баев ҳомийлигида қирғиз болаларини янги усулда ўқитган[6].

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406[А]-иш, 12-варақнинг орқаси.
[2] Ўша жойда, 32-варақ ва унинг орқаси.
[3] Ўша жойда, 86-варақ ва унинг орқаси.
[4] Ўша жойда, 12-варақ ва унинг орқаси.
[5] Ўша жойда, 32-варақ.
[6] Ўша жойда, 1315-иш, 52-варақ орқаси.

Пишпекда татар муаллими Ҳасанзян Галимханович Боязитовнинг янги усул мактаби машҳур бўлган. Пишпек уезди Скобелево қишлоғида яшовчи татар савдогари Ҳабибраҳмон Габидуллин Уфадан ўқитувчиларни жалб этиш ҳамда тақсимлаш ишлари билан шуғулланган[1].

Айни пайтда Уфадаги «Галия» мадрасаси мударриси Зиё Камолий ҳам Буби мактабидан Вернийга татар ўқитувчиларини юбориш билан шуғулланган. Жумладан, 1914 йил 9 сентябрда шу ерда ўқитувчилик қилаётган ака-ука Габдулвалиевлар талаби билан икки татар муаллимини юборган[2].

1913 йил 8 мартда «Шаҳрисабзлик» номли махфий жосус маълумотига кўра, Хўжанд уезди Дилбарзлик қишлоғида Бекбўлат исмли татар муаллими Эшонбойхўжа Султонмуҳаммадхўжаев томонидан 30 нафар маҳаллий аҳоли болаларини ўқитиш учун ёлланган[3].

Татар муаллимларининг жойларда яширин фаолият кўрсатишларига маҳаллий бошқарув идоралари вакиллари имконият яратиб берганлар. Масалан, 1913 йилда Туркистондан Қўқонга келган татар ўқитувчидан «қўрқмасдан ўқитувчилик қилиш мумкинми?»-деб сўрашганда, у бунинг учун «волост бошлиқлари билан тил топишса бўлди»-дея жавоб берган[4].

1913 йилнинг 21-22 май кунлари Пишпекда мулла Аҳмад Габдулбадигов ташаббуси билан мусулмон ўқитувчиларининг вилоят қурултойи ўтказилган. Қурултойга ўқитувчилар – Габдулбадигов, вернийлик Шокиржон Ёқубов, Ш.Ёқубовнинг хотини Марям Ёқубова, тўқмоқлик Иса Исмаков ва Нургали Мамин, Пржевальск уезди Олакўл волостидан ўқитувчи Эшонали Арабаев ташриф буюрганлар. Кун тартибидаги асосий масала ёшларни миллий мусулмончилик руҳида тарбиялашга қаратилган. Бундан ташқари маъмурият томонидан талаб этилаётган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бир миллатга мансуб бўлиши лозимлиги ҳақидаги қоидасига қарши

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406^{A}-иш, 155-варақ.
[2] Ўша жойда, 1477-иш, 126-варақ орқаси.
[3] Ўша жойда, 1315-иш, 85-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 1315-иш, 112-варақ орқаси.

курашиш ва уни лозим бўлса, йўқотиш бўйича барча чораларни кўриш масаласи кўрилган. Туркистон ўлкасида қозоқ ва қирғиз болаларини кўпроқ татар муаллимлари томонидан ўқитишни ташкил этишга эътибор қаратилиши муваффақиятлар гарови бўлиши мумкин деган хулосага келинган[1].

Маъмуриятнинг тақиқларига қарамай, татар муаллимлари томонидан янги усул мактаблари ташкил этиш жараёни тўхтаб қолмаган. Жумладан, 1913 йилги маълумотларга кўра, Хўжанд уезди Далварзин қишлоғида Бекбўлат исмли татар муаллими маҳаллий аҳоли болаларини ўқитган[2]. Шу йили Қўқон уездида 6 нафар, Наманган уездида 4 нафар, Серово станциясидан 8 верст узоқликдаги қишлоқда 2 нафар татар муаллими истиқомат қилиб, маҳаллий аҳоли болаларига сабоқ берганлар[3].

Қозондаги «Муҳаммадия», Уфадаги «Галия» ва Оренбургдаги «Ҳусайния» мадрасаларида ўқитиш янги усулга ўтказилгач, уларнинг мавқеи кучайган ва натижада бу ерлардан Бухоро мадрасаларига ўқишга келувчилар сони камайган[4]. Қозон, Уфа, Оренбург мадрасаларининг аҳамияти кучайганлигини Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Замонавий одамлар етуштирмак учун Ўрунбурғ, Қазон [га]… талаба юбормоқ керакдур»[5],-деган сўзларидан ҳам кўриш мумкин.

1914 йил 24 январь маълумотига кўра, Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхонов томонидан ташкил этилган жадид мактабида Бугуруслан шаҳридан келган татар муаллими Шафиқ Ҳабибуллин янги усулда болаларга сабоқ берган[6]. Шу йил 25 февраль маълумотларига кўра, Тошкент уезди Зангиота волостида ўзбек Тўлаганбой хонадонида «Галия» мадрасасини тамомлаган татар муаллими Халил Асадуллин яшаб, бойнинг ўзини ва катта ёшдаги ўзбек болаларини янги усулда ўқитган[7].

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 164-165-варақлар орқаси.
[2] Ўша жойда, И.1-фонд, 27-рўйхат, 148-иш, 32-варақ орқаси.
[3] Ўша жойда, И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 85-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 337-варақ орқаси.
[5] Ойина. –Тошкент, Академия. 2001. –Б.19
[6] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1470-иш, 5-варақ орқаси ва 6-варақ.
[7] Ўша жойда, 13-варақ орқаси ва 14 варақ.

1914 йил 19 апрелда Верний шаҳрида татар ўқитувчиси Абдураҳмон Сагдиевнинг янги усул мактаби маҳаллий ўқув нозири томонидан ёпилган. Маҳаллий аҳолининг нозирдан мактабни имтиҳонлар тугагунга қадар очиб беришни сўраб қилган илтимослари эътиборсиз қолдирилган[1].

1914 йил 1-5 июнь кунлари Уфа шаҳридаги «Галия» мадрасасида мусулмон ўқитувчиларнинг махфий йиғилиши ўтказилган. Унда Верний шаҳридан татар ўқитувчилари Абдураҳмон Сагдиев, Шокир Ёқубов ва Абдураҳмон Имашов иштирок этганлар. Мазкур йиғилишда Туркистон ўлкасида янги усул мактабларини махфий равишда очишга қарор қилинган[2].

Туркистонда маъмурият томонидан татар муаллимлари фаолияти таъқиб остига олингач, улар ўз фамилияларини ўзгартирган ҳолда ўқитиш ишларини ташкил этиш ҳоллари ҳам кузатилган. Масалан, Қува шаҳрида рустузем мактаби ўқитувчиси бўлиб ишлаган татар муаллими Муҳаммаджон Диваев Туркистон ўлкасида маҳаллий аҳоли болаларини ўқитиш мақсадида Перовск уездида яшовчи (қозоқ) онасининг фамилиясини ўзлаштирган ҳолда Кучербаев фамилиясини қабул қилган[3].

Россия империяси истилосидан кейин XIX аср охири XX аср бошларида мустамлакачилик манфаати нуқтаи назаридан Каспийорти вилояти ва Амударё бўлими ҳудудларига татарлар оилавий кўчиб келиб ўрнашганлар. Жумладан, 1907 йили Петроалександровскда 40 нафар татар оиласи яшаган. Улар ўз болаларни ўқитиш мақсадида «Хайрия жамияти» тузганлар ва янги усул мактабини очганлар. Мактабда ўғил ва қизлар алоҳида ўқитилган. Қизлар синфида Бону Салимова ўқитувчилик қилган. Мактабда биринчи йили болалар бепул ўқитилган, кейинчалик ўқувчининг оилавий шароити ҳисобга олинган ҳолда тўлов амалга оширилган. Парта, доска ва бошқа ўқув жиҳозлари Оренбург ва Қозон шаҳарларидан келтирилган. бойларнинг болалари учун 1 рубль, ўртаҳол оила фарзандлари ва камбағаллар

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1477-иш, 45-варақ орқаси.
[2] Ўша жойда.
[3] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 2176-иш, 30-варақ.

учун 50 ва 25 копеек ўқиш пули белгиланган. Уни тўлай олмаганлар эса текинга ўқитилган. 1911 йили ўқувчилар сони 50 нафардан ошган. Нукус, Тошҳовуз, Қипчоқ ва Манғитдан болалар бу мактабга ўқиш учун келганлар. Мактабда турли миллат вакиллари – ўзбеклар, қорақалпоқлар, татарлар, туркманлар ўқишган. 1916 йили бу мактабда маҳаллий бой ва камбағалларнинг 20 нафар қизи ўқиган. Россия императорининг 1916 йил 25 июндаги «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида»ги фармони[1]га қарши кўтарилган қўзғолон иштирокчиси сифатида мактаб ташкилотчиси Ю.Аҳмедов қамоққа олингач, ушбу таълим даргоҳи ёпиб қўйилган[2].

1913 йил 1 мартда «Петушков» номли махфий хизматчи берган маълумотига кўра, Каспийорти вилоятининг Ўтамиш овулида икки татар ўқитувчиси фаолият кўрсатиб, туркманларнинг ахалтекин уруғи болаларини ўқитганлар. Уларнинг бири Ўроз Файзулла ўғли хонадонида, иккинчиси эса Қурбон Ўроз Мамед ўғлининг уйида истиқомат қилган. Мазкур татар ўқитувчилари тараққийпарвар мусулмон газеталарини олиб турганлар ва доимий равишда ахалтекин туркманларига ўқиб бериш орқали уларнинг сиёсий ва маданий онгини ривожлантиришга ҳаракат қилганлар[3].

Қобул овулида татар ўқитувчиси Гибадулла Габидов истиқомат қилган[4]. Мазкур овулда Г.Габидов билан бирга татар муаллими мулла Султон Абидинхўжа ўғли ҳам фаолият юритган[5].

Султон овулида яшовчи Азизбой хонадонида ҳам татар мулласи истиқомат қилган. Татар мулласи ҳузурига доимий равишда туркманлар йиғи-

---

[1] Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида … - Б. 415-416.
[2] Абдуллаева Я.А. XIX аср охири ва XX асрда Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласи. (ижтимоий-сиёсий аспект). Тарих фан. докт. ... дисс. – Т., 2005. – Б. 65.
[3] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1316-иш, 36-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 38-варақ орқаси.
[5] ЎзР МДА И.1-фонд, 27-рўйхат, 148-иш, 33-варақ.

лишиб, унинг маърузаларини тинглашган. Мулла туркман болаларини ўқитиш билан биргаликда, уларга фарзандларини Қозон шаҳрига замонавий билимларни эгаллаш учун юборишларини маслаҳат берарди[1].

С.Айний хотираларида Бухорода яшовчи татарлар 1907 йилда янги усул мактабини очганликлари хусусида маълумот берилган. Маҳаллий аҳоли вакиллари ушбу мактабнинг афзаллигини тезда англаб етгач, фарзандларини шу ерда ўқитиш учун юборганлар. С.Айний: «… татар мактабида олти ой ишлаб, тажриба орттирдим», - деган эди[2].

1908 йили С.Айний, А.Мунзим ва А.Ҳамдий Бухорода фаолият кўрсатаётган татар муаллими Холид Бурнашевнинг мактабидан таълим қоидалари, дарсхона тартиби, дарсликлар ҳақида маълумот олгач, ўзларининг янги усулдаги мактабларига асос солганлар[3].

Татар муаллимлари янги усулда мактаб очиш ва ўқитиш ишларини Бухоро амирлиги ҳудудида ҳам жадал суръатларда ташкил этганликларини Бухородаги сиёсий агент[4]нинг 1911 йил 27 январда Ички ишлар вазирига ёзган 22-сонли хатидан ҳам кўриш мумкин. Унга кўра, Бухорода янги усулдаги мактабни 1902-1903 йилларда Каипов исмли муаллим Россия фуқаролигидаги мусулмон (асосан татарлар – диссертант) болалари учун ташкил этган бўлса-да, у узоқ вақт яшамаган. Бу мактаб Бухорода савдо ишлари билан шуғулланувчи татарларда катта қизиқиш уйғотган[5]. Татарлар маҳаллий мусулмонларга нисбатан анча илғор фикрли бўлиб, Россия ва Туркияда нашр этилган рўзномалари янгиликлардан воқиф эдилар. Шу муносабат билан улар ўз фарзандларини эски усулда ўқитишдан воз кечиб, Холид Бурнашевнинг уйида янги усул мактабини очганлар. Дастлабки

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1316-иш, 82,83-варақларнинг орқаси.
[2] Турдиев Ш. Среднеазиатские татары… - С. 171.
[3] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари... – Б. 68.
[4] Россия императорининг сиёсий агентлиги 1886 йил январда Ташқи ишлар вазирлигининг органи сифатида ташкил этилган бўлиб, уни бошқарган амалдор императорнинг Бухоро амирлигидаги расмий вакили ҳисобланар эди. Қаранг: Абдураҳимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Т.: Академия, 2002. – Б. 100.
[5] ЎзР МДА И.2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 20-варақ.

пайтларда мактабда фақат рус фуқаролигидаги татарларнинг фарзандлари таҳсил олганлар. Орадан бир йил ўтиб, йил якунида мактабда ўтказилган имтиҳонга татарлар, рус-тузем мактаби ўқитувчиси ва бир мударрис ҳам таклиф этилган[1]. Ўқувчилар қисқа давр давомида олган билимлари кўламининг кенглиги таклиф қилинганларда катта қизиқиш уйғотган. Имтиҳондан сўнг, йиғилганлар янги мактабни кенгайтириш ва бунинг учун Бухоро амиридан бошқа бир бино сўраш ҳақида қарор қилганлар. Бироз вақт ўтгач, амир татарлар илтимосини қондириб, Говкушон маҳалласидан янги усул мактаби учун бино ажратишга рухсат берган[2].

Шу пайтга келиб, Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан кўплаб ёшларнинг янги усулда таълим берувчи Уфадаги «Галия», «Усмония», Оренбургдаги «Ҳусайния» ва Қозондаги «Муҳаммадия» мадрасаларида таҳсил олишга иштиёқи ортган[3]. 1906-1916 йиллар оралиғида биргина «Галия» мадрасасида Туркистон ва Кавказортидан келган 224 нафар талаба ўқиган[4].

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, ўз навбатида татар ва бошқирдлар ҳам Тошкент, Қўқон, Бухоро, Хива каби шаҳарларга келиб, мадрасаларда ўқиганлар[5].

1904 йил ноябрь ойида Муҳаммад Раҳимхон II фармонига биноан, Урганч шаҳрида янги усул мактаби очилган. Мактабда Қозондан таклиф этилган Ҳусайн Кушаев муаллимлик қилган. 1906 йилда Ҳ.Кушаев ота-оналар талабига мувофиқ Урганч шаҳрида қизлар учун ҳам янги усул мактаби ташкил этган. Мактабда унинг рафиқаси Комила Кушаева муаллималик ишини бошлаган. Мактабларда таълим-тарбия ишларининг самарали йўлга қўйилганлигидан мамнун бўлган Муҳаммад Раҳимхон II

[1] ЎзР МДА И.2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 21-варақ.
[2] Ўша жойда.
[3] Гулям Г. Габдулла Тукай и наш поэт // Слово о Тукае. – Казань: Татарское книжное издательство. 1986. – С. 19.
[4] Ҳайдаров М., Расулов А. Фарғона водийсида татарлар // Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари. 2-китоб. – Наманган, 2002. – Б. 50.
[5] Иловага қаранг.

Ҳ.Кушаевни бошдан оёқ сарупо билан тақдирлаб, хазинадан мактабга моддий ёрдам кўрсатган.

1907 йил бошларида валиаҳд Асфандиёрхон Қозондаги Барудий мадрасасидан икки муаллимни таклиф этиб, Хива шаҳрида «Мактаби маҳрамий» ва «Мактаби жадида» номли янги усул мактаблари ташкил этишга ҳомийлик қилган. Шу йил 28 май куни ўтказилган имтиҳонда валиаҳд Асфандиёрхон, девонбеги, қозилар, мударрислар муфтийлар иштирок этганлар. Йиғилганлар имтиҳон натижаларидан руҳланиб, Хива ва Урганч шаҳарларида яна иккита янги усул мактаби очиш ҳамда Қозондан муаллимлар таклиф этишга қарор қилганлар. Асфандиёрхон тахтга ўтиргач, хон оиласига мансуб 20 га яқин болани татар муаллими Мухтор Бакир тарбиясига берган. Айни шу пайтда Қозондан яна икки муаллим чақирилиб, оддий халқнинг болаларини ҳам ўқитиш ишлари йўлга қўйилган. Мана шу йилларда Хива хонлиги бош вазири Исломхўжанинг уйида татар муаллими Абдурашитов яшаб, унинг фарзандларини ўқитган[12].

Мустамлакачи маъмурият таъқиблари натижасида XX асрнинг иккинчи ўн йиллиги бошларига келиб, Туркистон ўлкасида татар муаллимлари томонидан маҳаллий аҳоли болаларини ўқитишга деярли барҳам берилди. Татар муаллимлари фаолият кўрсатаётган мавжуд мактабларда эса фақатгина татар болалари ўқир эдилар.

2.2. Татар жадид мактабларига қарши чора-тадбирлар

Россия империяси маъмурлари янги усул мактаблари ривожи оқибатларини даставвал марказий губерниялар (Қозон, Уфа, Саратов, Пенза в.б.), Қрим ва Кавказда кўрган эдилар. Бу жараённинг Туркистон ўлкасига ёйилиши империя манфаатлари учун хавфли эканлигидан ташвишланган ҳолда янги усул мактабларини тақиқлаш, ҳеч бўлмаганда уларнинг кенг ёйи-

[1] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари… – Б. 83-85
[2] Қаюмов М.У. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошида Хива хонлигидаги ... – Б. 75.

лишига тўсқинлик қилиш чора-тадбирлари кўрилган. Жумладан, маҳаллий жадидларга мутаасиб руҳонийлар қарши қўйилган, эски мактабларнинг кўпайишига имконият яратилган, Боқчасарой, Уфа, Қозон ва Оренбургдан келаётган нашрларнинг тарқалишига тўсқинлик қилинган.

1909 йили Туркистон ўлкаси ўқув юртлари инспекцияси қошидаги махсус комиссия ишлаб чиққан янги усул мактабларига доир кўрсатма қуйидаги масалаларни ўз ичига олган эди:

1. Маҳаллий мактаблар фақатгина маъмуриятнинг махсус рухсатномаси билан очилади.

2. Маҳаллий мактабларни очиш ва унда ўқитиш сиёсий жиҳатдан тўла ишончли бўлган Россия фуқароларигагина рухсат этилади.

3. *Маҳаллий мактаб қайси миллат болалари учун очиладиган бўлса, унинг ўқитувчилари ҳам ўша миллатга мансуб бўлиши шарт* (курсив бизники-диссертант)**.**

4. Маҳаллий мактабларда фақатгина Россия цензураси рухсати билан чоп этилган китобларгина ўқитилади.

5. Маҳаллий полиция идораларида ишловчи масъул шахслар зиммасига барча маҳаллий мусулмон мактабларини аниқ рўйхатини олиб бориш ва рўйхатдан ўтмаган мактабларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўймаслик вазифаси юклатилади.

6. Махсус рухсатсиз мактаб очган шахслар мактаб очиш ва ўқитувчилик ишидан умрбод маҳрум этилади.

7. Маҳаллий мактаблардаги ўқитиш ишлари ва уларда жорий этилган тартиб-қоидаларга риоя этилиши устидан назорат қилиб туриш маҳаллий маъмурларга ҳамда мактаб нозирларига юклатилади[1].

Мазкур кўрсатманинг учинчи бандига кўра, Туркистон ўлкасида фаолият кўрсатаётган татар муаллимларининг янги усул мактаблари сони кескин қисқарди. Асосан Қозон, Уфа, Оренбург босмахоналарида чоп этилган

[1] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари... – Б. 17-21.

дарсликлардан фойдаланиш таъқиб остига олиниши эса маҳаллий янги усул мактабларида ўқитиш самарасига кескин таъсир кўрсатди.

Татар муаллимларининг маҳаллий аҳоли ўртасида катта обрў қозонганликлари Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятида баҳс-мунозарага сабаб бўлган. Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсонов Қўқон уезди бошлиғи ва маҳаллий ўқув юрти нозирига хайфсан эълон қилиб, зудлик билан мазкур мактабларни ёпишга кўрсатма берган. Татар муаллимларига маҳаллий аҳоли фарзандларини ўқитиш тақиқлангач, улар ўз фаолиятларини ўзгартиришга мажбур бўлиб, айримлари тижорат билан шуғуллана бошлаганлар. Янги усул мактабларида улар ўрнини маҳаллий аҳоли вакиллари эгаллаганлар. Шу пайтда Қўқон шаҳрининг ўзида 8 та янги усул мактаби бўлиб, унда 547 нафар ўқувчи таҳсил олган[1].

Фарғона вилояти халқ ўқув муассасалари нозирининг 1910 йил 28 ноябрда Туркистон ўқув муассасалари бош нозирига ёзган 4129-сонли махфий хатида, вилоятда 30 тага яқин янги усул мактаблари мавжудлиги, уларнинг очилишига маҳаллий аҳолининг эски мактаблардан норозилиги сабаб бўлганлиги кўрсатилган. Дастлабки пайтларда янги усул мактабларида Қозон ва Пенза губерняларидан келган татарлар дарс беришган бўлса, 1907 йилги қарордан сўнг уларнинг фаолияти тақиқланган[2].

1911 йил 1 январида Туркистон генерал-губернаторининг 8829-сонли хатига асосан, Туркистон ўлкасининг барча ҳудудларида татар муаллимлари томонидан янги усул мактабларида ўқитиш жараёнини ташкил этилиши қатъиян тақиқлаб қўйилди[3].

Бу ҳол, айниқса, Қўқон уездида ўқувчиларнинг ота-оналари томонидан жиддий норозиликни келтириб чиқарди. Ота-оналар Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига махсус хат йўллаб, татар муаллимлари фаолиятини тақиқламасликни қатъий талаб қилдилар. Бироқ вилоят ҳарбий губернато-

[1] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 35019-иш, 66-варақ.
[2] Ўша жойда, И.1-фонд, 31-рўйхат, 782-иш, 63-64-варақлар.
[3] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари... – Б. 20.

ри уларнинг талаблари қондирилмаслигини билдириш билан биргаликда, ўқувчилар билан бир миллатга мансуб маҳаллий ўқитувчиларни қидириб топиш тўғрисида қайғуришни маслаҳат берган[1].

Ота-оналар вилоят ҳарбий губернаторининг жавобларидан қониқиш хосил қилмай шахсан Туркистон генерал-губернаторининг ўзига хат йўллаганлар. Ота-оналардан *351 киши имзо чек кан* (биз томондан ажратилган - диссертант) ушбу мактубда татар муаллимлари ташкил этган мактабларда тезда ижобий натижалар кўзга ташлангани ҳам билдирилган эди. Туркистон генерал-губернатори талабнома билан танишиб чиққач, Фарғона вилояти халқ ўқув муассасалари нозири орқали ўзининг рад этиш мазмунидаги жавобини берган. Жавоб хатига қўйилган резолюцияда: «Рад этилсин ва эълон қилинсинким, бундай натижаларга рус-тузем мактабларида ҳам эришиш мумкин…»,-дея қайд этилган эди[2].

Фарғона вилояти халқ ўқув муассасалари нозири Ф.Егоровнинг Туркистон ўлкаси ўқув муассасалари бош нозирига 1911 йил 19 сентябрда берган ҳисоботига кўра, Қўқон, Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарларидаги янги усул мактаблари 1908 йилдан бошлаб бир неча бор текширилган. Тафтишлар пайтида мактабларнинг кўпчилиги ёпилган. Мактаблардаги ўқувчилар, дастлабки текширув даврида аниқ бўлишича, Россия императорини улуғловчи дуони ва император оила аъзоларини билмаганлар. Кейинги тафтишлар даврида муаллимлар томонидан бу «хато» тўғриланган[3].

Маҳаллий жадидлар ва татар муаллимлари томонидан янги усулда очилган мактаблар сонининг ортиб бориши, мустамлакачи маъмуриятнинг улар фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил этишни тақозо этган. Деярли ҳар йили вилоятлардаги халқ ўқув муассасалари нозирлари ўз ҳудудларида янги усулдаги мактаблар ишини текшириб, улардаги ҳақиқий

[1] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 35019-иш, 65-варақ.
[2] Ўша жойда, 65-варақ орқаси.
[3] ЎзР МДА И.47-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 59-варақ ва унинг орқаси.

аҳвол ҳақида вилоят ҳарбий губернаторига маълумот бериш билан биргаликда, мактаблар ҳақида ўз таклифларини ҳам билдирар эдилар.

Хусусан, 1913 йил 20 ноябрда Фарғона вилояти халқ ўқув муассасалари нозирининг вилоят ҳарбий губернаторига махфий равишда берган маълумотига мувофиқ, вилоятдаги янги усул мактаблари 12 йил муқаддам, яъни 1901 йилда очилган бўлиб, уларда асосан татар муаллимлари сабоқ берганлар. Туркистонда татар муаллимлари учун ўқитиш ишларини ташкил этиш тақиқлангач, бу мактабларда улар ўрнини сарт (ўзбек) муаллимлари эгаллаганлар. Айни пайтда вилоятда 20 та янги усул мактаби мавжудлиги аниқланган бўлиб, уларнинг аксарияти Қўқон шаҳрида эди[1].

Фарғона вилояти халқ билим юрти нозири вилоятдаги янги усул мактабларини ислоҳ қилиш хусусида ўз фикр билдирар экан, ўзининг буюк давлатчилик ва шовинистик қарашларини яшириб ўтирмайди. Хусусан, у «… мусулмон мактабларида учинчи ўқув йилидан бошлаб, доимий равишда рус тилини ўқитишни жорий этиш керак. Ўқув дастурига табиий география ва ватаншунослик (Россия тарихи назарда тутилмоқда-диссертант) фанларини киритиш лозим, бу ҳол ўлкада мусулмон фанатизмининг сусайишига олиб келади. Мадрасаларга келсак, улар устидан назоратни кучайтириш керак… ва ниҳоят аста секин мажбурий усул билан кўпсонли талабага эга бўлган бой мадрасаларда вақф мулки даромади ҳисобидан рус тилини ўқитишни жорий этиш лозим»[2] деб ҳисоблайди.

Бухоронинг Говкушон маҳалласида татар муаллими Холид Бурнашев уйида очилган янги усул мактаби мутаассиб руҳонийлар талаби билан Қушбеги Остонақулбий томонидан ёпилган[3]. Шундан сўнг тижорат ишлари билан Москва, Нижний Новгород ва Туркистоннинг бошқа кўплаб шаҳарларига борадиган бухоролик савдогарлар татар муаллимларини уйларига таклиф этиб, ўқитиш ишларини ташкил этганлар. Болаларни янги усул-

[1] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 35019-иш, 87-варақ.
[2] Ўша жойда, 87-варақ орқаси.
[3] ЎзР МДА И.2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 21-варақ орқаси.

да ўқитишга эҳтиёж шу даражада ортганки, ҳатто таътил пайтларида Бухорога ташриф буюрган мадраса талабалари яширин тарзда рус тили ва ҳисоб асосларини ўқитишга ёлланган[1].

Татарлар ва уларга ҳамфикр бухороликлар Боқчасаройга - И.Гаспринскийга Бухорода янги усул мактабларига нисбатан бўлаётган тазйиқлар тўғрисида маълумот юборганлар. Шундан сўнг, «Таржимон» газетасида бухоролик диндорларни қораловчи мақолалар босилган. Бу мақолалар таъсирида «Хўжа Насриддин» журналида ҳам ҳажвий расмлар пайдо бўлган. Бундан норози Қушбеги Остонақулбий Бухородаги сиёсий агентликка «Хўжа Насриддин» журналининг икки сонини тақдим этиб, уни чоп этишни тақиқлашни сўраган. Бироқ сиёсий агент бундай ҳажвий расмлар қонунчиликка зид эмаслигини билдириб, унинг талабини рад этган[2].

Бухорода яшовчи татарлар эндиликда янги усулдаги мактабни мустаҳкамроқ асосга қуриш зарурлиги ҳақидаги хулосага келганлар. Орадан кўп ўтмай улар Говкушонда яна бир янги усул мактабини очиб, бу ерга рус тилини яхши биладиган янги ўқитувчи - Исмоил Галиевни таклиф қилганлар. У янги усул мактабида ўғил болаларни, хотини эса қизларни ўқита бошлаган. Мактабнинг очилганлигидан хабардор бўлган бухоролик руҳонийлар бу сафар мадраса талабалари ва мударрисларини ҳам янги усул мактабига қарши курашга тортганлар. Бухоро ҳукуматига янги усул мактабини зудлик билан ёпиш илтимоси билан мурожаат қилганлар. Мазкур масала билан шуғулланган Мирзо Насруллабий Қушбеги ва Низомиддинхўжа Парвоначи вазиятнинг кескинлашувидан хавфсираб, бухоролик болаларнинг янги усул мактабида ўқишларига тўсқинлик қилиш, яъни мазкур мактабга боришларини тақиқлаш тўғрида қарор қабул қилганлар[3].

Бу қарор рус фуқаролигидаги татарлар учун жиддий хавф туғдирмасада, аммо улар амирлик ҳудудида яшаганликлари учун унинг қонун-қоида-

---

[1] ЎзР МДА И.2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 8-варақ орқаси.
[2] Ўша жойда, 35-37 варақлар.
[3] Ўша жойда, 22-варақ.

ларини ҳурмат қилишлари лозим эди. Туркистон генерал-губернаторининг иззат нафсига тегишидан чўчиган эҳтиёткор Мирзо Насруллабий Қушбеги Бухородаги сиёсий агентликка янги усул мактабини шаҳарнинг чеккасига кўчириш таклифи билан мурожаат қилган. У мактаб кўчирилишини мутаасиб руҳонийларнинг тажовуз қилмаслиги билан изоҳлаган. Татарлар ҳам янги усул мактабининг кўчирилишига розилик билдирганларидан сўнг, Бухоро вокзали яқинидан бино ажратилган. Бироқ 1910 йил 18 декабрда Бухоро амири Абдулаҳадхон Туркистон генерал-губернатори А.Б.Самсоновга янги усул мактабини тўлиқ ёпиш ва уни очишни тақиқлашга рухсат сўраб хат юборган[1]. Хатни Россия императори Николай II нинг тож кийиш маросимини қутлаш учун келган амирнинг ўғли, валиаҳд Саид Олимхон олиб келган ва бухороликлар татарлар томонидан ташкил этилган янги усул мактабига қарши эканликлари, мактабнинг ёпилиши ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эканлигини билдирган[2].

Туркистон генерал-губернатори А.Б.Самсонов 1910 йил 10 декабрда Ички ишлар вазири С.Д.Сазоновга 843-сонли хат билан мурожаат қилиб, уни Бухородаги вазиятдан воқиф этган. У Россия фуқаролигидаги татарларнинг Бухородаги фаолияти рус давлатчилиги учун жиддий хавф эканлигини фактлар асосида кўрсатиб берган. Шу билан бирга, татарлар фаолияти Туркистон ўлкаси бўйлаб кенг қулоч ёйганлигини ҳам алоҳида таъкидлаган. Бухоролик савдогарларнинг татар жадид мактабида рус тилини ўрганишлари қулайлиги ҳақидаги важларини эса, бу кўрсаткичларга Бухорода ягона бўлган рус-тузем мактабида ҳам эришиш мумкинлиги, агар лозим бўлса, яна битта шундай мактаб очиш зарурлигини билдирган[3].

Шу йили ушбу масалани кўриб чиққан Россия Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги махсус кенгаш Туркистон ўлкасида *мактаблар очиш фақатгина маҳаллий миллат вакиллари ёхуд ерли халқлар тилини яхши билувчи*

[1] ЎзР МДА И.2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 22-варақ орқаси.
[2] Ўша жойда, 29[A]-варақ.
[3] Ўша жойда, 29[A]-варақ орқаси, 30-варақ ва унинг орқаси.

русларгагина мумкинлиги (курсив бизники – диссертант) ҳақида қарор қабул қилган. Бухородаги сиёсий агентликка янги усул мактаб очиш истаги билан мурожаат қилган татарларнинг илтимоси рад этилган. Янги усул мактаби ўқитувчиси И.Галиев эса Бухорони тарк этишга мажбур этилган[1].

Бухородаги сиёсий агент татар жадид мактаблари ҳақида фикр билдирар экан, «ўта ақидапараст ва онгли бўлган татар муаллимлари бухоролик ўқувчиларига ёмон таъсир кўрсатгани», татарлар фаолиятини ўта хавфли эканлигини яширмаган. Шу билан биргаликда «Туркистон ўлкасида ўқитишни туркистонликларнинг ўзига топшириш татарлар тарқатган «зарарли ғоялар» (маърифатпарварлик ғоялари-диссертант)нинг олдини олиши мумкин»лиги ҳақидаги ўз мулоҳазаларини билдирган[2].

Бухорода янги усул мактаблари ёпилгач, татарлар эндиликда ўз болалари учун мактаб очишга расмий рухсатнома олиш ҳаракатига тушганлар. Бироқ бунга муваффақ бўлолмаганларидан сўнг, ўз болаларидан 4-5 кишилик гуруҳлар тузиб, муаллимларни уйларига таклиф қила бошлаганлар.

Бухорода янги усул мактабларини ташкил этишда жонбозлик кўрсатган қозонлик татар Собитов фаолияти алоҳида эътиборга молик. У Бухорода яшовчи татарларни атрофига бирлаштириб, ўз маблағи ҳисобидан янги усул мактаби очган[3].

Бухорода яшовчи татар муаллими Мулла Қамариддин Нўғаев маҳаллий мактабда ўқитувчи бўлиб, бу ерда у 32 йилдан бери истиқомат қиларди[4]. 1914 йилда июлда ушбу муаллим Бухородаги сиёсий агентликдан янги усулда мактаб очишга рухсат сўраган. Бироқ унинг бу ҳаракатлари самарасиз якунланган[5].

XX аср бошларида Хива хонлигида ҳам татарлар томонидан очилган янги усул мактабларининг пайдо бўлиши, мустамлакачи маъмурларни

---

[1] ЎзР МДА И.2-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 23-варақ.
[2] Ўша жойда, 25-варақ орқаси.
[3] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 78, 79-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 1168-иш, 180-варақ.
[5] Ўша жойда, 1470-иш, 100-варақ.

ғоятда ташвишга солган. Амударё бўлими бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига ёзган мактубида, хонликда татарлар пантуркистик таълим йўналишидаги янги усул мактабларини оча бошлаганликлари, маориф ишларини татарлар ихтиёрига бериб қўйилиши империя учун хатарли эканлиги билдирилган. Бунинг олдини олишнинг ягона чораси хондан рус ўқитувчилари дарс берадиган мактаблар очишни талаб қилиш ва шу йўл орқали ўсиб келаётган миллий ҳаракатга зарба бериш мумкинлиги таъкидланган[1].

1910 йил 17 ноябрда Сирдарё вилояти 1-туман ўқув муассасалари нозири Туркистон ўқув муассасалари бош нозирига ёзган махфий хатида, *Туркистон ўлкаси аҳолисини руслаштириш жуда суст бораётганлигини* (курсив бизники – диссертант) таъкидлаб, унинг бош омили сифатида ўлкада мадрасаларининг самарали ишлаётганлигини кўрсатган. У ўз хатида мусулмон мадрасаларида рус тили ўқитишни жорий этиш вақти келганлиги, бунинг учун вақф даромадларидан йилига 600 рубль ажратиш имкони борлигини қайд этган[2].

Перовск уездида яшовчи қозонлик татарлар нуфузли тарғиботчилар бўлиб, бу ерда уларга тегишли бир неча эркаклар ва аёллар мактаблари бор эди. Сирдарё вилояти 1-туман ўқув муассасалари нозири томонидан мазкур мактаблар текширилганида, асосан Қозонда нашр этилган дарсликлардан фойдаланилаётганлиги аниқланган[3]. Мазкур нашрларни тарқатиш билан қозонлик татарлар шуғулланишар, уларни нафақат Сирдарё вилояти шаҳарларида, балки даштдаги овулларда ҳам учратиш мумкин эди. Нозирнинг гувоҳлик беришича, қозоқ даштларида қанча янги усул мактаби очилган бўлса, уларнинг барчаси татарларга тегишли эди. Шу билан бирга, Перовск шаҳридаги барча мадрасаларнинг раҳбарлари ва уларга китоб етказиб берувчилар ҳам татарлар эди[4]. Нозир Туркистонни Россия билан

[1] Қаюмов М.У. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошида Хива хонлигидаги... – Б. 78.
[2] ЎзР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 782-иш, 65-варақ.
[3] Ўша жойда, 65-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 66-варақ.

«руҳан яқинлаштириш» (яъни руслаштириш – диссертант) учун барча мадрасаларда рус тилини ўқитишни жорий этиш, вақф тушумларининг бир қисмини рус тилини ўқитиш учун сарфлаш, фақат рус тилини биладиган кишилардан бош мударрислар тайинлаш, мадрасаларга фақатгина рус-тузем мактабларини тамомлаган ёки рус тилида яхши сўзлаша оладиган талабаларни қабул қилиш, Туркистон мадрасаларига тааллуқли қоидаларни қайта кўриб чиқиш каби чораларни кўриш таклифини билдирган. У шовинистик қарашларини эски усулдаги мусулмон мактабларига ҳам қаратган. Эски мактабларга йилига 700 рубль таъминот пули билан рус-тузем мактабига айлантириш, кейинчалик бундай мактаблар очишни тақиқлаш лозим, деб ҳисоблаган[1].

1912 йил 25 январда Туркистон ўқув муассасалари бошқармасининг 844-сонли қарорига кўра, ўлкадаги янги усул мусулмон мактаблари учун умумий бўлган мазкур қоидаларни ижро учун юборган эди:

1. Янги усулда бошланғич билим берувчи мактабларнинг очилиши фақат халқ ўқув муассасалари инспекциясининг рухсати билан очилади.

2. Янги усул мактабларида ўқитувчилар шу мактаб ўқувчилари билан бир миллатга мансуб бўлиши шарт[2].

Бироқ бу қарор эълон қилингандан кейин ҳам Сирдарё вилояти Перовск уезди Жулек қишлоғида Уфа шаҳридаги «Галия» мадрасаси мударрислари ва ёш татар муаллимларининг ёз ойларида маҳаллий аҳоли болаларини ўқитиш ишларини ташкил этганликлари муваққат генерал-губернатор Мартсонни ташвишга солди. У 1914 йил мартда Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига махсус хат йўллаб, татар муаллимларининг маҳаллий аҳолини ўқитишлари, ҳукумат томонидан тақиқланган адабиётларни тарқатишлари ҳамда империя манфаатларига зид тарғибот ишларини олиб боришларига чек қўйиш бўйича чоралар кўришни буюрди. Шу мазмундаги

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 782-иш, 66-варақ орқаси.
[2] Ўша жойда, И.47-фонд, 1-рўйхат, 1149-иш, 27-варақ ва унинг орқаси.

хатлар Фарғона, Еттисув ва Каспийорти вилоятлари ҳарбий губернаторларига ҳам юборилди[1].

Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновнинг 1912 йил 25 январдаги 844-сонли буйруғига асосланиб, Еттисув вилояти ҳарбий губернатори ўз тасарруфидаги уезд бошлиқларига жойлардаги ўқув юртлари муассасалари нозирлари рухсатисиз очилган мактабларни ёпиш ҳақида кўрсатма берди. Бу кўрсатма маҳаллий аҳолига полиция орқали маълум қилингач, Тўқмоқ ва Пишпекдаги янги усул мактаби ўқитувчилари Еттисув вилояти ўқув муассасалари нозири Тимофеевга ўз фаолиятини қонуний деб тан олинишини сўраб ариза берганлар. Тимофеев шахсан бу мактаблар фаолиятини таҳлил этиб, яхши таассуротга эга бўлган. Чунки мактаблар яхши биноларга жойлашган бўлиб, ўқитувчилар ўз ишларига содиқ, рус тилида равон сўзлашар эди. Ўқувчиларнинг билими ва ўқув жараёнини ташкил этиш ҳам нозирни қониқтирган. У рус ва араб тилларидан ўтказилган имтиҳонларда бевосита иштирок этиш жараёнида ўқувчиларнинг рус тилида эркин гапира олишларини кўргач, жойлардаги мактабларда рус тилини поймол қилиш ҳоллари кузатилмаганлигига ишонч ҳосил қилган[2].

Тимофеев янги усул мактаблари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазалари баён этилган мактубни 1912 йил 5 июнда Туркистон ўқув муассасалари бош нозирига юборган. Унда ўзи текширган мактабларда ҳеч қандай диний ақидапарастлик ҳолларини кузатмаганлигини билдирган. Туркистон генерал-губернаторининг 844-сонли буйруғида янги усул мактабларини қонунийлаштириш маҳаллий ўқув муассасалари инспекцияларига топширилар экан, мактабларни эмас, балки муаллим ва мударрисларни талабга жавоб бериши ҳақида қайғуриш лозимлигини қайд этган. Чунки *Еттисув вилоятида саводли муаллимлар фақатгина татарлар орасида мавжуд бўлиб* (курсив бизники – диссертант), қозоқлар, таранчилар, дунганлар ва ўзбек-

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 27-рўйхат, 148-иш, 1-варақ ва унинг орқаси.
[2] Ўша жойда, И.47-фонд, 1-рўйхат, 1149-иш, 37-варақ.

лардан бундай кишиларни топиш мушкул эди. Агар мактабларда муаллимлар ва ўқувчилар бир миллатга мансуб бўлиши керак деган буйруққа амал қилинса, Пишпекдаги барча мусулмон мактабларини ёпишга тўғри келарди. Пишпекдаги татар масжиди қошида очилган янги усул мактабида 120 ўқувчининг атиги 30 нафарини татар болалари ташкил этарди. Тимофеев Туркистон генерал-губернатори буйруғига кўра, Тўқмоқ ва Пишпекда мактаблар ёпилган тақдирда мусулмон таълими ёмон аҳволга тушиб қолиш билан бирга аҳолининг жиддий норозилига сабаб бўлиши мумкинлигидан ҳам огоҳлантирган[1].

1912 йил 25 октябрда Еттисув вилояти Верний шаҳри ўқув муассасалари нозири шаҳарда тафтиш ўтказган. У 1870 йилда Россия императори Александр II имзолаган «Империядаги бошқа дин вакилларининг таълим олишлари ҳақида»ги Қонун ва 1912 йил 25 январда Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновнинг 844-сонли буйруғига асосланиб шаҳарда жойлашган қуйидаги мактаблар фаолиятини ноқонуний дея баҳолаб, ёпишга қарор қилган:

1. Татар маҳалласидаги масжид қошида очилган 18 нафар ўқувчиси бўлган янги усул мактаби. Ўқитувчи татар Аҳмад Шарифович Собиров, 25 ёшда, Вятка губерниясидан, рус тилини яхши билмайди.

2. Татарларнинг Тошли масжиди қошидаги 120 нафар ўқувчиси бўлган янги усул мактаби. Мактаб Габдувалиевнинг беваси уйида жойлашган. Катта ўқитувчи Шокир Юсупов, 25 ёшда, Уфа губерниясидан, ёрдамчи ўқитувчи Галий Гилязетдинов 30 ёшда, Қозон губерниясидан.

3. Татарларнинг Тошли масжиди қошидаги 115 нафар ўқувчиси бўлган янги усулдаги аёллар мактаби. 6 та синфдан иборат. Катта муаллима Афифа Девликамова, 25 ёшда, Қозон губерниясидан. Иккинчи ўқитувчи Мариям Ёқубова, Уфадаги мадрасани тамомлаган. Учинчи ўқитувчи Ашраф Бекчурова, 40 ёшда, Верний шаҳридан.

[1] ЎзР МДА И.47-фонд, 1-рўйхат, 1149-иш, 37-варақ орқаси ва 38-варақ.

Мазкур мактаблар фаолияти текширилганда ўқитиш пуллик бўлиб, бойларнинг ўғил-қизлари 8 рубль, ўртаҳол оила фарзандлари 4 рубль, камбағалларнинг болалари эса текинга ўқитилган. Мактабларда рус тили фан сифатида ўқитилмас эди[1].

Верний шаҳри ўқув муассасалари нозири мактаблар маъмуриятига Туркистон генерал-губернаторининг 1912 йил 25 январдаги 844-сонли буйруғида кўрсатилган мусулмон миллий мактабларида ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг бир миллатга мансуб бўлишлари, рус тилини мажбурий ўқитиш лозимлиги ҳақидаги бандларини алоҳида таъкидлаб, агарда юқоридаги бандлар бир ҳафта муддатда бажарилмаса, унда мактабларнинг ёпилишини билдирган. Табиийки, мактаблар бу шартларни белгиланган муддатларда бажара олмас эдилар. Шу тариқа юқоридаги мактабларнинг ёпилиши учун «ҳуқуқий» замин ҳозирланди. Шу усулда Копал шаҳридаги 3 та татар (2 та эрлар, 1 та аёллар) мактаби ҳам ёпилди[2]. Маҳаллий аҳоли нозирнинг кўрсатиб ўтган танқидига кўра, мактабга ўқувчилар билан миллати ва дини бир бўлган татар ўқитувчилари – Ханиф Алимбеков ва Фотима Шарифовна Бекчуровани таклиф қилганлар. Нозирнинг талаблари қондирилгач, 1912 йил 31 октябрда Верний шаҳри татар масжиди мусулмонлари маъмуриятдан янги усул мактаби фаолиятини давом эттиришга рухсат сўраб ариза ёзганлар. Аризада келтирилишича, мазкур ўқитувчилар мактабда рус тилидан ҳам дарс беришлари кўрсатиб ўтилган эди[3].

Шундай бўлишига қарамай, Верний шаҳри ўқув муассасалари нозири уларнинг илтимосини қондирмайди. Боз устига Туркистон ўлкаси ўқув муассасалари бош нозирига хат йўллаб, агар Верний шаҳридаги татар аҳолиси мактаб очиш масаласида мурожаат қилса, уни рад этишни сўрайди. У ўз нуқтаи назарини юқорида номлари зикр этилган ўқитувчилар «ишончли»

[1] ЎзР МДА И.47-фонд, 1-рўйхат, 1149-иш, 69-варақ ва унинг орқаси.
[2] Ўша жойда, 70-варақ ва унинг орқаси.
[3] Ўша жойда, 74-варақ.

кишилар эмаслиги, аслида мактабга рус тилини ўқитиш учун рус ўқитувчиларини таклиф этиш империя учун фойдали эканлиги билан изоҳлаган[1].

1913 йил 9 январда ТРМБ бошлиғи Сизих Тошкент, Туркистон, Перовск, Аральск уездлари жандармерия полиция бошқармаси бошлиқларига юборган махфий хатида Сирдарё вилоятига ёз ойларида Уфа, Қозон ва Оренбургдан келиб, маҳаллий аҳоли болаларини ҳукумат рухсатисиз ўқитаётган татар муаллимлари фаолиятини жиддий назоратга олиш ҳақида кўрсатма берган[2].

Россия Ички ишлар вазирлиги Диний ишлар департаменти томонидан 1913 йил 7 февралда Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасига йўлланган хатда татар муаллимларининг ёз ойларида қозоқ даштларига келиб, янги усулда мактаб ташкил этаётганликлари, қозоқлар орасида «Уйғон қозоқ», «Тур қозоқ» ва «Чивин» каби рус давлатчилигига қарши кайфиятдаги китобларни тарқатаётганликлари, бу тарғибот ўз самарасини бериб, ҳозирда қозоқлар орасида русларга нисбатан норозилик кайфияти юзага келганлигини хусусида ташвишли хабар берган ҳамда мазкур масала бўйича аниқ маълумотни юбориш сўраган[3].

Мазкур муаммо билан шуғулланиш шахсан ТРМБ бошлиғи Сизих зиммасига юклатилган. У қозоқ даштларидаги татар муаллимлари фаолиятини ўрганиб, 1913 йил 4 августда Туркистон генерал-губернатори А.Б. Самсоновга 5809-сонли махфий маълумотномани тақдим этган. Маълумотномада келтирилишича, Туркистон ўлкасида татар муаллимларининг фаолияти тақиқланганига қарамай, улар жойларда эркин фаолият олиб бораётганликлари, айниқса, Казалинск ва Перовск уездларида татар муаллимлари ташриф буюрмаган овулнинг ўзи қолмаганлиги қайд этилган[4].

---

[1] ЎзР МДА И.47-фонд, 1-рўйхат, 1149-иш, 73-варақ.
[2] Ўша жойда, И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406[А]-иш, 2-варақ.
[3] Ўша жойда, И.1-фонд, 27-рўйхат, 148-иш, 20, 21-варақлар.
[4] Ўша жойда, 28-варақ.

Туркистонда ғайрирус мактабларига нисбатан олиб борилаётган бу сиёсатни “Таржумон” газетасининг 1913 йил 25 январь сонида Н.В. номли муаллиф томонидан қаттиқ танқид остига олинган эди[1].

Қозоқ даштларига келиб фаолият юритаётган муаллимлар асосан, «Галия», «Усмония», «Ҳусайния» ва «Муҳаммадия» мадрасаларининг муддаррислари ҳамда юқори босқич талабалари эди. Булар орасида «Галия» мадрасаси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда ижтимоий фанлар катта ҳажмда ўқитилган. Шу боисдан ҳам қозоқлар орасида «Галия» мадрасасида таҳсил олган шахсларнинг нуфузи жуда юқори эди[2]. «Галия» мадрасаси обрўсининг ортиб бориши Туркистон ўлкаси (кўпроқ Еттисув ва Сирдарё вилоятларининг шимолий ҳудуди уездлари - диссертант) аҳолиси ўртасида мазкур билим даргоҳида ўқиш иштиёқини оширган[3].

Оренбург ва Қозон губерниялари жандармерия бошлиқлари ҳам мазкур губерниялар ҳудудидаги мадрасалар талабаларининг ёз ойларида қозоқ даштларига тарқалиб, маҳаллий аҳолини янги усулда ўқитаётганликларини тасдиқлаб, уни бартараф этиш учун ТРМБни ҳамкорликка чақирганлар[4].

Қозоқ даштларида тарқатилаётган адабиётлар асосан, ака-ука Каримовлар ва Ҳусаиновлар нашриётига тегишли эди. Уларда 70 дан зиёд китоб чоп этилган бўлиб, кўпчилиги рус давлатчилигига қарши руҳда ёзилган эди. Масалан, Мирёқуб Давлатов томонидан ёзилган «Уйғон қозоқ» номли китоб Қозон нашр ишлари вақтли қўмитаси томонидан зарарли деб топилган ва унинг муаллифи 1 йилга озодликдан маҳрум этилган[5].

«Шаҳрисабзлик» номли жосуснинг 1913 йил 9 февралдаги маълумотларига кўра, Туркистон ўлкасида татар муаллимлари фаолияти тақиқлангач, энди уларнинг қозоқ даштларига келиб маҳаллий аҳоли болаларини ўқитишлари авж олган. Сирдарё вилоятининг Перовск ва Казалинск

---

[1] Ғайрирус мактаблари ҳақинда // Таржумон, 1913. 25 январь.
[2] ЎзР МДА И.1-фонд, 27-рўйхат, 148-иш, 30-варақ.
[3] Ўша жойда, 30-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 31-варақ.
[5] Ўша жойда, 31-варақ орқаси.

уездларида татар муаллимлари фаолияти эркин асосда қурилган бўлиб, татар муаллимлари деярли барча овулларда қозоқ болаларини ўқитиш билан шуғулланганлар. Татар муаллимлари ютуғи ўқитишни янги усулда ташкил этганларида эди. Перовск ва Казалинск уездида яшовчи қозоқларда ислом динига бўлган эътиқод кучли бўлиб, улар ўз фарзандларини рус-тузем мактабларига беришдан чўчир эдилар. Чунки бу мактабда таҳсил олиб христиан динидан хабардор бўлган болалар охир-оқибатда унга эътиқод қилишлари мумкин деб ўйлардилар. Кейинчалик шубҳа билан қараш татар муаллимларига нисбатан ҳам бошланди. Чунки татар жадидлари овулларга европача кийимда келар эдилар. Дастлаб болаларини татар мактабларида ўқитган қозоқлар, саводлари чиққач, уларни яна эски усул мактабида ўқитиб «поклаб» олардилар[1].

Татар муаллимларининг қозоқ даштларига келиб сабоқ беришлари мавсумий бўлганлиги юқорида таъкидлаб ўтилган эди. Муаллимларнинг илғор қисмлари ҳар йили уездлар марказига бир вақтда, 5 март куни, кечикканлари эса, 20 мартга қадар тўпланиб, мана шу муддатда қозоқларнинг Сарисув дарёси бўйлари, Қоратоғ этаклари ва Оқмола вилояти ҳудудидаги ёзги яйловларидаги овулларига тақсимланганлар. Бадавлат қозоқлар муаллимларни якка ҳолда фарзандларини ўқитиш учун ўз хонадонларига ҳам таклиф этганлар. Бундай тарзда ўқитиш учун ҳақ 6 ойга 90-150 рублни ташкил этар эди. Камбағал қозоқ оилаларининг болалари эса бир мавсум учун 25-30 рубль (ҳар ой учун 1,5-5 рубль – диссертант) ҳақ тўлаганлар. Дарс ўтиш учун махсус мактаблар бўлмай, бу ерларда таълим бериш жараёни таклиф этилган хонадонларда олиб борилган.

Еттисув вилоятига бўйсунувчи уездлар марказларида энг обрў-эътиборга эга эшонлар татар муаллимларини таклиф этиш ва ишга тақсимлаш ишлари билан шуғулланганлар. Казалинск уездида бу ишга машҳур эшон Хўжамберди охун бошчилик қилган. Эшон Хўжамберди охуннинг Каза-

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 31-варақ орқаси.

линск шаҳри ва овулларда кўплаб масжидлари бор эди. Мазкур эшон ўз тавсияси билан Казалинск шаҳридан бўлган муаллим Абдулқаюмни Қизил ва Учкўприк овулларига жойланишиши ва «Галия» мадрасасини тамомлаган Содиқ исмли муаллимни эса Учкўприк овулидан Нурулла Қипчоқбоевга 150 рублга ёлланиши учун ёрдам берган[1].

Перовск уездида эса муаллимларни тақсимлаш иши билан мўъжизакор авлиё сифатида машҳур бўлган Аҳмад эшон Ўразаев шуғулланган. Аҳмад эшон Ўразаевнинг тавсияси билан Садриддин исмли татар муаллими Тошкент темир йўлининг Берказан бекатида яшовчи қозоқ Усмонбек Ҳожинов томонидан 120 рубль ҳақ эвазига ёлланган. Ушбу темир йўлнинг Чияли бекатидан 4 верст узоқликда жойлашган Скобелево қишлоғига Хорис Фатхуллин муаллим сифатида Карман исмли қозоқ уйида унинг болаларига дарс беришга ёлланган. Скобелево қишлоғидан 15 верст узоқликда, Сирдарё ортидаги Малай Қутум қишлоғига Исмоил Қобилов жойлашиб, у 20 нафар ўқувчини уйларида навбатма-навбат ўқитишни ташкил этган[2].

Скобелево қишлоғи яқинидаги 3-овулда Хорис Фатхуллиннинг тавсиясига кўра, татар муаллими Абдусобир Дистанов истиқомат қилган. У бадавлат қозоқ Ўтаганбой Ўташев томонидан таклиф қилинган эди. А.Дистанов Ўтаганбойнинг уйида 4 нафар ўқувчини 6 ойга 90 рубль, 10 нафар болани эса ойига 1 рублдан ҳақ эвазига ўқитган[3].

Тошкент темир йўлининг Солотепа станцияси яқинида Зокир Рашитов истиқомат қилиб, ўзи яшаш жойидан 3 верст узоқликдаги қишлоқда 20 га яқин болани 25 рубль ҳақ эвазига, унинг хотини Мунаввара эса қозоқ Қобил Эркабоев томонидан 4 нафар қизни худди шундай ҳақ эвазига ўқитиш учун ёлланганлар[4].

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 32-варақ орқаси.
[2] Ўша жойда, 33-варақ орқаси.
[3] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 34-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда.

«Шаҳрисабзлик» номли жосуснинг эътирофича, бу ҳудудда татар муаллимлари жуда кўп бўлиб, юқорида исм-шарифи келтирилганлар эса уларнинг арзимас бир қисми эди холос. Маҳаллий маъмурият томонидан татар муаллимлари фаолиятини текшириш «хавфи» туғилган чоғларда маъмуриятдаги ишончли кишилар уларни дарҳол огоҳлантирардилар. Ана шундай кишилардан бири Казалинск уезди бошлиғи таржимони эди. Айнан шундай ҳолат Перовск уездида ҳам кузатилганди[1].

ТРМБ бошлиғи Сизих 1913 йил 11 февралда Тошкент темир йўлининг Перовск, Туркистон полиция жандармерия бошқармаси бошлиқларига махфий хат йўллаб, Сирдарё ва Еттисув вилоятларида фаолият кўрсатаётган татар муаллимлари-Аҳмад эшон Ўразаев, Садриддин, Хорис Фатхуллин, Абдусобир Дистанов, Зокир Рашитов, унинг хотини Мунаввара ҳақида батафсил маълумот беришни сўраган[2].

1913 йил 18 апрелда Тошкент темир йўли Туркистон полиция жандармерия бошқармаси бошлиғи ТРМБга йўллаган жавоб мактубида Ҳабибраҳмон Габидуллиннинг Скобелево қишлоғида кичик савдо дўконига эгалиги, аҳоли талабига мувофиқ татар муаллимларини тақсимлаш ишларини ташкил этиши, Зокир Рашитов эса асосан Перовскда яшаши, овулдан-овулга кўчиб маҳаллий аҳоли болаларини ўқитиши ҳақида маълумот берилган[3].

Сизихнинг сўровига асосан, Қозон губерния жандармерия бошқармаси бошлиғи 1913 йил 14 февралда Хорис Фатхуллин ҳақида маълумот юборган. Унда қайд этилишича, Х.Фатхуллин 1908-1909 йиллари Қозонда маърифатпарварлик руҳида нашр этилган «Ахбор» газетаси собиқ муҳаррири, бир неча китоблар, шу жумладан татар тили грамматикаси дарслигининг ҳам муаллифи эди[4].

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 35-варақ орқаси.; 1406[A]-иш, 20-23 варақлар.
[2] Ўша жойда, И.461-фонд, 1-рўйхат, 1406[A]-иш, 30-варақ ва унинг орқаси.
[3] Ўша жойда, 134,135-варақлар ва унинг орқаси.
[4] Ўша жойда, 50-варақ ва унинг орқаси.

Татар муаллимлари томонидан мустамлака маъмурларининг қонун-қоидаларида баён этилган кўрсатмалар асосида мактаб очиш ҳоллари ҳам бўлган. Шундай мактаблардан бири 1913 йил январда Туркистон шаҳрида Шаҳоб ғози томонидан очилган эди[1].

Туркистондаги мустамлака маъмурлари ўлка маорифида татар муаллимларини жиддий мухолифлар сифатида кўрдилар. Шу боисдан ҳам уларга қарши барча усул ва воситаларни қўллаб, қатъий чоралар қўлладилар. Натижада Туркистон ўлкасида татар муаллимлари томонидан янги усулда мактаб очиш ва маҳаллий аҳоли болаларини ўқитишга маълум даражадагина чек қўйишга эришилди. Айни пайтда Қозон, Уфа, Оренбург шаҳарларида чоп этилган дарслик ва адабиётларни ҳам давлатга қарши руҳдаги нашрлар қаторида эркин савдога чиқариш тақиқланди. Лекин кўрилган чора-тадбирларга қарамай татар-бошқирд маърифатпарварлари фаолиятини бутунлай чеклаб қўйишнинг имкони бўлмади. Улар Туркистон ўлкасининг шаҳар, уезд, қишлоқ ва овулларида яширин тарзда ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Мавжуд манбалар кўп ҳолларда моддий жиҳатдан бақувват кишилар томонидан татар муаллимларини уйларига таклиф этиб, ўз фарзандларини ўқитиш учун ёллай бошлаганликларини кўрсатади.

[1] Миллий маишат, Туркистон // Таржумон, 1913. 6 январь.

III боб. ТУРКИСТОНДА ТАТАР-БОШҚИРД ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КУРАШДАГИ ИШТИРОКИ

3.1 Мустамлака тузумга қарши курашда татар-бошқирд зиёли ларининг сиёсий фаолияти

XX асрнинг бошларига келиб, Россия империясининг бошқа ҳудудларидаги бўлгани каби Туркистон ўлкасида ҳам инқилобий ҳаракатлар авж олди. Инқилобий ҳаракатлар вакиллари террор йўли билан Туркистондаги кўплаб мустамлакачи маъмурларга суиқасдлар уюштирдилар. Мана шу жараёнлар Туркистон ўлкасида полиция қидирувини уюштириш учун "Махсус бўлим" ташкил этишни тақозо этди. Шу сабабдан ҳам шундай бўлим 1907 йил августда ташкил этилди. Бўлимга 10 нафар «филёр» - сиртдан кузатиш агентлари ва кузатув бошлиғи юборилди. Маҳаллий полиция ва темир йўл жандарм бўлимлари бошлиқлари "Махсус бўлим"га ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат билан боғлиқ барча маълумотларни етказишлари шарт эди. 1907 йил октябрда "Махсус бўлим" ўрнига Туркистон район мухофаза бўлими (ТРМБ) ташкил этилди. ТРМБ таркиби топшириқ берувчи зобит, суриштирув ишларини олиб борувчи зобит, котиб, сиртдан кузатувчи филёрлар бошқарувчиси ва 10 нафар филёрдан иборат эди[1].

Айғоқчилар ТРМБда берилган лақаблар остида ҳаракат қилганликлари сабабли, уларни фош этиш жуда қийин эди. Айғоқчилар гўёки рус аҳолисига қарши йўналишдаги панисломистик ёки пантуркистик ҳаракат ҳақидаги миш-мишларни атайлаб тарқатар, бу ҳокимиятнинг туб аҳолига қарши қатағон уюштириши учун қулай баҳона бўлиб хизмат қиларди.

Жосуслар Туркистон ўлкасида инқилобий, маърифатпарварлик, исломий ва бошқа ҳаракатлар намоёндалари фаолиятларини жиддий назорат остига олиб, маъмуриятга янгидан янги маълумотларни етказиб турганлар.

[1] Абдурахимова Н, Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. –Т.: Академия. 2002. – Б. 132.

1905 йилдаги биринчи рус инқилобидан сўнг Туркистон жадидларида ҳам либерал – ислоҳотчилик ҳаракати жонланди. Бу ҳаракатда туркистонлик жадидлар билан бир қаторда И.Обидов, П.Солиев каби татар маърифатпарварлари ҳам фаол иштирок этдилар[1].

1908 йил 7 августда бўлиб ўтган Туркистон ўлкасида ички ва ташқи разведка комиссиясининг йиғилишида генерал-губернатор ёрдамчиси, ўлка ҳарбий округи қўмондони генерал-лейтенант Кондратович, генерал-лейтенант Рихтер, генерал-майор Федяй, генерал-губернаторлик девонхонаси бошқарувчиси полковник Мустафин, Туркистон ўқитувчилар семинарияси директори Остроумов, полковник Ягелло ва бошқалар қатнашганлар. Йиғилишда Туркистон ўлкаси халқлари ўртасида диний фанатизмнинг ривожланишида ҳожилар, далилийлар, мударрислар, маддоҳлар билан бир қаторда татарларнинг ҳам алоҳида ўрин тутиши таъкидланган. Татарлар финно-угор тил оиласига кирувчи халқлар – чуваш, черемис, вотяк ва бошқа Туркистон халқлари ҳаётига ҳам китоблар сотиш, газеталар нашр этиш, жамиятлар тузиш, кутубхоналар ташкил қилиш, мактаблар очиш ва масжидлар қуриш сингари воситалар орқали кириб бормоқда эдилар. Татарлар бу йўл орқали ўлкада руслар таъсирини камайтириб, турк-татар қарашларининг афзаллигини сингдиришга уринишарди[2].

1909 йил 30 июлда Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсонов Россия империяси Ички ишлар вазири П.А.Столипинга йўллаган 1243-сонли хатида Қозон, Уфа ва Оренбургдан маърифатпарвар татарлар Туркистон ўлкаси шимолий ҳудудларида савдо ишлари баҳонасида рус давлатига қарши ташвиқот ишларини олиб бораётганлари ҳақида маълумот берган эди[3].

---

[1] Алимова Д.А. Жадидчилик мустақиллик даври тарихчиси талқинида // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. – Т.: Эльдинур. 1998. – Б. 5.
[2] ЎзР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 15-варақ.
[3] Ўша жойда, 184,185-варақлар.

Россия империяси ҳукмронлиги остидаги турк-мусулмон дунёсида юзага келган ислоҳотчилик ҳаракатлари, бу ҳаракатда айниқса татарлар муҳим ўрин тутаётганликлари аниқ равшан бўлгач, уларга нисбатан империянинг барча ҳудудида тазйиқлар кучайтирилган. Россия Давлат Думаси мусулмон фракцияси аъзоси, татар сиёсатчиси Садри Мақсудий Думанинг учунчи чақириқ 1912 йил 13 мартдаги йиғилишда сўзлаган нутқида империя мусулмонлари манфаатларини ҳимоя қилган ва мустамлака тузуми асл қиёфасини очиб, « … мусулмон аҳли бутун рус аҳолисига ўтказилаётган тазйиқлардан ташқари яна кўплаб қатағон ва чекловларга дуч келмоқда. Одатда ҳукумат қанчалик реакцион бўлмасин, халқнинг муқаддас қадриятларига дахл қилмайди. Сўнгги пайтларда ҳукумат биз учун муқаддас бўлган қадриятларга тизимли равишда таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирда бизнинг мактабларимиз, она тилимиз, адабиётларимиз таъқиб остига олинган[1]. Бир йил давомида ҳукумат томонидан мусулмон муаллимлари уйида 150 дан ортиқ тинтув ўтказилган. Кўплаб мактаблар ва маданий-маърифий муассасалар фаолияти тўхтатилган. Қўқонда маҳаллий нозирнинг буйруғига асосан 20 га яқин мактаб ёпилган, муаллимлар ҳайдалган. Самара губернияси Бугулман уезди Арсай қишлоғидаги мактаб тақдири ҳам шундай бўлган. Уфа губернияси Мензелинск шаҳридаги «Саодат» китоб дўкони, Қозондаги «Ўрнак» номли ва Казаков мусулмон нашриётлари фаолияти тўхтатилган… Тошкентда Мунаввар Қорига масжид қошидаги мактабда рус синфи очишга рухсат берилмаган. Наманганда Ҳусайн Макаевга маҳаллий аҳоли болаларини ўқитиши тақиқлаб қўйилган[2]. Умуман йил давомида 70 та мактаб ёпилган, энг кўзга кўринган газета ва журналлар фаолияти тўхтатилган ёки жаримага тортилган. Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин. Биринчиси, рус ҳукумати бизнинг маданиятимизни тан олишни истамаган ҳолда т а р а қ қ и й п а р -

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 156-варақ.
[2] Ўша жойда, 156-варақ орқаси.

в а р ҳ а р а к а т и м и з (биз томондан ажратилган - диссертант) ва маданий ҳаётимизни барбод қилишга интилмоқда. Иккинчиси, ҳукумат мусулмонлар орасида давлатга қарши қандайдир ҳаракат бор деган хато хулосага келиб, бунга қарши курашишга тўғри келишидан хавотирга тушмоқда. Ҳукумат мусулмонларга қарши курашда ҳарбий ҳолатларда қўлланилиши мумкин чораларни кўрмоқда. Ҳукумат мусулмонларнинг ривожланишини истамайди, олдинга интилишини ҳохламайди. Мусулмонларга қарши кураш эса «панисломизм» сўзи билан оқланмоқда»,-деган эди[1].

С.Мақсудийнинг таъсирли нутқи империя корчалонлари ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлса-да, амалда мусулмон аҳолисига нисбатан сиёсат юмшатилмади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, татар зиёлилари Россия империясининг мустамлака тартиботига қарши гоҳ ошкора, гоҳ яширин тарзда курашга киришганлар.

Туркияга муҳожирликка кетган машҳур татар маърифатпарвари Абдурашид Ибрагимов 1907 йилда Пишпек шаҳрига келиб, масжидда халойиқ олдида рус ҳукуматига қарши маъруза қилган. У маърузасида подшо ҳукуматининг Туркистонда унумдор ерларни тортиб олиб, рус аҳолисига бераётганлиги, мусулмонларга эса ер берилишига қаршилик кўрсатилаётганлигини (Туркистон истилосига қадар бу ҳудудда яшамаган ва кейинчалик кўчиб келган мусулмонлар назарда тутилмоқда-диссертант) айтган. А.Ибрагимов Пишпекдан сўнг, Верний, Копал шаҳарларида ҳам бўлиб, аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказган[2]. Маълумотларга кўра, у шу йили Тошкент[3] ва Бухорода[4] ҳам бўлган.

«Чиройли» лақабли махфий хизматчининг 1913 йил 15 мартдаги маълумотига кўра, *маданият жиҳатидан анча илғор бўлган татарлар* (курсив

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 157-варақ; Қаранг: Мусульманские депутаты Государственной думы России 1906-1917 (Сборник документов и материалов). –Уфа: Китап, 1998. – С. 178-194.
[2] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 100-варақ орқаси.
[3] Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 21.
[4] Муин Ҳ. Танланган асарлар... – Б. 48.

бизники – диссертант) эндиликда ўз ўқитувчиларини нафақат қозоқ даштларига, балки Афғонистонга ҳам юборганлар. Балхаш кўли атрофида яшовчи қозоқлар чўчқа гўштини истеъмол қилардилар. Татарлар бу ерга ўқитувчиларни аҳолини ўқитиш ва ислом динини тарғиб этиш мақсадида юборганлар. Мусулмонларни мактаб таълими орқали бирлаштириш ғояси А.Ибрагимовга тегишли эди. Р.Фахретдинов ва И.Гаспринский унинг Россия империясидаги ишончли кишилари эди[1].

1913 йили Тўқмоқда Вали Тухтаров ва Гариф Сафиюлин раҳбарлигида мустамлака тузумига қарши кайфиятдаги сиёсий мақсадларни кўзлаган «Гап» ёки «Машраб» номли ёшлар гуруҳи фаолият кўрсатиб, унинг аъзолари 40 нафарни ташкил этган[2].

«Чиройли» лақабли махфий хизматчи маълумотларига кўра, Уфада ташкил этилган «Тараққиёти Исломия» ташкилоти аъзоси Ф.Сулаймонов 1913 йил 12 майда шаҳарда меҳмон бўлган. Ф.Сулаймонов Англияда таҳсил олган бўлиб, А.Ибрагимов билан яқин алоқада эди. У асли Истанбулда истиқомат қилиб, ўша жойда чиқаётган «Ислом дунёси» номли журналнинг асосчиларидан бири эди. Учрашув жараёнида Ф.Сулаймонов умуммусулмон қурултойини ўтказиш 1914 йилга қолдирилганлиги ва мазкур қурултойни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад Россия мусулмонларини хорижий мамлакатларда яшовчи мусулмонлар билан яқиндан таништириш эканлигини таъкидлаган[3].

1913 йил 11 июнда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори қабулида уезд бошлиқлари иштирокида янги усул мактаблари масаласи бўйича ўтказилган йиғилиш ҳужжатларининг нусхаси Биасалтин Ҳисамутдиновнинг илтимосига биноан татар ҳарф терувчиси томонидан яширин равишда олиниб, Боқчасаройга, «Таржимон» газетаси таҳририятига юборилган[4].

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 102, 103-варақлар орқаси.
[2] Ўша жойда, 136-варақ орқаси.
[3] Ўша жойда, 166-варақнинг орқаси.
[4] Ўша жойда, 178-варақ орқаси.

И.Гаспринский Қашқардаги мусулмонлар билан ҳам яқин алоқада бўлган. Бу ерда «Тараққиёти Исломия» маърифатпарварлик ташкилоти бўлимини очишни режалаштирган. Қашқар мусулмонлари бу ишни тўғри ташкиллаштириш мақсадида шахсан И.Гаспринскийнинг ўзини таклиф этганлар. «Тараққиёти Исломия» маърифатпарварлик ташкилотининг Москва, Петербург, Омск ва Тошкентда ҳам бўлимлари мавжуд бўлган. Тошкентдаги бўлим махфий тарзда фаолият юритган. Россиядаги «Тараққиёти Исломия»нинг марказий ташкилотида 10-12 киши (И.Гаспиринский, А.Ибрагимов, Ф.Сулаймонов, Р.Фахретдинов в.б.) фаолият кўрсатиб, айнан шулар жойлардаги бўлимларга бошчилик қилганлар. «Тараққиёти Исломия» ташкилоти заминидан кейинчалик Туркияда фаолият кўрсатган «Ёш турклар» ҳаракати келиб чиққан эди[1]. «Тараққиёти Исломия» ташкилоти дастурида дунё мусулмонларини бирлаштириш ғояси мавжуд эди. И.Гаспиринский ташкилот бўлимларини янада кўпайтиришни мақсад қилган бўлиб, унинг асосий мўлжали Хитой (Шарқий Туркистон) эди[2].

1914 йили Копал шаҳрида таниқли бўлган татарлар Абдулқодир Кусебаев ва Фотиҳ Содиқов камбағал талабалар учун пул маблағлари жамғарганлар. Улар «Ночор мусулмон талабаларга ёрдам» жамияти тузишни сўраб маъмуриятга ариза ҳам берганлар[3].

1909 йил 10 августда Тошкентда тузилган «Кўмак» жамияти дастлабки қадамларини мусулмонларнинг III съезди ғояларини тарғиб қилишдан бошлаган. Россиянинг ички губерняларида бундай тушунтириш ишлари олиб боришни татарлар ўз зиммаларига олганлар. Татарлар аллақачон бу ҳудудларда яшовчи бошқирд, қозоқ, нўғай ва бошқа этнослар орасида ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олган эдилар. Татарларнинг асосий мақсадлари янги усулдаги таълим тизими орқали Россия империяси ҳудудидаги бутун

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 179-варақнинг орқаси.
[2] Ўша жойда, 180-варақнинг орқаси.
[3] Ўша жойда, 1477-иш, 45-варақ.

турк-мусулмон аҳолисини ягона ғоя атрофида бирлаштириш, шу билан биргаликда сиёсий мусулмон жамиятига асос солиш эди[1].

«Польский» номли махфий хизматчи томонидан 1912 йил августда ТРМБга етказилган маълумотга кўра, мулла Нургалий Ҳасанов Бухородан қайтиш чоғида Тошкентда мулла Ахтамовнинг хонадонида меҳмон бўлган. Мулла Нургалий Ҳасанов 1906 йилда ўғли Ғиёс Ҳасанов билан Маккага ҳаж зиёратига кетаётиб, Истанбулда султон Абдулҳамид билан учрашган ва унинг эътиборини қозонган. Султоннинг таклифига кўра, Ғ.Ҳасанов Истанбулда қолиб таҳсил олган. 1911 йили ўқишни тамомлаган Ғ.Ҳасанов ўз уйига (Симбирск губернияси Буинск уезди) қайтган. 1912 йил июлда Ғ.Ҳасанов Бухорога келиб, «Бухорои шариф» газетаси билан ҳамкорлик қила бошлаган. Бухорода татарлар саъй-ҳаракатлари билан машҳур татар маърифатпарвари Олимжон Идрисов томонидан Истанбулда чоп этилган «Мунозара» номли китоб тарқатилган[2].

Тошкентдаги татар масжиди мулласи Гиляш Нигматуллин, қозонлик татар, собиқ ўқитувчи Шайхиддин Фасхетдинов ва Кабарҳожи Багаутдинов Россия императори Николай II суратининг мактаблар деворига осиб қўйилишига қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борганлар[3].

Николай II суратининг мажбурий равишда мактабларга осиб қўйилишига Верний шаҳри татарлари орасида обрўга эга бўлган ака-ука Хамитовлар ҳам қаршилик билдирганлар. Улар бой бўлганликлари учун маҳаллий муллаларга, агар император суратларини мактабга осиб қўйишса, уларни ишдан ҳайдашларини билдирганлар[4].

«Бой II» номли махфий хизматчининг 1913 йил 22 июлдаги маълумотига кўра, таниқли маърифатпарвар, генерал-майор С.Г.Еникеев Тошкентдаги маҳаллий тараққийпарварлар тўгараги фаолиятини доимий равишда

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1260-иш, 91-варақ.
[2] Ўша жойда, 1168-иш, 163-варақ орқаси.
[3] Ўша жойда, 1315-иш, 97-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 1477-иш, 3-варақ.

қўллаб-қувватлаб келган. Мазкур тўгарак таъсисчилари ака-ука Яушевлар бўлиб, С.Г.Еникеев эса ўз обрў-мавқеига таянган ҳолда генерал-губернатор ёки бошқа амалдорлар олдида эса тўгарак ва татарлар ҳуқуқларини маҳаллий ҳокимият тазйиқларидан ҳимоя қилган. С.Г.Еникеев Туркистонда янги усулдаги татар мактаблари сонини кўпайтириш тарафдори бўлиб, турли татар уюшмалари йиғилишига доимий равишда қатнашиб турган[1].

1914 йил 13 февралда Тошкентда истиқомат қилувчи татарлар ўз кутубхоналарини тузиш ҳаракатига тушганлар. Улар ярим йил олдин маъмуриятдан кутубхона очиш учун рухсат сўраган эдилар. Кутубхона таъсисчилари Қосим Туминов, Муҳаммаджон Ўразаев (ака-ука Яушевларнинг ишончли вакили) Алиасқар Сюташев, Шафик Гумеров ва Тошкент гарнизонининг бир неча зобитлари эди[2].

«Шаҳрисабзлик» лақабли махфий хизматчи маълумотига кўра, 1914 йил 7 апрелда истеъфодаги капитан А.Б.Нўғойбековнинг Гуратепадаги (Тошкентдан 16 км узоқликда – диссертант) дала ҳовлисида юқорида номлари зикр этилган татарлар ва Троицк шаҳрида нашр этилаётган «Оқмулла» журнали ходими йиғилишиб, Туркистонда мусулмонларнинг ижтимоий ҳаёти, татар кутубхонаси ҳақида фикр алмашганлар[3]. А.Б.Нўғойбеков мусулмонлар орасида анча обрўга эга эди. Унинг Дина исмли қизи Петербургда таҳсил олаётган бўлиб, мусулмон талабаларини маърифатпарварлик йўлида бирлаштириш бўйича фаолият олиб борарди[4].

«Кўркам» номли махфий хизматчининг 1914 йил 2 июлдаги маълумотига кўра, «Россия мусулмонлари жамияти» ва «Шаговоюн» жамияти аъзолари Шафик Гумеров ва Шафик Ҳабибуллин Ҳасан Мамин таклифи билан Тошкент шаҳри четидаги боғда маърифатпарвар татар ёшлари

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 232, 233-варақлар орқаси.
[2] Ўша жойда, 1470-иш, 12-варақ орқаси ва 13 варақ.
[3] Ўша жойда, 1470-иш, 29-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 1470-иш, 94-варақ орқаси.

биринчи йиғилишини чақириб, унда жамият низомини қабул қилишни режалаштирганлар[1].

1906 йили Қўқонда Шокир Мухторов, Зокир Абихонов ва Муҳаммад-зариф Муҳаммадраҳимов томонидан татарларнинг «Ёш партия» номли фирқаси ташкил этилган. Партия аъзолари дастлаб татар ёшлари орасида Россиядаги каби капиталистик муносабатларни Туркистонда ҳам жорий этиш ҳамда жадидчилик ҳаракати ғояларини тарғиб этганлар. Дастлабки пайтларда партия аъзоларининг сафи фақатгина маҳаллий татарлар ҳисобига кенгайиб борган. Ушбу партия аъзолари жадидчилик ҳаракатида иштирок этмаган татарларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлганлар. Партия ташкилотчиларидан Аитов Исмоил Сулаймон ўғли (Қозондан келган – диссертант) татарлар орасида ўқимишли ҳисобланиб, у «Ёш партия»-нинг раҳбари этиб сайланган. И.Аитов ташаббуси билан партия сафига татарлар билан биргаликда ёш ўзбекларни ҳам қабул қилинган[2].

Партия ўз фаолиятини ривожлантириш жараёнида сармоя ҳам жамғарган. Тўпланган маблағ ҳисобига керакли адабиётлар сотиб олинган. Адабиётлардан эса маърифатпарварлик ғояларини тарқатишда фойдаланилган. «Ёш партия» маблағи ҳисобидан Тошкентда ўзбек тилида чиқувчи «Шуҳрат» газетаси ҳам молиялаштирилган. «Шуҳрат» газетаси фаолияти тақиқлангач, «Осиё» газетасига молиявий кўмак берилган. «Ёш партия» Туркистон жадидлари раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий ва «Шуҳрат» газетаси муҳаррири, Тошкент жадидлари «ғоявий отаси» ҳисобланган Мунаввар Қори билан яқин алоқада эди[3].

Янги адабиётларни тарқатиш билан И.Аитов, М.Муҳаммадраҳимов ва Қўқондаги йирик китоб дўкони хўжайини Исҳоқ Шарипов шуғулланган. Сенатор-граф Паленнинг Туркистондаги тафтиши даврида Исҳоқ Шарипов китоб дўконидан зарарли деб ҳисобланган кўплаб китоблар тортиб олин-

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1470-иш, 93-варақ орқаси.
[2] Ўша жойда, 1168-иш, 113-варақ.
[3] Ўша жойда.

ган. 1910 йилдан кейин «Ёш партия» аъзолари ўз фаолиятларини аввалгидек очиқ олиб бормасдан, яширин ҳолга ўтганлар. Концерт, спектакл ва йиғилишлар уюштириб, пул жамғармаларини кенгайтирганлар ҳамда маҳаллий аҳоли орасидан ёшларни партия сафига аъзоликка қабул қилишни давом эттирганлар. 1912 йил 31 март ҳолатига кўра, «Ёш партия»га 50 нафар ўзбек ёшлари ҳам аъзо бўлиб кирган эдилар. ТРМБ маълумотига кўра, ўлканинг бошқа шаҳарларида «Ёш партия»нинг уюшмалари йўқ эди[1].

«Ёш партия» аъзолари Туркияда тараққийпарварлар томонидан ташкил этилган «Жамияти илмия» номли маърифий уюшма билан доимий алоқа ўрнатган эдилар.

Қўқонлик татар савдогарлари Абдулла Газин ва Содиқ Тазиев томонидан «Ёш партия»га иқтисодий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатилган.

Қўқон «Ёш партия»сининг кўзга кўринган вакиллари қуйидагилар эди:

1. Исҳоқ Шарипов - китоб дўкони хўжайини;
2. Шокир Мухторов - собиқ янги усул мактаби ўқитувчиси;
3. Шукур Абдулатипов - маҳаллий пойафзал савдогари;
4. Гали Раҳмонқулов - ғишт заводи ижарачиси;
5. Нуритдин Аҳметов - савдогар Тожибой Хожимуҳамедовнинг ишончли вакили;
6. Ҳабибраҳмон Шукуров – аввал Абдураззоқов ва Хожимуҳамедовлар қўлида приказчик бўлиб ишлаган, ишсиз;
7. Мирзоҳид Миробидов (ўзбек) – пахта савдоси билан шуғулланувчи бойнинг ўғли;
8. Сотиболди – банк ходими ва савдогар Муқимжоннинг хизматчиси;
9. Абдусамад Муҳамедов – Пиён бозорда қора нон сотувчи[2].

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 113-варақ орқаси.
[2] Ўша жойда.

10. Ахнаб Тангатаров – ака-ука Крафтларнинг ишончли вакили ва ўқитувчи;

11. Иброҳим Мансуров – приказчик;

12. Халилулла Мифтахетдинов - Қўқондаги граммофон дўкони эгаси;

13. Раҳматулла Мифтахетдинов – ошхона эгаси;

14. Иляджи Баширов – ижарадор;

15. Халилулла Абсатаров – тикувчи;

16. Шамси Гамаулинов – «Зингер» магазинида агентлик хизматчиси;

17. Нигматулла Мифтахетдинов – савдогар;

18. Сафарали - Шариф Кашаев қўлида приказчик;

19. Ахаюлла Хайруллин – приказчик;

20. Халим Мамин – Башкировнинг приказчиги;

21. Гази Мамин – Данилов мануфактурасида хизматчи;

22. Али Бурнашев – Хожимуҳаммедов чой дўконида хизматчи;

23. Муртазинов – Скобелев шаҳрида ҳарбий хизматда;

24. Маҳмуд Абдул Абсатаров – савдогар;

25. Усмон Даутов – приказчик;

26. Шамсутдин Даутов - қўшма банк хизматчиси.

27. Нажмитдин Обидов – новвойхона эгаси[1].

1911 йил 22 майда Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси ва ТРМБ юқорида номлари зикр этилган шахслар ҳақида қизиқиб, улар фаолиятини жиддий назорат остига олиш ҳақида Қўқон уезди бошлиғига кўрсатмалар беришган[2].

1912 йил 27 февралда ТРМБ бошлиғи Сизих Туркистон генерал-губернаторлиги полиция департаменти махсус бўлимига Қўқондаги «Ёш партия» ҳақида махфий хат ва икки дона фотосурат юборган. Сурат 1908 йил май ойида Қўқондан 2 верст узоқликдаги Саидбек Рустамбоевнинг бо-

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш,114-варақ.
[2] Ўша жойда, 11-варақ ва унинг орқаси.

ғида, кўмир савдоси билан шуғулланувчи Лутфулла Қосимов уюштирган зиёфатда ҳаваскор фотограф Раҳматулла Мифтахутдинов томонидан олинган эди. Суратдаги 50 киши маҳаллий татар жамияти аъзолари бўлиб, янги усул мактаблари очиш, мусулмон аёлларини ўқитиш каби ғоялар тарафдори бўлган маърифатпарварлар эди. Улар ҳеч қандай партияга бирлашмаган бўлсалар ҳам, кекса татарлар уларни «Ёш партия» деб атардилар. Қўқонда «Ёш партия»га мухолиф равишда мактабларда эски усулда ўқитиш тарафдори бўлган татарларнинг норасмий «Эски партия»си ҳам мавжуд эди[1].

«Ёш партия» рақибларидан бири «Эски партия» вакили мулла Шароф Рашитов эди. Унинг Қўқонда эски усулдаги мактаби бўлиб, ўзбек болаларини ўқитганлиги учун маҳаллий инспекция томонидан ёпилган. Ш.Рашитов «Ёш партия» фаолиятига бирор бир далилий айб кўрсата олмаса ҳам, уларга қарши қарши кайфиятда бўлган.

1914 йил 13 майда ТРМБнинг «Қўқонлик» номли махфий хизматчиси томонидан берилган маълумотга кўра, Қўқонда татарлар томонидан ҳафтада бир маротаба қўлёзма ҳолида газета чиқарила бошланган. Унинг биринчи сонида:

1) газетанинг вужудга келиш сабаблари;

2) дам олиш ҳақида;

3) жамият аҳволини яхшилаш тўғрисида;

4) театр масаласида;

5) таълим ҳақида;

6) фельетон;

7) таҳририятдан;

8) ҳар хил хабарлар каби мақола ва рукнлар ўрин олган эди[2]. Бироқ, махфий хизматчи газетанинг қандай номда эканлигини билдириб ўтмаган. Фикримизча, мазкур газета «Ёш партия»нинг нашри бўлиши ҳам мумкин.

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 115-варақ.
[2] Ўша жойда, 1470-иш, 58-варақ орқаси.

1914 йил 19 майда ТРМБ бошлиғи Сизих газета ҳақида муфассал маълумот беришни сўраб Қўқон уезди бошлиғига мурожаат қилган[1]. Қўқон уезди бошлиғининг Сизихга берган маълумотича, шаҳарда бундай газета мавжуд бўлмаган[2].

1915 йил 17 январда «Килди» лақабли махфий хизматчи берган маълумотга биноан, Қўқоннинг Эски шаҳар қисмида савдо иши билан шуғулланувчи татар тижоратчиси Лапков домий равишда Россиянинг марказий губернияларда яшовчи татарлардан хат олиб турган. Мазкур хатлардан маълум бўлишича, марказий губернияларда халқ ҳукумат томонидан эзилган. Маъмурлар томонидан ҳарбий мақсадларда от, озиқ-овқат, пулларни зўрлик билан тортиб олиш ҳолатлари кучайган. Лапков маҳаллий аҳолига яқин кунларда Россияда катта қўзғолон бўлиши мумкинлиги ҳақидаги гапларни тарқатган.[3].

1913 йилга келиб бутун империя ҳудуди бўйлаб, Романовлар сулоласи ҳукмронлигининг 300 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрила бошланди. Шу мақсадда Туркистон ўлкаси бўйлаб, давлатпаноҳ император Николай II нинг суратларини сотиш ва жойларда унинг мавжудлигини таъминлаш чоралари кўрилган.

Наманган уезди Норин волостида бир гуруҳ ўзбеклар билан бирга Абдулқодир Габдулвалиев, Бакий Кензин, Зайнулла Бурнашев, Гариф Содиқов, Аҳмадшо Губайдуллин каби татарлар ҳам император Николай II нинг суратларини сотиб олиш ва уйларга осиб қўйиш ҳаромлигини тарғиб этганлар. Ҳатто Наманганда меҳмон бўлган Пржевальск уезди бошлиғи таржимони Қосимбой Телтаевдан мазкур уезд аҳолисига хат юбориб, император суратларини харид қилмасликни сўрашган[4].

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 428-варақ.
[2] Ўша жойда, 1315-иш, 429-варақ.
[3] Ўша жойда, 2155А-иш, 8-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 1315-иш, 175-варақнинг орқаси.

Андижонлик маърифатпарвар М.Мирмўминбоев татар зиёлилари билан яқин алоқа ўрнатган эди. 1915 йил 30 августда «Килди» лақабли махфий хизматчининг берган маълумотига кўра, М.Мирмўминбоев дунёда содир бўлаётган сиёсий воқеаларга доир махфий нашрларни тошкентлик А.Чанишевга топширган. А.Чанишев тошкентлик миллионер Яушевнинг синглисига, Миркомилбойнинг ўғли Мирхолиқ эса А.Чанишевнинг қариндошига уйланган эди. Қўқонлик Ёқубхўжанинг приказчиги Юсуф Таиров Андижонга бориб махфий нашрларни қандай қилиб қидирув органларидан сақлаш ва уни тарқатиш бўйича маълумотлар олиб қайтган. Юсуф Таировнинг уйида Андижонда топилган нашр варақалари бор эди[1].

1916 йил 15 майда «Қори» лақабли махфий хизматчи берган маълумотга кўра, М.Мирмўминбоев уйиида «Вақт» газетаси муҳаррири Фотиҳ Каримов меҳмон бўлган. Улар анча вақт холис ўтириб суҳбат қурганлар[2].

1914 йили бошланган биринчи жаҳон уруши Россия империяси ҳудудида яшовчи халқларнинг диққат эътиборида бўлган. Татарлар мазкур урушда Россиянинг мухолифи бўлган Усмонийлар Туркияси фойдасига тарғибот ишларини олиб борганлар. Масалан, Керки шаҳридаги чойхоналардан бирида маҳаллий аҳоли Россиянинг биринчи жаҳон урушидаги иштирокини муҳокама қилганлар. Урушнинг сабабчиси сифатида Россияни айблаб, Туркияни ёқлаганлар. Мажлисларнинг бирида Симбирск губерниясидан келган татар дружиначилари ҳам иштирок этиб, уларни рус армияси томонида туриб жанг қилишга мажбур этишса ҳам туркларга қарши ўт очмасликларини, вақти келганда турклар томонига қочиб ўтиб, уларга қўшилишларини айтганлар[3].

Конибодомлик татар Аҳмад Бадруддинов Россия империясининг биринчи жаҳон урушидаги мағлубиятларини зобитлар сафидаги хоинликлар, аскарларнинг урушишни ҳохламаётганликлари билан изоҳлайди. У ўз сўз-

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 2155[А]-иш, 32,33-варақлар орқаси.
[2] Ўша жойда, 2176-иш, 10-варақ.
[3] Ўша жойда, 1470-иш, 201-варақ ва унинг орқаси.

ларини фронтдан – дўсти Сафи Вафиндан олган хатига асосланиб айтган. Унинг сўзларига кўра, Россиядаги барча халқлар урушга қарши эди[1].

1916 йил 25 июнда «Князь» номли жосус маълумотларига кўра, Тошкентнинг Эски шаҳридаги Боломачит деган жойда яшаган Ф.Ҳуснетдинов турк генерали Анвар пошшо билан яқин алоқада бўлиб, у маҳаллий аҳоли ўртасида Россия империясига қарши тарғибот ишларини олиб борган[2].

Биринчи жаҳон уруши фронтларида олиб борилган тарғиботлар натижасида кўплаб татар ҳарбийлари душманга жангсиз таслим бўлганлар[3].

Россия императори Николай II нинг 1916 йил 25 июндаги «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида»ги фармони Туркистон ўлкасида катта ғалаёнларни келтириб чиқарди. Мазкур масалани ўрганиш масаласида шу йил 23 августда Давлат Думаси аъзолари А.Ф.Керенский ва Қ.Б.Тевкелев Туркистонга келганлар. Қутлуғмуҳаммад Ботиргиреевич Тевкелев Андижон шаҳри аҳолиси билан учрашувда юзага келган вазиятнинг ҳал этилишини сабр-тоқат ва осойишталик билан кузатиб туришни маслаҳат берган[4].

ТРМБ маълумотларига кўра, татар Қамариддин нўғай Бухорода эътиборли кишилардан бири бўлиб, у 1910 йил декабрда бўлиб ўтган тартибсизликларнинг раҳбарларидан бири эди. 1912 йилдаги махфий маълумотларда у домулла Қамар нўғой номи билан учрайди. Ушбу маълумотда унинг Россияга қарши Афғонистон билан махфий алоқалар олиб бораётганлиги қайд этилган. Шу йили маълумотлар жамлангач, мазкур шахснинг мулла Камолиддин, Камол Нўғаев, домулла Қамар, мулла Қамариддин Нўғаев сингари исмлари ҳам борлиги аниқланган[5]. У Бухорода маҳаллий

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 2155А-иш, 25-варақ.
[2] Ўша жойда, 2169-иш, 6-варақ.
[3] Ўша жойда, 2155А-иш, 8-варақ.
[4] Шамсутдинов Р. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма // Мулоқот. 1991. -№12. – Б. 47-48.
[5] Бундан кейин матнда уни Мулла Қамариддин Нўғаев деб юритамиз - диссертант.

мактаблардан бирининг собиқ ўқитувчиси бўлиб, Россия империясига қарши тарғиботчилардан бири эди. Шу билан бирга мусулмонларнинг русларга қарши ҳаракатида ҳам фаол иштирок этган. Мулла Қамариддин Нўғаев Бухорода истиқомат қилса-да, Оренбург, Тошкент ва Истанбулдаги маърифатпарварлар билан яқин алоқада бўлган. У Бухоро амири Саид Олимхоннинг Россия империяси сиёсатига хайрихоҳлигидан норози эди[1].

Мулла Қамариддин Нўғаев 1913 йилда Бухорода «Иттиҳод» номли мусулмон маърифий жамиятини тузган. Бу жамият тез орада Туркистон ўлкаси бўйлаб кенг қулоч ёйиб, унинг Самарқанд, Каттақўрғон, Қўқон ва Ўшда ҳам аъзолари бор эди. Жамиятнинг бош шиори «Кимки мусулмон дўстига ёрдам берса, у Аллоҳнинг дўстидир» сўзлари эди[2].

Россия императорининг Бухородаги сиёсий агенти томонидан 1913 йил 31 октябрда ТРМБ бошлиғи Сизихга юборилган маълумотда келтирилишича, Мулла Қамариддин Нўғаев маърифий мақсадларни кўзлаган «Тараққийпарвар» жамиятининг ҳам атоқли вакилларидан бири эди[3].

1914 йил 17 апрелда «Якшамбай» лақабли махфий хизматчи берган маълумотда қайд этилишича, Мулла Қамариддин Нўғаев Бухородаги «Пушаймон» номли мадрасада мударрислик қилиб, асли самарқандлик «Закун» лақабли татар мулласи Абдурасул билан Россия империясига қарши ташвиқот ишларини олиб борган. Уларнинг иккаласи ҳам маҳаллий аҳоли ўртасида катта обрўга эга эдилар[4].

1913 йил 4 октбрда «Керкилик» номли махфий жосус маълумотига кўра, Эски Бухорода *650 нафарга яқин қозонлик татарлар* (курсив бизники – диссертант) истиқомат қилиб, улар маҳаллий аҳоли орасида русларга қарши сиёсий ташвиқот ишларини олиб борганлар[5].

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1312-иш, 447-варақ.
[2] Ўша жойда, 1315-иш, 446-варақ.
[3] Ўша жойда, 1315-иш, 502-варақ.
[4] Ўша жойда, 1470-иш, 38-варақ; 2178-иш, 17-варақ.
[5] Ўша жойда, 1315-иш, 298-варақ орқаси.

XIX аср охирларида татарлар нафақат Туркистон генерал-губернаторлиги, балки Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам сезиларли даражада из қолдирганлар. Хусусан, Хива хони саройида хонликнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир ўтказа олган татар Аҳмаджон Агаев фаолияти алоҳида эътиборга молик.

А.Агаев асли Саратов губернияси Кузнецк уездидан бўлиб, 1897 йил бошларида Хива хонлигига оиласи билан доимий яшаш мақсадида келган. 1896 йил охирларида Амударё бўлими бошлиғи, полковник Галкин Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз)га Россия-Хива муносабатларини юритишда лозим бўлган ёзма ва оғзаки тарзда рус тилини яхши билувчи (туркий тилли – диссертант) таржимонни ишга ёллаш ҳақида кўрсатма берган. Ушбу кўрсатмага мувофиқ, Хива хони А.Агаевни саройга ишга таклиф этган. А.Агаев саройда таржимонлик иши билан биргаликда хоннинг фарзандларига сабоқ ҳам бера бошлаган[1].

Россия империяси маъмурлари томонидан «…ўта айёр ва ақлли» деб таъриф берилган А.Агаев тез орада Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II, саройнинг нуфузли амалдорларидан Муҳаммад Мурод девонбеги ва бошқа сарой аёнлари ишончини қозонган. Рус махфий разведкаси маълумотларига кўра, А.Агаев хонга таъсир ўтказиб, Россия-Хива муносабатларига раҳна сола бошлаган. Масалан, бу ҳол хоннинг Амударё бўлими бошлиғи, полковник Галкинга ёзган хатларида яққол кўзга ташланади. Хон ўз хатларида хонликнинг ички муаммолари шариат қонунлари асосида ҳал этилиши ва бунга русларнинг аралашуви нотўғри эканлиги ҳақидаги фикрларини баён этган эди[2].

Шу воқеадан кўп ўтмай, Хива хони Россия империяси ва хонлик ўртасида 1873 йил 12 августда тузилган шартномани (Гандимиён сулҳи назарда тутилмоқда – диссертант) бажаришдан бўйин товлай бошлади. Бу-

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 27-рўйхат, 164-иш, 27-варақ.
[2] Ўша жойда.

нинг амалий ифодасини хонлик ҳудудида фаолият юритаётган рус фуқаролигидаги савдогарларга тазйиқ мисолида кўриш мумкин эди[1].

Амударё бўлими бошлиғи, полковник Галкиннинг қатъий талаби натижасида хонликдаги ишлар аввалги кўринишда юритилишига эришилган бўлса-да, Хива хонлиги ҳукуматининг амалдаги мавжуд шартномадан бўйин товлаш ва шариат қонунлари асосида иш кўриш билан боғлиқ ҳаракати давом этаверган.

Махфий резведка маълумотларига кўра, А.Агаев биринчи бўлиб, руслар ва улар сиёсатига хайрихоҳ рус фуқаролигидаги мусулмонларни хонлик ҳудудидан чиқариб юбориш лозимлиги ҳақида хонга маслаҳат берган. Унинг фикрича, бу йўл мусулмонлар ўртасида юзага келаётган сезиларли даражадаги ***бўлинишни*** (курсив бизники – диссертант) бартараф этиши мумкин эди[2].

А.Агаев томонидан амалга оширган муҳим ишларидан яна бири, Хива хонлиги ҳудудида яшаётган Россия фуқаролигидаги маърифатпарвар татарларни Амударё бўлими бошлиғининг талаблари асосида зўрлик билан чиқариб юборилишининг олдини олди. Хива хони эндиликда хонлик ҳудудида рус фуқаролигидаги маърифатпарвар татарлар истиқомат қилаётганлигидан хабардор бўлса ҳам, уларни ҳайдаб чиқармаган. Аксинча, улар А.Агаев тимсолида ишончли ҳимояга эга бўлганлар.

Вазиятдан ташвишланган Туркистон генерал-губернатори Я.И.Иванов масалага шахсан аралашиб, 1900 йил 25 ноябрда Амударё бўлими бошлиғи Галкинга ёзган хатида Агаевни зудлик билан хонлик ҳудудидан чиқариб юборишни буюрган[3] ва у 1901 йил 17 январда мажбурий равишда Петро-Александровскдан Саратов губерниясига жўнатиб юборилган[4].

---

[1] ЎзР МДА И.1-фонд, 27-рўйхат, 164-иш, 27-варақ орқаси.
[2] Ўша жойда.
[3] Ўша жойда, 27-варақ.
[4] Ўша жойда, 62-варақ.

Хива хонлиги ҳудудида татар муаллимлари янги усул мактаблари очишдан ташқари, газета-журналлар тарқатиб, яширин йиғинлар ўтказиб, маҳаллий аҳоли сиёсий онгининг ўсишига катта таъсир кўрсатганлар. Шундай муаллимлардан бири янги усул мактаби ўқитувчиси Абдурашитов бўлиб, у Хива хонлиги бош вазири Исломхўжанинг уйида унинг фарзандларини ўқитиш билан бирга, яширин йиғинлар ҳам ўтказган. Йиғинларда қатнашаётган хиваликлар онгига Хива хонлигини Россияга қарамликдан озод этиш ва хонликни тараққий эттириш сингари ғоялар сингдирилган. Шунинг учун ҳам Абдурашитов Амударё бўлими бошлиғининг талаби билан хонлик ҳудудидан чиқариб юборилган ва хонликка қайта таклиф этмаслик бўйича Исломхўжага кўрсатма берилган[1].

Россиянинг марказий губернияларидаги туркий халқлар устидан асрлар давомида юргизиб келанаётган мустамлакачилик сиёсатига қарши курашда татарлар йиллар давомида курашиб келганлар. Улар кейинчалик бу курашга Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги аҳолисини ҳам жалб этиш билан бирга ўзлари ҳам кенг миқёсда фаолият юритганлар. Юқорида келтириб ўтилган фактлардан татарларнинг нафақат ўз юртлари балки Туркистон озодлик йўлида ҳам курашганликларини кўриш мумкин.

3.2. Вақтли матбуот, матбаа ишлари ва театр санъатини шаклланишида татар маърифатпарварларининг иштироки

Туркистонда вақтли матбуот ва матбаа ишларининг шаклланиши бевосита Россия империяси истилосидан кейин юз берди. 1870 йилдан бошлаб Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман буйруғига асосан «Туркестанские ведомости» газетасига илова тариқасида «Туркистон вилоятининг газети» ҳам чоп этила бошланди. К.П. фон Кауфман Петербургдан мазкур газетани нашр этиш учун мусулмон (араб) шрифти келти-

[1] Қаюмов М.У. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошида Хива хонлигидаги... – Б. 75.

ришни илтимос қилди. Орадан 6-7 ой ўтгач, Тошкентга туяларда (бу вақтда ҳали темир йўллар қурилмаган эди-диссертант) мусулмон шрифтлари билан татар мутахассис ҳарф терувчилари - Шахингирей Беккулов, Абдулатиф Явушев ва Али Бектемиров келганлар ва биринчи ўзбек тилидаги газетанинг нашр этилишига бош қўшганлар. Шу ўринда биринчи ўзбек матбуотчилари қаторига Сирожиддин Хўжаев, Ҳамид Хўжаев ва Абдураҳмон Хўжаевларни киритиш мумкин[1].

«Туркистон вилоятининг газети»ни ташкил этиш ва ривожлантиришда Туркистон генерал-губернатори таржимони Ш.Ибрагимов ва генерал-губернаторлик девонхонаси таржимони М.Чанишев жонбозлик кўрсатдилар. Мазкур газетага 1872 йилдан Ш.Ибрагимов, 1883 йилдан бошлаб қисқа муддат М.Чанишев муҳаррирлик қилдилар[2]. Мазкур газетага 1883 йил охиридан 1917 йилгача Н.П.Остроумов муҳаррирлигида босилган[3]. 1872 йил 18 январдаги маълумотга кўра, Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси ва «Туркистон вилоятининг газети» таҳририятида Абдулла Яушев ва Муҳаммад Курмишев ҳарф терувчи бўлиб ишлаганлар[4].

XIX аср 70-йиллари охирларида Туркистонда маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан хусусий босмахоналар очиш жараёни бошланган. Хусусан, 1877 йилда Тошкентда, 1880 йилда Самарқандда, 1882 йилда Наманганда ва 1887 йилда Қўқонда шундай босмахоналар ташкил этилган[5]. Шубҳасиз бу босмахоналар ишини ташкил этишда татар матбаачилари етакчилик қилганлар.

Туркистонда жадид матбуотининг юзага келиши шу давр учун катта прогрессив ҳодиса эди. Ғафлатда ётган халқни уйғотиш ва унинг сиёсий-маънавий онгини юксалтиришда даврий матбуотнинг муҳим ўрин тутиши-

---

[1] Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана (1870-1925 гг.). – Т.: Ўқитувчи, 1976. – С. 18.
[2] Ўша жойда. - С. 19.
[3] Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: Фан, 1993. – Б. 18.
[4] ЎзР МДА И.1-фонд, 20-рўйхат, 4280-иш, 13-варақ.
[5] Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана…- С. 27.

ни англаб етган тараққийпарварлар 1905 йил 17 октябрда Россия императори Николай II нинг «Сўз ва виждон эркинлиги ҳақида»ги Манифести эълон қилинганидан сўнг бу борадаги ишларни жадаллаштириб юборганлар.

Россия империяси ҳудудида яшовчи туркий халқлар орасида ўзларининг миллий матбуотчилигига биринчилардан бўлиб, татар маърифатпарварлари тамал тошини қўйдилар. Дастлаб 1883 йили Боқчасаройда «Таржимон» газетаси (ташкилотчиси ва муҳаррири И.Гаспринский) чиққан бўлса, Манифест эълон қилингандан сўнг 1905 йил 29 октябрдан «Қозон мухбири» (муҳаррири С.Алкин), 1906 йил 5 январдан Петербургда «Улфат» (муҳаррири А.Ибрагимов), 15 январдан Қозонда «Юлдуз» (муҳаррири А.Ҳ.Мақсудий), 1 февралдан «Озод» (муҳаррири А.Апанаев), 21 февралдан Оренбургда «Вақт» (муҳаррири Ф.Каримов) каби газеталар дунё юзини кўрди[1]. Газеталар нашрларининг биринчи йилидаёқ Россия империяси тобелигидаги туркий халқлар ҳақ-ҳуқуқини танитадиган кўплаб мақолалар нашр этилди. Туркистон тараққийпарварлари билан юқорида номлари тилга олинган газеталар ўртасида кенг кўламда ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. М.Беҳбудий, А.Шакурий ва бошқа туркистонлик тараққийпаварлар мақолаларининг «Вақт» газетасида тез-тез кўриниб туриши ҳамда газетанинг Кабир Бакир, Аҳмаджон Бектемиров, Нуриддин Сайфулмулуков, Маҳмуд Будайли[2] каби мухбирларининг Туркистонда фаолият олиб борганликлари фикримизни исботлайди.

Туркистондаги миллий даврий матбуот, босмахона ташкилотчилари асосан татарлардан иборат бўлган. 1905-1906 йилларда Қозон бадиий мактабида ўқиган Исмоил Обидов[3] 1906 йили таниқли татар матбаачилари Ш.Мухтор, И.Алиев билан ҳамкорликда Тошкентда «Тараққий» газетаси-

[1] Қосимов Б. Миллий уйғониш… - Б. 50-51.
[2] М.Будайли фаолияти ҳақида кенгроқ маълумот учун қаранг: Расулов А.Н. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи (1917-1924 йй.): Тарих фан. докт … дисс. – Наманган, 2005. – Б. 300-301.
[3] И.Обидов таржимаи ҳоли ҳақида иловага қаранг.

ни ташкил этган[1]. Шу йилларда (1905-1906 йй.-диссертант) И.И.Гейер муҳаррирлигида мустамлакачи маъмуриятнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи айнан «Тараққий» номли газета ҳам нашр этилган.

«Тараққий» газетасининг биринчи сони 1906 йил 14 июнда чиқди. Газета ўзининг дастлабки сонидан бошлаб Россияда содир бўлаётган йирик воқеаларга асосий мавзу сифатида қараб, уларни кенг меҳнаткаш халқ нуқтаи назаридан ёритишга ҳаракат қилди. «Тараққий» саҳифаларида подшо маъмуриятнинг Туркистонда юритаётган мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсати, ижтимоий ҳақсизликларни очиб ташлашга қаратилган мақолалар эълон қилинган. Жумладан, унинг 1906 йил 30 июль сонидаги «Дунё йиғувчилари ва меҳнат қилувчилари хусусида» номли мақолада меҳнаткаш аҳолининг ҳор-зорликда, юқори табақа вакилларининг эса роҳат-фароғатда яшаётганликларини аччиқ сатрларда исботлаб берилган[2].

«Тараққий» газетаси ҳафтасига икки марта чоп этилиб, унинг саҳифаларида шарқшунос В.Наливкин, ёзувчи ва таржимонлар И.Алиев, Ш.Мухторов, ўзбек маърифатпарварлари М.Беҳбудий, М.Абдурашидхонов, Нозимахоним ва бошқалар ўзларининг ўша давр ижтимоий-сиёсий воқеаларига бағишланган мақолалари ҳамда илмий ижод намуналари билан қатнашиб турдилар[3].

Маърифатпарварлик ва озодлик ғояларини ўзига байроқ қилиб олган «Тараққий» газетасига сунъий равишда маҳаллий уламолар томонидан бўхтон ва туҳматлар уюштирилган. Тез орада маъмурият томонидан таъқиб остига олинган ушбу матбуот нашри мусодара этилган. Муҳаррири И.Обидов эса қамоққа олинган[4]. «Тараққий» газетаси атиги 72 кун умр кўрган бўлса-да[5], унинг 20 сони нашр этилди ва Туркистонда миллий мат-

---

[1] Расулов А.Н. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи (1917-1924 йй.): Тарих. фан. доктор. ... дисс. – Наманган, 2005. – Б. 282.
[2] Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг... – Б. 64.
[3] Турдиев Ш. Среднеазиатские татары… - С. 173.
[4] Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг…– Б. 62.
[5] Расулов А., Исоқбоев А. Зиё тарқатиш йўлида // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари. – Наманган, 2002. – Б. 80.

буотнинг юзага келишида ўзига хос замин ҳозирлади. Орадан кўп ўтмай шу йилнинг 6 сентябридан Мунавварқорининг «Хуршид», 1907 йил 1 декабрдан А.Авлонийнинг «Шуҳрат» газеталари чиқа бошлади.

«Тараққий» газетаси ёпиб қўйилгандан сўнг орадан икки йил ўтиб, 1908 йил апрелдан яна бир татар маърифатпарвари А.Бектемиров муҳаррирлигида «Осиё» газетаси нашр этила бошланди. Таниқли ўзбек маърифатпарвари А.Авлоний ҳам мазкур газета ташкил этилишида жонбозлик кўрсатган[1]. Газетанинг бешта сони чиққандан сўнг подшо маъмурлари томонидан ёпилди. Газета саҳифаларида А.Ибрагимовнинг туркчилик ва исломчилик масалаларига бағишланган, бошқа жадид зиёлиларининг Туркистонда маориф тизимини ислоҳ этиш бўйича мақолалари босилган эди[2].

И.Обидов ва А.Бектемиров газеталари ҳукуматга қарши руҳда деган айблов асосида ёпилган бўлишига қарамай, туркистонлик татарлар маҳаллий газеталар билан ҳамкорликни давом эттираверганлар. Абдурауф Музаффар, Нўширавон Яушев, Абдулла Беги, Маҳмуд Будайли ва бошқалар Туркистондаги бошқа миллий газеталарда ўз мақолалари билан фаол иштирок этганлар[3]. Татар таржимони Нурмуҳаммад Гарифиулович Усмонов «Садои Фарғона» газетаси таҳририятида фаолият кўрсатди[4]. Машҳур татар сиёсат арбоби И.Шагиаҳмедов «Туркестанский край» газетасининг муҳаррири сифатида фаолият кўрсатган[5].

1908 йили А.Ибрагимов Бухорога келиб, қушбеги билан бу ерда мусулмон босмахонаси очиш тўғрисида музокаралар олиб борган. Босмахонанинг Бухоро амирлиги учун фойдали томонларини изоҳлаган. Бироқ қушбеги амир Абдулаҳадхон билан бу хусусда маслаҳатлашгач, унинг халқаро миқёсдаги фаолиятидан чўчиб, бунга розилик бермаганлар. Ҳатто

---

[1] Авлоний А. Танланган асарлар.1-жилд. –Т.: Манавият, 1998. –Б.9.
[2] Турдиев Ш. Среднеазиатские татары… - С. 174.
[3] Ўша жойда.
[4] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 346-варақ.
[5] Исхаков С.М. Русская революция 1917 года и тюрки Центральной Азии/ http://www.tuad.nsk.ru/ ~history/ Author/Russ/I/ Ishakov.S.M/revolution. html.

А.Ибрагимовнинг тезроқ Бухоро амирлигидан чиқиб кетиши учун йўл ҳақини ҳам тўлаганлар[1].

1909 йили Тўрақўрғонда халқ қозиси Исҳоқхон Ибрат томонидан янги типо-литография (тошбосма – диссертант) очилган бўлиб, бунда Наманган шаҳридаги ҳукумат ва шахсий буюртмаларни нашр этилган. Ибрат татарлар билан дўстона муносабатда бўлиб, литографияни ҳам уларнинг маслаҳатига асосан очган эди. Унинг яқин ёрдамчиси қозонлик татар Абдулрауф Шагидуллинов[2] литография ишини юритиш билан бирга, шу ерда ташкил этилган янги усул мактабида ўқитувчилик қилган[3].

А.Шагидуллинов кейинчалик ўз юртига қайтиб кетиб, 1918 йил май ойида Симбирскда «Овул» номли журнал чиқаришни йўлга қўйган. Журнал содда туркий тилда бўлиб, жойларда жамоаларга бирлашиб ишлаш, суд ишлари, дўконлар очиш, майда жамиятлар тузиш каби масалалар ҳақида маълумотлар бериб бориш билан шуғулланар эди[4].

Татар зиёлилари матбаа ишларидан ташқари Туркистонда янги руҳдаги китоблар, газеталар савдоси ва кутубхоналар ташкил этиш билан ҳам шуғулланганлар. Масалан, 1909 йил 18 августда Исҳоқ Шарипов Фарғона вилояти ҳарбий губернатори номига илтимоснома ёзиб, Қўқон шаҳрида «Кашшофия» номли китоб дўкони очишга рухсат сўраган. Илтимосномада ёзилишича, китоб дўконида китоблардан ташқари кунлик газеталар сотилиши ҳам кўзда тутилган эди. И.Шарипов ўз илтимосномасида Қўқон шаҳрида 1895 йилдан бери яшаётганлиги, 5 йил ҳарбий хизматни ҳам ўтаб келганлигини қайд этган эди[5]. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ўз навба-

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 130-варақ орқаси.

[2] Мазкур татар маърифатпарвари архив ҳужжатларида Шагидуллин ёки Шагидуллинов, У.Долимов рисоласида Охунзода Шаҳидий ва Ш. Ризаев тадқиқотида Абдурауф Самадов-Шаҳидий тарзида берилган. Қаранг: ЎзР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 181-182 варақлар; Долимов У. Исҳоқхон Ибрат… - Б. 82; Ризаев Ш. Жадид драмаси… - Б. 126,127. Бу исм-шарифларнинг барчаси маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат билан ҳамкорликда фаолият кўрсатган А. Шагидуллиновга тегишлидир. Бундан кейин матнда мазкур шахс А.Шагидуллинов тарзида берилади – диссертант.

[3] ЎзР МДА И.1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 181-182 варақлар.

[4] Овул журнали // Халқ дорулфунуни, 1918. 31 май.

[5] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 28921-иш, 22-варақ ва орқаси.

тида Қўқон уезди бошлиғидан И.Шарипов шахси ҳақида маълумот сўраган. Қўқон уезди бошлиғи И.Шариповни «ўта панисломист» эканлиги, Китоб дўкони очишдан мақсад эса диний ақидапарстлик руҳидаги китоблар савдосини йўлга қўйиши мумкинлигидан чўчиётганлигини билдирган[1].

1909 йил маълумотларига кўра, Чустда 2 та, Андижонда 18 та, Наманганда 20 та, Қўқонда 32 та китоб дўконлари бор эди[2]. Бу китоб дўконларида Бомбей, Истанбул, Қозон, Тошкент ва Қўқонда нашр этилган 100 дан ортиқ номдаги китоблар сотиларди[3].

1913 йилга келиб, Туркистон ўлкаси аҳолиси ўртасида Оренбургда чоп этилаётган «Вақт» газетаси[4] ўқувчилар сони кескин ортди. Шу муносабат билан маҳаллий татарлар мазкур газетани Туркистонда кўчириб босишни ташкил этишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бироқ ҳукуматдан рухсат олинмагач, бу уриниш тўхтаб қолди[5].

1917 йил феврал инқилобидан сўнг Туркистон жадидларининг татар-бошқирд маърифатпарварлари билан матбуот соҳасидаги ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Ўз миллатигина эмас балки барча турк-мусулмон дунёси қайғуси билан ёнган Аҳмад Заки Валидий, Пўлат Солиев, Кабир Бакир, Мухтор Бакир ва бошқа татар-бошқирд халқлари фарзандлари Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш билан биргаликда ўзларининг қуйидаги газеталарини ҳам нашр эттирганлар:

1. «Улуғ Туркистон» газетаси - Тошкентда Кабир Бакир ва С.Абдусатторов[6] муҳаррирлигида 1917 йил 25 апрелдан 1918 йил 30 ноябрга қадар

[1] ЎзР МДА И.19-фонд, 1-рўйхат, 28921-иш, 21-варақ ва орқаси.
[2] Ўша жойда, И.1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 180-варақ орқаси.
[3] Ўша жойда, 181-варақ ва унинг орқаси.
[4] "Вақт" газетаси 1906 йил 21 февралдан 1918 йил 26 январгача Оренбургда таниқли татар маърифатпарвари Фотиҳ Каримов муҳаррирлигида чоп этилган. Қаранг: Қосимов Б. Миллий тикланиш… -Б.51.
[5] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 112-варақ орқаси.
[6] Туркистон матбуоти фидойиларидан бири бўлган Содиқ Абдусатторов 1919 йил май ойидан октябрга қадар Туркистон АССР Халқ маорифи комиссари лавозимида ишлаган. Қаранг: ЎзР МДА Р-34-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 485-488-варақлар.

татар тилида чоп этилган. Газета Туркистон татарларининг марказий шўроси ва Тошкент татарларининг «Иттифоқ» жамияти нашри ҳисобланган[1].

2. «Эл байроғи» газетаси - Қўқонда Пўлат Солиев ва Ашурали Зоҳирий муҳаррирлигида 1917 йил 8 сентябрдан 1918 йил бошларига қадар Туркистон мухторияти ҳукуматининг нашри сифатида ўзбек тилида чоп этилган[2].

3. «Фарғона саҳифаси» газетаси - 1917 йил 15 мартдан Наманганда таниқли татар матбаачиси Хусайн Макаев томонидан ўзбек тилида нашр этилган. Газетанинг 19 та сони[3] чиққан холос[4].

4. «Кенгаш» газетаси - Тошкентда Аҳмад Заки Валидий Тўғон ва Мунаввар Қори муҳаррирлигида 1917 йил 25 июндан 1917 йил октябрга қадар Туркистон мусулмон марказий шўросининг нашри сифатида чоп этилган.

5. «Шўрои Ислом» газетаси – Тошкентда А.Баттол муҳаррирлигида 1917 йил 16 майдан 1917 йил июнга қадар «Шўрои Исломия» ташкилоти нашри сифатида ўзбек тилида чоп этилган[5].

6. «Чаён» журнали – Тошкентда Халиф Тулаков ва Иброҳим Тоҳирий муҳаррирлигида 1917 йил июндан 1918 йил августга қадар Туркистон миллий ишчилар секциясининг нашри сифатида татар тилида чоп этилган.

7. «Чўл чаён» журнали – Тошкентда Иброҳим Тоҳирий муҳаррирлигида 1918-1919 йилларда татар тилида нашр этилган[6].

8. «Халқ дорулфунуни» - Тошкентда Мухтор Бакир (Бакиров) муҳаррирлигида 1918 йил 31 майдан бошлаб Туркистон халқ университетининг нашри сифатида чоп этила бошлаган[7].

---

[1] Ш.Турдиев ўз тадқиқотида “Улуғ Туркистон” газетаси 1917 йил февраль инқилобидан сўнг А. Баттол муҳаррирлигида нашр этила бошланган, дея нотўғри маълумот келтирган. Қаранг: Турдиев Ш. Среднеазиатские татары… – С. 177.

[2] Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари давр миллий матбуотида (1917 йил февраль-1918 йил ўрталари): Тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 2000, - Б. 24; Қаранг: Германов В.А. Профессор Пулат Салиев и его время. – Т.: Фан, 2002. – С. 15,16.

[3] А.Расулов ўз тадқиқотида “Фарғона саҳифаси” газетасининг 40 та сони чиққанлигини қайд этган. Қаранг: Расулов А.Н. Интернациональная помощь… - С. 205.

[4] Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг… – Б. 15.

[5] Турдиев Ш. Среднеазиатские татары…- С. 177.

[6] Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари ... - Б. 23-29.

[7] Халқ дорулфунуни. 1918. 31 май.

Мазкур газета ва журналлар орасида машҳур татар маърифатпарвари Кабир Бакир (Бакиров) муҳаррирлигида нашр этилган «Улуғ Туркистон»[1] газетаси алоҳида ўрин тутади.

К.Бакир (1880-1938) журналистлик фаолиятини 1905 йил 2 сентябрдан Петербургда татар тилида Атаулло Боязидов муҳаррирлигида чиқа бошлаган «Нур» газетасида бошлаган эди. Кейинчалик у «Вақт» ва бошқа газеталар мухбири бўлиб ишлаган пайтда кўп маротаба Туркистонда бўлиб, бу ердаги ҳамкасблари билан дўстлик ришталарини боғлаган. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Тошкентга келиб, «Улуғ Туркистон» газетасининг ташкилотчиси ва муҳаррири бўлган.

«Улуғ Туркистон» газетасининг биринчи сони «Туркестанские ведомости» босмахонасида 1917 йил 25 апрель куни чиққан. Обуна учун «ғазитанинг баҳоси йиллиқ 7 сўм, олти ойлиқ 4 сўм, уч ойлиқ 2 сўм 25 тийин» нарх белгиланган. Газета 4 саҳифадан иборат бўлиб, унинг биринчи бети юқори қисмида эълон (реклама – диссертант) ундан сўнг кунниг энг муҳим воқеаси баён этилиб, кейинги саҳифаларда «Телеграф хабарлари», «Сиёсий аҳвол», «Адабиёт», «Доҳилия хабарлари», «Туркистон хабарлари», «Тошканд хабарлари» ва яна охирида эълонлар ўрин олган.

«Улуғ Туркистон» газетасини чиқариш йўлидаги иқтисодий масалалар тошкентлик Раҳим Туминов, Латиф Явушев, Халил Ширинский, Сафарали Сутушов ва Муборакшо Эшимбоев сингари татарлар томонидан ҳал этилган[2]. Тошкентда машҳур бўлган Яушевлар оиласи ҳам газетанинг ташкилотчиларидан бири эди[3].

Дастлабки пайтларда «Улуғ Туркистон» газетаси ўз нашриётига эга бўлмаганлиги унинг доимий чиқиб туришига салбий таъсир кўрсатган.

---

[1] “Улуғ Туркистон” газетаси Туркистон татарларининг Марказий бюроси нашри ҳисобланган.
[2] Тошкандда мусулмон матбааси // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.
[3] Менгер Эхметвели. Имтиязли бохаралылар // Гасырлар авазы-Эхо веков,-№ 3/4, 1996. -С.118.

1917 йил декабрдан бошлаб, газета ўз матбаасига эга бўлгандан сўнг унинг ҳафтада 3-4 марта босилишига имконият туғилган[1].

Иқтисодий муаммоларнинг кучайиб бориши ўз навбатида газета сотувига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Бу омил газетани кенг миқёсда сотилишини тақозо этарди. Шу сабабга кўра, 1918 йил бошларидан «Улуғ Туркистон» газетасини Тошкент темир йўлининг йирик станцияларида ҳам сотиш йўлга қўйилган[2].

«Улуғ Туркистон» газетасида босилган мақолаларни ўрганиш жараёнида унинг ўз олдига қўйган мақсади Россия ҳудудида яшовчи «турк-мусулмон халқи»ни ягона мухториятга бирлаштириш, уларни (ўзбек, қозоқ, татар-бошқирд – диссертант) алоҳида-алоҳида мухторият тузишларига йўл қўймаслик ғоялари тарғиб этилганини кўриш мумкин. Хусусан, газетанинг 1917 йил сонларидан бирида: «Ҳуррият эълон қилинув ила (1917 йил февраль инқилоби назарда тутилмоқда – диссертант) Тошканддаги нўғойлар масжидида тотор, сартия ва қозоқлардин иборат уч-дўрт минг кишилик бир митинғ ёсолди. Ҳуррият ва эрклик ҳурматина ғоят таъсирли нутқлар сўйланди. Охирида бир овоздин «Битсун тоторлиқ, сартиялиқ, қозоқлиқ! Яшасун мусулмонлиқ ва турклиқ!» дея фотиҳа қилинди. Мундин сўнг ҳеч бир вақт сартия, қозоқ, тотор дея турк болаларини турли исминда юрутуб айирма ёсомасқа қарор берилди...» дея хабар берилган[3].

«Улуғ Туркистон» газетасининг асосий мавзуларидан бири Туркистон ўлкасида яшовчи татарларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолиятларини кенг ёритиб боришдан иборат эди. Газетанинг деярли ҳар бир сонида Тошкентдаги Марказий татар шўроси, «Иттифоқ» жамияти, «Муслималар нашри маориф жамияти», Қўқон, Каттақўрғон, Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Намангандаги татар жамиятларининг ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки ҳақидаги хабарлар чиқиб турарди.

---

[1] Улуғ Туркистон. 1917. 24 декабрь.
[2] Ғазита ўқувчиларға // Улуғ Туркистон. 1918. 24 январь.
[3] Улуғ Туркистон. 1917. 30 апрель.

1917 йил 3 апрелда ташкил этилган «Иттифоқ» жамияти Тошкент шаҳрида яшовчи татарлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан биргаликда ўлка сиёсий ҳаётида ҳам фаол ҳаракат олиб борган.

1917 йил февраль инқилобидан сўнг Янги Бухоро (Когон)да яшовчи татарлар ҳам ўз жамиятларини тузганлар ва мактаб қуриш учун пул жамғарганлар. Бухоро амири Саид Олимхондан мактаб учун ер сўраганлар. Амир уларга яхши бир бино ҳадя этиш билан бирга, шу бинони таъмирлаш учун 20 минг сўм пул ҳам берган. Бу воқеа Бухорода яшовчи татарларнинг чексиз қувончига сабаб бўлган. Мана шу вақтдан эътиборан Эски Бухорода ҳам татар жамиятининг шўъбасини очиш учун ҳаракатлар бошлаб юборилган[1].

1917 йил май ойи бошларида Қозондан А.Баттол ва Исмоил абзи Туркистонда матбаа ишларига ёрдам бериш учун келганлар. «Улуғ Туркистон» газетаси таҳририяти томонидан «…Қозон мусулмонларининг шундайин муҳим замонда Туркистондаги мусулмон қардошларин эсларина олиб кўрсатган бу зўр ёрдамлари» учун миннатдорчилик билдирилган. А.Баттол ва Исмоил абзи «Шўрои Исломия» ташкилотига аъзоликка қабул қилинганлар. Уларнинг келиши билан «Турон» газетаси чиқарилиши тўхтатилиб, янги «Шўрои Исломия» газетасини чиқаришга қарор қилинган[2].

«Умид» («Улуғ Туркистон») матбаа ширкати томонидан 1917 йилда кўрилган фойдадан 20 минг сўмни ўқитувчилар тайёрлаш мактабига топширилган. Ширкат Низомига кўра, йиллик кўрилган соф фойданинг 20 фоизи идора аъзоларига берилиши керак эди. Бироқ идора аъзолари Раҳим Туминов, Муҳаммаджон Ўразаев, Алисафар Сутушов, Жалолиддин Тожиддинов, Мухтор Бакир ва Кабир Бакирлар ўз улушларини олмай

[1] Бухорода тотор жамияти // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.
[2] Тошканд хабарлари, Мусофирлар // Улуғ Туркистон. 1917. 13 май.

Марказий татар бюроси ва «Иттифоқ» жамияти томонидан таъсис этилган ўқитувчилар тайёрлаш мактабига беришни лозим топганлар[1].

«Улуғ Туркистон» газетасининг 1917 йил 24 декабрдаги 46-сонидан бошлаб, сарлавҳада «Яшасун Туркистон Мухторияти» шиори пайдо бўлган. Туркистон Мухторияти тор-мор келтирилгандан кейин (1918 йил 18-19 февраль) 21 мартдан эътиборан бу шиор бошқа шаклда ўзгартирилган[2]. Албатта, бу Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий ҳолатдаги ўзгаришлар билан боғлиқ эди.

«Улуғ Туркистон» газетаси таҳририяти ходимлари 1918 йил 23 февралдан махсус журнал чиқаришни режалаштирганлар. Бу журналдан келадиган фойда очликдан азоб чекаётганларга ёрдам кўрсатишга сарфланиши кўзда тутилган. Журнални чиқаришга тошкентлик бойлар томонидан қоғоз учун, муҳаррир ва ҳарф терувчилар эса ёзув билан ёрдам кўрсатишлари кўзда тутилган[3].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Туркистон татарлари ҳар қандай таҳликали ҳолатларда ҳам ўлка халқлари билан елкама-елка туриб, сабот билан кураш олиб борганликларини тасдиқлайди. Большевиклар режими ўрнатилиб, миллий тараққийпарварларга нисбатан тазйиқлар кучайиши, молиявий ҳолат ёмонлигига қарамасдан, «Улуғ Туркистон» газетаси нашр этиш давом этган.

1918 йил 28 апрелда Тошкентдаги барча нашриётлар совет ҳукумати қўлига ўтганлиги эълон қилинди. Шу жумладан «Улуғ Туркистон» газетасининг «Умид» матбааси ҳам барча асбоб-ускуналари билан ҳукумат томонидан тортиб олинган. Мазкур матбаа марказий татар бюроси ташаббуси билан ташкил этилиб, унинг учун алоҳида ширкат ҳам тузилган эди. Бу ширкатга бутун Туркистон ўлкасидан юзга яқин киши аъзо бўлиб,

---

[1] «Умид» ширкатининг ҳиммати // Улуғ Туркистон. 1918. 24 январь.
[2] Газетанинг 1918 йил 21 март сонидан бошлаб бу «Яшасун Миллатлар Мухторияти» шиори билан алмаштирилган.
[3] Қардош кўмаги // Улуғ Туркистон. 1918. 23 февраль.

уларнинг аксариятини муаллимлар, муҳаррирлар, ҳарф терувчи ва бошқалар ташкил этарди[1].

1918 йил охирларига келиб, оғир иқтисодий ҳолат ва тазйиқлар остида газетанинг нашр этилиши ўз поёнига етди. Марказдан «Миллий ишлар секцияси»га расмий ва фавқулодда комиссар ваколати билан келган Ориф Клевлеев секция мажлисида «Улуғ Туркистон» газетасини бутунлай тўхтатиб, унинг ўрнига «Янги Улуғ Туркистон» номли большевиклар сиёсатига мос бошқа бир газета чиқаришни таклиф қилган. Бу фикр дастлаб қўллаб-қувватланмаган бўлса-да, секциянинг сўнгги мажлисида «Иштирокиюн» номли газета чиқаришга қарор қилинган. Шунингдек, маҳаллий аҳоли устидан назорат олиб бориш ва муҳаррирлар фаолиятини муайян йўлга солиш учун хусусий матбаа дастгоҳларини йиғиш, матбуот билан шуғулланадиган барча мусулмон жамоасини бир ерга жамлаб, мусулмон органларини тузишга қарор қилинган. Бу тадбирларни амалга ошириш вазифаси матбуот ходими Абдулҳамид Бекқулов зиммасига юклатилган[2].

Шундай бўлишига қарамасдан, қарийб икки йил давомида нашр этилган «Улуғ Туркистон» газетаси Туркистон ўлкаси матбуотчилиги тараққиётида муҳим ва сезиларли из қолдирди.

«Чаён» журнали 1917 йил июнь ойида татар ва ўзбек миллий зиёлилари ғоялари тарғиботчиси сифатида дунёга келди. Журнал икки ҳафтада бир марта Тошкентдаги «Ғуломия» босмахонасида Халиф Тулаков ва Иброҳим Тоҳирий муҳаррирлигида нашр этилган. Журналнинг 1917 йили 12 та, 1918 йилда 19 та сони босилиб, Туркистон Халқ комиссарлиги миллий ишлар секцияси томонидан тўхтатилган[3].

1917 йил декабрдан Наманганда татар жамияти томонидан Ҳ.Макаев муҳаррирлигида «Фарғона нидоси» номли янги газета чиқа бошлаган. Га-

---

[1] «Умид» матбааси олинди // Улуғ Туркистон. 1918. 30 апрель.
[2] Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари …- Б.32.
[3] Ўша жойда. - Б. 30.

зетанинг тез-тез чиқиб туриши ва энг сўнгги маълумотларни мукаммал етказиб бериши билан бошқа газеталардан фарқланар эди[1].

1917 йил сентябрь ойидан бошлаб, Перовск шаҳрида Туркистонда илк марта болалар учун Ҳамза Газизов томондан «Болалар товуши» номли газета нашр этила бошланган[2].

Аҳмад Заки Валидий Тўғон ўлка миллий матбуотида ҳам фаол иштирок этиб борган. Унинг Туркистон миллий матбуотида: Сайловларда хотин-қизларнинг иштироки («Кенгаш», 1917 йил 25 июнь), Туркистонда ташкилот масаласи («Кенгаш», 1917 йил 19 июль), Мусулмонлар огоҳ бўлинглар («Кенгаш», 1917 йил 28 июль), Навбатдаги масалалар олдинда («Кенгаш», 1917 йил 11 август), Миллий руҳоний бойларимиз («Юрт», 1917 йил 1,2-сонлар) каби мақолалари чоп этилган эди[3].

Таъкидлаш жоизки, татар матбуоти ва Туркистондаги яшовчи татар маърифатпарварлари ўлкада миллий матбуот ва матбаа ишларини ташкил этишда катта хизмат қилдилар. Шу билан бирга манбалар тахлили татар матбуоти туркистонлик тараққийпарварларнинг матбуот билан танишишларида муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади[4].

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг маҳсули сифатида XX аср бошларида миллий театр санъати вужудга келди. Ушбу санъат турининг шаклланишида рус, озарбайжон сайёр труппалари билан биргаликда татар театр труппалари ҳам катта аҳамият касб этган. Ўзбек жадид драматургиясининг вужудга келиши ва шаклланиши бўйича тадқиқотлар олиб борган Ш.Ризаевнинг таъкидлашича, ўзбек миллий театр санъатининг туғилишига татар сайёр театр жамоалари муҳим туртки берган эди[5].

---

[1] Фарғона нидоси // Улуғ Туркистон. 1917. 31 декабрь.
[2] Улуғ Туркистон. 1918. 11 январь.
[3] Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари... – Б. 49.
[4] Қаранг: Қодирий Ҳ. Отам ҳақида (Хотиралар). –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. - Б. 16; Муин Ҳ. Танланган асарлар... – Б. 6,29.
[5] Ризаев Ш. Жадид маърифатчилиги ва театр // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999. – Б. 119.

Татарлар Европа театр санъати билан Туркистон аҳолисига қараганда анча олдинроқ танишган бўлиб, ўлкада яшовчи татарлар томонидан бадиий кечалар ташкил этиш одат тусига кирган эди. Жумладан, Тошкентда савдо ишлари билан шуғулланувчи Шариф Яушев доимий равишда Москвадан бадиий оркестрларни олиб келиб Тошкентдаги ўз боғида концерт дастурларини ташкил этган. Ушбу зиёфатларга К.П. фон Кауфман бошлиқ генерал-губернаторлик вакилларини ҳам таклиф этиб, ўз фаолияти учун лозим бўлган кўплаб сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритган эди[1].

Тошкентда истиқомат қилувчи генерал Соҳиб Гиреевич Еникеев хонадонида ҳам доимий равишда санъат кечалари ўтказиб келинган. 1904 йилнинг 4 апрелида шу хонадонда Навмиқ Камолнинг «Ишқ балоси» спектакли Туркистонда яшовчи татар ҳаваскорлари томонидан намойиш қилинган[2]. Мазкур спектакль намойиши бошланишидан олдин полковник Абубакр Диваев сўзга чиқиб, Европа театри ҳақида маъруза қилган. Хонадон эгаси С.Г.Еникеев бошқирдистонлик татарлардан эди. Унинг турмуш ўртоғи Саодатхоним Еникеева эса Қўқон хони Худоёрхоннинг Санкт-Петербургдаги элчиси Мирза Ҳаким парвоначининг татар хотинидан дунёга келган эди. Саодатхоним Тошкент аёллар гимназиясида таҳсил олиб, европача тарбия олган, рояль чалишни биладиган маърифатпарвар аёллардан бўлган. С.Г.Еникеев Россия империясининг Туркистондаги армияси сафида офицер сифатида хизмат қилган. У Асака уезди бошлиғи лавозимида ишлаётган пайтда 1898 йилги Дукчи эшон қўзғолонига хайрихоҳ бўлганликда айбланиб истеъфога чиқарилган эди[3]. Истеъфодан сўнг С.Г.Еникеев Тошкентда яшаб, Туркистонда истиқомат қилувчи татарларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилган. Шу мақсадда бир неча бор Санкт-Петербургга ҳукумат расмийлари билан музокара учун борган[4].

---

[1] Менгер Э. Имтиязли бохаралылар // Гасырлар авазы - Эхо веков, 1996. -№ 3/4. - С. 118.
[2] Гулям Г. Габдулла Тукай и наш поэт… – С. 19,20; Турдиев Ш. Среднеазиатские татары… - С. 175.
[3] Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филология фан. номз … дисс. –Т., 1995. – Б. 31.
[4] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1470-иш, 84-варақ орқаси ва 85-варақ.

1909 йили С.Г.Еникеев ва Саодатхоним хонадонида татар ҳаваскорлари томонидан «татар драматургиясининг отаси» Алиасқар Камолнинг[1] «Биринчи театр» номли комедияси қўйилган. Мазкур комедия саҳна кўринишларида ўзбек зиёлиларидан А.Авлоний ҳам иштирок этган эди[2].

С.Г.Еникеев ва Саодатхоним саъй-ҳаракатлари туфайли Тошкентда бадиий татар ҳаваскорлари жамоаси юзага келган. Улар томонидан 1909 йили Тошкентда «Мусибати Фахриддин» ва «Қизлар қандай кулалар» номли спектакллар намойиш этилган. 1910 йилдан бошлаб эса Тошкентда доимий татар театр жамоаси иш бошлаган. Мазкур труппада озарбайжон, татар ва рус драматургиясининг сара намуналари саҳналаштириб борилган[3].

Қўқонда яшаб, фаолият кўрсатган татар зиёлиси А.Шагидуллинов 1908 йили тўрақўрғонлик жадид мунаввари Исҳоқхон Ибрат таклифига кўра, Наманганга келиб, «Матбааи Исҳоқия»ни ташкиллашда иштирок этган. Унинг меҳнат ва ижодий фаолияти серқирра бўлиб, 1911 йили «Фалокатзода» номли қисса ва Туркистон тарихида биринчи бор ўзбек тилида «Маҳрамлар» номли 3 пардали драмасини ёзиб, 1912 йили «Матбааи Исҳоқия»да нашр эттирди[4]. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси ҳам айнан шу йилда ёзилган бўлса ҳам 1913 йили нашр этилган эди. Биринчи ўзбек миллий драмаси масаласида бу икки драма ва унинг муаллифлари олимлар ўртасида ҳозирги кунга қадар ҳам тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Татаристон театр труппалари Туркистонга 1911 йилдан бошлаб ташриф буюрганлар. 1911 йили Илёсбек Кудашев-Ашказарский раҳбарлигидаги профессионал татар «Сайёр» театр труппасининг Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухорода бўлиши ҳам ўлкада маҳаллий театрчилик ишлари ривож-

---

[1] Арсланов М. Гаяз Исхакый һэм татар театры // Гаяз Гаяз Исхакый һэм татар доньясы. – Казань: Фикер, 2000. – Б. 38 .
[2] Ризаев Ш.Саҳна маънавияти. –Т.: Маънавият, 2000. – Б. 88.
[3] Ризаев Ш. Жадид маърифатчилиги ва театр… – Б. 119; Унинг ўзи. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари... – Б. 31.
[4] Ризаев Ш. Жадид драмаси …- Б. 126,127.

жига катта таъсир кўрсатган. «Сайёр» театр труппаси 1908 йилда Қозонда И.Ашказарский, С.И.Волжская ва А.Қориев ташаббуслари билан ташкил топган эди. «Сайёр» труппаси таъсирида 1912 йилда Уфа татарлари томонидан «Нур» номли театр труппаси ҳам фаолият кўрсата бошлаган[1].

«Сайёр» труппаси 1911 йили Тошкент, Бухоро ва Фарғона водийси шаҳарларида Алиаскар Камолнинг «Бахтсиз йигит», «Ўйнаш», «Бизнинг шаҳар сирлари», «Дажжол», Исҳоқ Богдановнинг «Камбағаллик айб эмас» номли саҳна асарларини намойиш этган. Орадан бир йил ўтиб, таниқли татар актрисаси Соҳибжамол Иззатуллина Волжкая Уфадан «Нур» номли театр гуруҳи билан келиб, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Марв, Чоржўй шаҳарларида спектакллар намойиш этган[2].

1913 йили И.Кудашев-Ашказарский Тошкентда яна бир доимий фаолият кўрсатувчи татар труппаси тузишга раҳбарлик қилди. Труппа ишини ривожлантириш учун 1914 йилдан таниқли татар режиссёрлари Заки Боязидский ва Мустафо Мансуров таклиф этилди[3]. Улар татар труппасида фаолият кўрсатиш билан бирга асосан ўзбек ёшларидан тузилган «Турон» театр труппаси[4] ишларини мувофиқлаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. «Турон» театр труппаси 1914 йил декабрда татар режиссёри Муҳаммадёров раҳбарлигида «Истанбул» ва Заки Боязидский режиссёрлигида «Тўй» пьесаларини саҳналаштирдилар[5].

И.Кудашев-Ашказарский раҳбарлигидаги «Сайёр» труппасининг 1913 йилдаги Туркистонга иккинчи ташрифи ва Тошкент, Наманган, Когон, Бухоро шаҳарларида спектакллар намойиш этилиши ўлкада театр санъати-

---

[1] История Татарской АССР. – Казань: Татарское книжное издательство, 1980. – С. 115.
[2] Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари… – Б. 32.
[3] Махмутов М., Илялова И., Гиззат Б. Октябрьгэ кадэрге татар театры. – Казань: Татарстан китап нэшрияты, 1988. – Б. 158; Қаранг: Илялова И. Межнациональные связи татарского театра. – Казань: Татарское книжное издательство, 1985. – С. 66.
[4] «Турон» театр труппасига ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний томонидан 1913 йил охирларида асос солинган эди. Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш… – Б. 247.
[5] Ризаев Ш. Саҳна маънавияти… – Б. 89.

нинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига ҳам маънавий, айни чоғда бевосита амалий ёрдам берган[1].

1913 йили «Сайёр» труппасининг яна бир вакили Абдулла Қориев ўз жамоаси билан Симбирск, Самара, Саратов, Царицин, Астрахан, Боку шаҳарларидан сўнг, Туркистоннинг Чоржўй, Марв, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон, Тошкент, Туркистон, Оқмачит, Қозоли каби шаҳарлари бўйлаб сафарда бўлиб спектакллар намойиш этган. Бу ҳол ТРМБ бошлиғи Сизихни жиддий ташвишлантирган. Сизих А.Қориев тўғрисида Қозон губерния жандармерия бошқармаси бошлиғи, подполковник Добродеевдан маълумот сўраган. Ундан олинган махфий маълумотга қараганда, татар актёри А.Қориев шу йил қиш яқинлашиши муносабати билан Нижний Новгороддан Қозонга қайтиб келган. А.Қориев кенг дунёқарашли ва маърифатли киши бўлиб, Қозонда бўлган пайтларида доимий равишда мадраса талабалари билан учрашиб турган. У ўзи сафарда бўлган шаҳарларда татарлар билан учрашиб, улар томонидан олиб борилаётган маърифий ишлар тўғрисида қозонлик маърифатпарварларга сўзлаб берган. Қозон губерния жандармерия бошқармаси бошлиғи бу маълумотларни етказиш билан бирга ТРМБ бошлиғи Сизихга А.Қориев фаолиятини жиддий назорат остига олиниши фойдадан ҳоли бўлмаслигини маслаҳат берган эди[2]. Ўз навбатида подполковник Сизих Тошкент, Туркистон, Перовск, Аральск, Красноводск, Ашхобод, Марв, Мурғоб, Чоржўй, Самарқанд, Черняев, Сирдарё ва Марғилон полиция бошқармаларига йўллаган хатида А.Қориев фаолиятини қатъий назоратга олишни буюрган эди[3].

Таъқиб ва тазйиқларга қарамай А.Қориев «Сайёр» труппаси билан 1913 йил 8 июнда Когонда[4], 13 июнда Самарқандда спектакллар намойишини ташкил этган[1].

---

[1] Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари… – Б. 32.
[2] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1314-иш, 31,37-варақлар орқаси; Махмутов Х., Илялова И., Гиззат Б. Октябрьгэ кадэрге татар театры… - Б. 155.
[3] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1314-иш, 36-варақ орқаси.
[4] Ўша жойда, 1315-иш, 197-варақ орқаси.

Аста секин маҳаллий аҳолининг ҳам театр санъатига бўлган қизиқиши ортиб борган. 1914 йил 15 январда Самарқанднинг Янги шаҳар қисмида ўзбек ва татар ёш тараққийпарварлари биргаликда ўзбекча «Падаркуш» ва татарча «Олдадук ва олдандук» номли саҳна асарларини ижро этганлар. Спектаклларни томоша қилишга келганлар шу қадар кўп бўлган-ки, билетлар аввалдан қиммат нархларда сотилган. 320 кишилик театр залига қўшимча яна элликта жой тайёрланган. Баъзилар ўз билетларини икки баробар қимматига сотиб фойдаланиб қолганлар[2].

1914 йил 2 март куни Каттақўрғонда маҳаллий татар ва ўзбек ҳаваскорлари томонидан «Падаркуш» драмаси қўйилган. Ундан сўнг татар труппаси ўз тилларида «Эрим қайтди» комедиясини намойиш этганлар.

Бухоро амирлигида театр ишлари ташкил этиш ҳам асосан татарлар томонидан амалга оширилган. Булар асосан Қозон ва Самарқанддан келган татар труппалари бўлиб, ўз спектаклларига маҳаллий татар, ўзбек ва тожик ҳаваскорларини ҳам ижрочи ёки ташкилотчи сифатида жалб этишга уринганлар. Шу тариқа Бухорода яшовчи татарлар томонидан ҳам янги бир труппа ташкил этилиб, татар, озарбайжон ва турк пьесаларини саҳналаштира бошлаганлар. Бу труппага татар зиёлиси Ҳусайн Нажиб бошчилик қилган. Ҳ.Нажиб Беҳбудийга мурожаат этиб, «Падаркуш»ни саҳналаштиришга ижозат сўраган. Томошадан тушадиган фойдани фақир талабаларга тарқатилиши хусусида маълумот берган. 1914 йил 5 март куни Бухоронинг «Торикистон» биносида «Падаркуш» драмаси намойиш этилган. Бироқ татарлар «Падаркуш»ни маҳорат билан ижро эта олмаган бўлсалар ҳам, шу куни Алиасқар Камолнинг «Биринчи театр» комедиясини намойиш этиб, томошабинларни хушнуд этганлар[3].

1915 йил январь ойида бухоролик татарлар иккинчи бор «Падаркуш»-ни саҳнага қўйиш учун Беҳбудийдан ижозат сўраб, ўз вакиллари Тўқдор

---

[1] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1314-иш, 40-варақ орқаси.
[2] Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари… – Б. 64.
[3] Ўша жойда, – Б. 102, 103.

Жалолиддин ўғлини Самарқандга юборганлар. Бухоро татарларининг бу саҳна кўринишларида Абдурауф Фитрат ҳам фаол иштирок этган эди[1].

Туркистонга татар театр труппалари билан биргаликда қўшиқчилар ҳам гастролга келганлар. 1913 йили татар хонандаси Муҳаммад Комил Мутъей Тухфатуллин Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида бўлиб, концерт дастурлари ташкил этган. Айниқса унинг Самарқанддаги русча, арабча ва туркийча қўшиқлари катта олқишларга сазовор бўлган[2]. У шундай ижодий сафарини 1914 йилнинг ёзида Фарғона водийси бўйлаб амалга оширган эди[3]. Мана шундай гастрол сафарлари Туркистонда яшовчи татарларни ҳам мусиқа йўналишида фаолият юритишга ундаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. 1914 йил 5 июндан Тошкент шаҳрида Мустафо Мансуров бошчилигида татар мусиқа тўгараги иш бошлаган. Бироқ бу тўгарак ривожланиши учун ижтимоий замин етарли бўлмаганлиги сабабли қисқа вақт ичида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган[4].

Маҳаллий татарлар томонидан уюштиралаётган кўплаб кўнгилочар тадбирлар ва спектакллар асосан хайрия мақсадларини кўзлаган. «Шаҳрисабзлик» лақабли махфий хизматчи томонидан берилган маълумотда келтирилишича, 1914 йил 6 августда татар ҳаваскор театр тўгараги спектакллар намойишидан тушган маблағни ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг оила аъзоларига тортиқ қилганлар[5].

1917 йил февраль инқилобидан сўнг Туркистонда истиқомат қилаётган татарлар томонидан бадиий кечалар, спектакллар намойиш этиш кенг кўлам касб этган.

1917 йил 2 апрель куни Тошкентдаги Колизей театрида биринчи бор «Тўқай кечаси» ташкил этилган. Кеча тўрт қисмдан иборат бўлиб, 1,2,3-

---

[1] Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари… – Б. 103.
[2] Тотор хонандаси // Самарқанд. 1913. 23 август.
[3] Тожибоев Р. “Садои Фарғона” - жадид матбуоти намунаси // Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. –Т.: Маънавият, 2001. – Б. 77.
[4] ЎзР МДА И.461-фонд, 1-рўйхат, 1470-иш, 106-варақ орқаси.
[5] Ўша жойда.

қисмларда Ф.Сутушова, М.Яқубова ва Ш.Бойбурова Тўқайнинг хотин-қизлар масаласидаги фикрлари, Н.Сайфулмаликов эса Тўқайнинг таржимаи ҳоли, Ф.Султонбек бўлса Мисиринский ва Тўқайнинг татар миллатига кўрсатган хизматлари ҳақида гапирганлар. Кечада Тўқайнинг шеърларидан намуналар ўқилиб, унинг халқни илм-маърифатга ундашга бағишланган фаолияти ҳақида саҳна кўринишлари намойиш этилган[1].

1917 йил 19 майда Бухорода татар ва Кавказ ҳаваскор актёрлари томонидан маданий кеча уюштирилган. Унда «Адашув» номли комедия ва Шокир Анбулатнинг «Чингизхон қабрида» номли уч пардали тарихий пъесаси қўйилган. Татар миллий қўшиқлари куйланиб, Кавказ рақслари намойиш этилган. Кечада Туркистон комитети аъзоларидан С.Мақсудий ҳам иштирок этган ва томоша якунида сўз олиб халқни бирлик ҳамда иттифоққа даъват этган[2]. Шу куни татарларнинг миллий театрлари ташкил топганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан Астраханда мусулмон ўқитувчилар жамияти ва ёшлар уюшмаси ташаббуси билан юбилей кечаси ташкил этилган эди[3].

1917 йил 5 майда Янги Бухоро (Когон) шаҳрида Фитрат ва Камолиддин Нўғай саъй-ҳаракатлари билан «Кўҳна туркба» номли уч пардали драма қўйилган. Мазкур саҳна асари аслида Эски Бухорода қўйилиши режалаштирилган эди. Лекин бу ерда бўлиб ўтган сўнгги даҳшатли воқеалар (1917 йил 8 апрелда «Ёш бухороликлар» намойишининг ўққа тутилиши – диссертант) муносабати билан уни Янги Бухорода қўйишга қарор қилинган. Спектакл намойиши маҳаллий аҳолида жуда катта қизиқиш уйғотган ва катта олқишларга сазовор бўлган. Шу куни томошадан тушган 786 рубль соф фойда «Шўрои исломия» жамияти хазинасига берилган[4].

---

[1] Тўқой кечаси // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.
[2] Бухорода тотор жамияти // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.
[3] Тоторларнинг миллий саҳналарина ўн йил тўлуви // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.
[4] Туркистон хабарлари // Улуғ Туркистон. 1917. 13 май.

1917 йил 1 декабрда Тошкентда Фотима Ильская ва Фотиҳ Кабир ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан «Сайёр» труппаси ҳамда «Чўлпон» тўгараги аъзолари «Сотошқон қиз» номли тўрт пардали спектакл намойиш қилганлар[1].

Тошкентда муқим яшовчи татарлар 1917 йил бошларида Нўширвон Явушевнинг «Чингизхон» номли тарихий пъесасини саҳнага олиб чиққанлар[2]. 1917 йил декабрда «Умид» матбааси мазкур бир пардали тарихий пьесани нашр этиб, сотувга чиқарган[3].

1917 йил 14 декабрда мавлуд байрами муносабати билан Каттақўрғонда татарлар жамияти томонидан «Иттиҳод ва тараққий» жамияти фойдасига кеча ўтказилган. У татар мактабида ўқувчи болалар томонидан уч бўлимдан иборат тарзда ташкил этилган. Биринчи бўлимда шеърхонлик, иккинчи бўлимда мусиқали чиқишлар, учинчи бўлимда «Ийимчилар қурбони» номли бир пардали драма намойиш этилган[4]. 24 декабрда эса Тошкентда сиёсий аҳвол жиддийлигига қарамай татарлар томонидан шаҳардаги биринчи татар мактаби фойдасига спектакль намойиши ташкил этилган. Вазият ўта таҳликали бўлса-да, анча кўп томошабин йиғилган. Кўрилган 1300 рубль соф фойда эса татар мактаби ихтиёрига берилган[5].

1918 йил 2 февралда «Қозоли мусулмон театр тўгараги» томонидан ўзбекча-татарча спектакль намойиш этилган. Спектаклга томошабинлар шунчалик кўп тўпланган эдилар-ки, билетлар етишмаганлигидан одамларни киритиш учун назорат маркаларидан ҳам фойдаланилган[6]. Шу куни олинган 470 рубль 14 копеек соф фойда тўгарак ихтиёрда қолдирилган.

Большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши ва олиб борилган сиёсат оқибатида нафақат Россиянинг ички губерниялари, балки Туркис-

---

[1] Тоторча тиётр // Улуғ Туркистон. 1917. 13 декабрь.
[2] Ризаев Ш.Т. Жадид драмаси…- Б. 90.
[3] Янги китоб // Улуғ Туркистон. 1917. 13 декабрь.
[4] Каттақўрғонда қўйилғон кечанинг ҳисоби ва ташаккур // Улуғ Туркистон. 1918. 7 январь.
[5] Тоторча тиётр ва болалар эртаси // Улуғ Туркистон. 1917. 31 декабрь.
[6] Қозоли // Улуғ Туркистон. 1918. 2 март.

тонда ҳам ижтимоий-сиёсий, иқтисодий танглик вужудга келди. Бу ўз навбатида Туркистонда эндигина ривожланиб келаётган миллий театр тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатган. «Улуғ Туркистон» газетасининг 1918 йил 23 март сонида берилган хабарга кўра, 18 мартда Тошкентдаги ҳарбий кенгаш залида маҳаллий ўқувчилар «Гулистон» жамияти томонидан «Ишқнинг фуртунаси» номли тўрт пардали драма қўйилган. Бироқ бу спектакл кутилгандек яхши натижа бермаган[1].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Туркистонда театр санъатининг юзага келишига татар зиёлилари муносиб хисса қўшдилар. Бу ҳол кейинги жараёнда маҳаллий аҳоли маданий онгининг ривожланишида муҳим омиллардан бири бўлди.

3.3. Туркистон Мухторияти учун курашда татар-бошқирд зиёлиларининг иштироки

Петроградда 1917 йил 28 февралда амалга оширилган демократик инқилоб натижасида Россияда уч юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган Романовлар сулоласи тахтдан ағдарилди. Россиядаги инқилоб ҳақидаги хабар Туркистонда 3 мартга қадар аҳолидан яшириб турилди. Бу билан Туркистоннинг сўнгги генерал-губернатори А.Н. Куропаткин (1916-1917) император ҳокимиятининг тикланишига умид боғлаган эди. Бироқ 3 март куни Россия императори Николай II нинг тахтдан воз кечганлиги тўғрисидаги Манифестнинг эълон қилиниши, унинг барча умидларини пучга чиқарди.

Инқилоб Туркистонда маҳаллий аҳоли қатори татарлар томонидан ҳам катта қувонч билан кутиб олинди. 1917 йил 14 марта Тошкентда «Шўрои Ислом» ташкилотининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда маҳаллий аҳоли вакилларидан сайланган 61 кишидан иборат янги таркибда татар вакиллари ҳам бор эди[2].

---

[1] Мусулмонча тиётр // Улуғ Туркистон. 1918. 23 март.

[2] Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: Шарқ, 2000. – С. 21-22; Қаранг: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида… – Б. 24.

1917 йил 4 апрелда Тошкентдаги рус-татар мактаби биносида бўлган йиғилишда татар зиёлиларининг Туркистонда фуқаролик мавқеларини кўтариш мақсадида «Иттифоқ» жамияти тузилди[1].

Мазкур жамиятнинг шу йил 14 майдаги умумий мажлисида Низоми қабул қилинди ва яширин овоз бериш йўли билан Хайрулла Раҳматуллин, Абдурашидов, Халил Ширинский, Абдуллажон Сафагиров, Иброҳим Тоҳирий, Раҳим Нуъмонов, С.Нуриддин, Собиржон Юсупов, Раҳимжон Худойберганов, Искандар Чанишев, Абдураҳим Абдуҳолиқов, Содиқ Абдусатторов, Қодир Бўлатов, Искандар Шамсуддинов, Ғози Юнусов ва бошқалар, жами 21 киши идора аъзолигига сайландилар[2].

1917 йил 7 апрелда Муваққат ҳукумат Туркистон ўлкасини бошқариб туриш учун 9 кишидан иборат Туркистон қўмитасини тузиб Тошкентга юборди. Унинг таркибида татарлардан 3-чақириқ Давлат думаси аъзоси Садри Низамович Мақсудов (Мақсудий) ва кадетлар партияси аъзоси генерал-майор Абдулазиз Азизович Давлетшин бор эди[3].

Туркистон қўмитаси аъзоси С.Н.Мақсудов Халқ маорифи ва маданияти масалалари, А.А.Давлетшин эса Туркистон ўлкаси билан чегара жойларга оид ишлар, маҳаллий вилоятларда ер тузиш ишлари, вилоят ҳарбий идоралари масалаларига масъул этиб белгиланган эдилар[4].

Туркистон қўмитаси раиси Шепкин 13 майда Муваққат ҳукумат бошлиғи княз Львов номига ёзган мактубида қўмита таркибидаги мусулмонларнинг (С. Мақсудов, А. Давлетшин, А. Букейхонов, М. Тинишпаев – диссертант) зарарли ҳаракатлари ҳақида маълумот берган эди[5]. Бундан маълум бўладики, қўмита таркибидаги мусулмонлар Муваққат ҳукумат фойда-

---

[1] Иттифоқ жамияти // Улуғ Туркистон. 1917. 25 апрель.
[2] Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). –Т.: Маънавият, 2002. – Б. 7-8.
[3] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида … – Б. 30; Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари… – Б. 44; Абдурахимова Н, Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими… – Б. 154.
[4] Togan Z.V. Hatiralar. Turkistan ve diger musluman dogu turklerinin milli varlik ve kultur muçadeleri. – Istanbul, 1969. – Б. 152.
[5] Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000. – Б. 50.

сига эмас, балки ўлка мусулмонлари шўроси манфаатлари йўлида ишлаганлар. Туркистон қўмитаси ўлкадаги уч ҳокимиятчилик шароитида маҳаллий сиёсий арбоблар томонидан қўллаб-қувватланмагани боис 1 июлга бориб ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган.

1917 йил 7 апрелдан 15 апрелгача Тошкентда ишчи ва солдат депутатларининг I қурултойи бўлиб ўтди. Унда қатнашган 263 нафар депутатнинг деярли барчаси европа миллатларига мансуб вакиллар эди. Қурултойда солдат қўмитасидан вакил бўлиб қатнашган С. Юсупов ушбу йиғинга туб аҳоли вакиллари таклиф этилмаганлигидан афсусланиб, ҳокимиятни бўлиш ҳақидаги таклифга қарши чиққан. У қандай шаклда бўлмасин, Туркистонда рус ва мусулмон назорати остида ягона ҳокимият тузиш таклифини илгари сурган[1]. Туркистонда ўзини-ўзи идора қилиш масаласида Н.Маллицкий европалик ва туб аҳоли учун алоҳида органга бўлиш ҳақидаги таклифни киритган. 4 апрель куни Тошкентга етиб келган Аҳмад Заки Валидий бу фикрга қарши чиқиб, ушбу таклифни русларни маҳаллий аҳолидан ажратиб қўйиш, мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўли дея баҳолаган[2].

1917 йил 16-17 апрель кунлари Тошкентда – Туркистон генерал-губернаторлиги биносида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг I қурултойида Содиқ Абдусатторов, Заки Валидий, Ислом Шагиаҳмедов ва Собиржон Юсупов 13 кишилик мажлис ҳайъатига сайландилар. Мунаввар-қори Абдурашидхонов раислик қилган қурултой ишига Заки Валидий ва Содиқ Абдусатторов мусулмон саркотиблари этиб сайландилар[3].

А.З.Валидий «Хотиралар»ида ёзилишича, қурултой ўтказилиши режалаштирилган бўлса-да, унинг дастури мавжуд бўлмаган. У 15 апрель куни

---

[1] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида… – Б. 27.
[2] Togan Z.V. Hatiralar… – Б. 149-150.
[3] Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги…– Б. 15; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. – Т.: Университет, 2002. – Б. 6.

кечқурун дастурни ёзиб тайёрлаган ва «Туркестанские ведомости» газетаси таҳририятига топширган[1].

Қурултойнинг биринчи кунида К. Бакир Бухородаги сўнгги воқеалар ҳақида ахборот берган. Қурултойнинг иккинчи кунида янги ҳукумат тўғрисидаги масала муҳокамаси 2 соатга чўзилган. Ниҳоят С. Мақсудий минбарга чиқиб: «Ҳеч бир мамлакат ҳукуматсиз яшай олмайди. Солдат ва ишчилар ўзлари ишонган 9-10 кишига мамлакат идорасини топширдилар. Уларнинг бу ҳукумати Таъсис мажлисигача давом этади», - дея фикр билдирган. «Россиянинг идора усули қандай бўлади?» деган масалада Мунаввар Қори, М.Беҳбудий, Ш.Лапин билан бир қаторда А.З.Валидий ва К.Бакир ҳам сўзга чиқиб, алоҳида идоралар, уларнинг тутган йўллари, улардан қайси бири Туркистон учун манфаатли эканлигини мажлис аҳлига тушунтирганлар[2].

Қурултойда сўз олган А.З. Валидий Туркистоннинг қурилажак идора усули ҳақида сўз юритиб, федерал мухторият ғоясини илгари сурди. Бироқ, М. Чўқаев, И. Шагиаҳмедов, К. Бакир ва С. Мақсудий бу фикрга қарши чиққанлар. К. Бакир «Демократик Россия жумҳурияти» тузиш фикрини илгари сурган. Унинг фикрини А. Давлетшин ва С. Мақсудийлар қўллаб-қувватлаганлар. Кейинчалик К. Бакир фикридан қайтиб, миллий-ҳудудий мухторият тарафдорлари томонига ўтган[3].

Қурултойда «Россиянинг идора усули (федератив ва демократик республика) принциплари асосида чека ўлкаларга кенг мухторият берилиши лозим» деган фикрга келинган[4].

Туркистонга миллий-ҳудудий мухторият берилиши масаласи дастлаб ўлка мусулмонларининг I қурултойида илгари сурилганди. Бу ғоянинг ву-

[1] Togan Z.V. Hatiralar … - Б. 152.
[2] Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги … - Б. 16.
[3] Тоган З.В. Воспоминания… - С. 178.
[4] Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги … - Б. 16.

жудга келиши бевосита тараққийпарвар зиёлилар ва «Шўрои Исломия» ташкилоти номи билан боғлиқ эди.

Таъкидлаш жоизки, татар-бошқирдлар Туркистонга мухторият берилиши масаласида маҳаллий зиёлилар билан сиёсий курашларнинг олдинги сафларда турдилар ва биринчилардан бўлиб ушбу ғоя ташаббускорларидан бўлдилар. Жумладан, машҳур татар зиёлиси Нўширвон Явушев ўзининг «Улуғ Туркистон» газетасидаги мақоласида собиқ Россия империяси ҳудудида маданий жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлган 30 миллионли турк-татар халқлари борлиги, Туркистон уларнинг асл ватани эканлиги, Туркистонга автономия берилган тақдирда Россия ҳудудидаги бошқа турк халқлар туркистонлик қардошларига ёрдамга келишлари хусусида фикр билдирган. У миллий мухторият қўлга киритилгандан кейин, бошқариш масаласи ҳам юзага келиши, бунинг учун моддий ва маънавий куч керак бўлишини таъкидлаган. Айрим ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни назарда тутган ҳолда мухториятга қарши турган кучларни қаттиқ қоралаган. Туркистонга миллий мухторият олинган тақдирда уни мустаҳкамлаш йўлида ёш тараққийпарварлар кучига қаттиқ ишонч билдирган[1].

1917 йил 20 апрелда Таъсис Мажлисига вакиллар сайлаш масаласида М. Беҳбудийнинг сайланувчилар рус тилини билишлари шарт эмас, деган фикрига К. Бакир қарши чиқиб, сайланажак вакиллар рус тилини билиши мажбурий бўлсин деган таклифни билдирган. Унинг нуқтаи назарича, иккинчи Давлат Думасида мусулмон фракцияси аъзолари фаолияти бунинг ўта зарурлигини кўрсатган[2].

Туркистонда йирик сиёсий кучга эга бўлган «Уламо» жамияти дастлабки даврда ёш тараққийпарварлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борди. Айниқса, Туркистон мусулмонлари I қурултойида уламочилар ва та-

[1] Туркистонга автономия олув ҳақида // Улуғ Туркистон. 1917. 5 май.
[2] Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти… – Б. 97.

раққийпарварларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши, ҳамжиҳатликда мустақилликни қўлга киритиш учун ҳаракатлари рус сиёсатчилари, айниқса большевикларни чўчитиб қўйди. Аммо кейинчалик европаликлар томонидан «бўлиб ташла, ҳукмронлик қил» ақидаси асосида олиб борилган сиёсат туфайли улар ўртасида бўлиниш юзага келди. Эндиликда уламочилар «Шўрои Исломия» ташкилотига қарама қарши ҳаракатлар қила бошладилар. 1917 йил 22 майда «Кўкалдош» мадрасаси олдида уламочилар, тараққийпарварлар томонидан уюштирилаётган намойиш вақтида аҳолини уларга қарши гиж-гижладилар. Намойишга йиғилган аҳоли сиёсий онги заифлиги оқибатида тараққийпарварларни лаънатлаб, уларга қарши чиқдилар. «Шўрои Исломия» ташкилоти идораси эса мусодара этилди. Уламочилар «Шўрои Исломия»дан ажралиб, алоҳида «Уламо» жамиятини туздилар[1].

1917 йил 17-20 сентябрь кунлари «Уламо» жамиятининг ташаббуси билан Тошкентда Туркистон мусулмонларининг III қурултойи бўлиб ўтди. Тараққийпарварлар сафида турган татар зиёлилари ушбу қурултойда деярли иштирок этмадилар.

1917 йил 24 майда Тошкентда «Иттифоқ» жамияти аъзоларининг йиғилиши ўтказилди. Унда Москвада бўлиб ўтган умуммусулмон съездида қатнашиб келган Кабир Бакир маъруза қилиб, мамлакатдаги умумий сиёсий аҳвол билан таништирди[2].

1917 йил 27 июнь куни Аҳмад Заки Валидий раислигида Туркистон мусулмонлари марказий шўросининг ташкилий ва маориф бўлимлари тузилди. Ташкилий ишлар бўлими аъзолигига татар-бошқирдлардан А.З. Валидий, Ф. Тоҳирий, И. Ёнбоев, маориф бўлимига эса яна З. Валидий, Б. Ҳабиб, С. Абдусатторов ва И. Тоҳирий сайландилар[3].

---

[1] Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги … - Б. 28.
[2] «Иттифоқ» аъзоларина // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.
[3] Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги … - Б. 24, 25.

1917 йил 1 июлда Шепкин бошлиқ Туркистон қўмитасининг истеъфога чиқиши муносабати билан ўлка мусулмонлари шўроси раисининг ўринбосари И. Шагиаҳмедов, Муваққат ҳукумат Вазирлар кенгаши раиси княз Львовга юборган хатида тузилажак янги қўмита аъзоларининг камида ярми мусулмонлардан бўлиши, Туркистонда барқарорликни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтган эди[1].

1917 йил июль ойи охирларида Тошкент шаҳар думасига сайловлар «Шўрои Исломия» ташкилотига нисбатан «Уламо» жамиятининг тазйиқи билан ўтди. Сайловда мусулмонлар ғалаба қозониб 76 ўринни эгалладилар. Шундан 62 та ўрин «Уламо» жамияти ва 14 та ўрин «Шўрои Исломия» ташкилоти вакилларига тегишли эди. Сайлов жараёни даврида Тошкентдаги татар зиёлилари «Шўрои Исломия» ташкилоти томонида турдилар. «Шўрои Исломия» ташкилоти номидан татар-бошқирд зиёлилари – И.Ёнбоев, А.З. Валидий ва С. Абдусатторов Тошкент шаҳар думасига депутат этиб сайландилар[2].

Туркистон мусулмонларининг II қурултойи 1917 йил 8 сентябрь куни ўлка мусулмонлари марказий шўроси томонидан ташкил этилди. Қурултой кун тартибида муҳокама учун 11 та масала қўйилган эди. Қурултой иштирокчиларини Петроград Марказий мусулмон шўроси номидан У.Хўжаев, Ишчи ва солдатлар шўроси номидан В. Чайкин, Туркистон татарлари марказий бюроси номидан К. Бакир, Кавказ ҳайъати номидан Муҳаммад Амин Афандизода ва Бухоро мусулмонлари номидан Усмонхўжа Муродхўжа ўғли табрикладилар.

Қурултойда сўз олган «Улуғ Туркистон» газетасининг муҳаррири К.Бакир «Уламо» жамияти томонидан тараққийпарварларга нисбатан уюштирилаётган турли хил фитналарга норозилик билдирди[3]. Ушбу қурул-

[1] Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти... – Б. 51.
[2] Шўрои Ислом спискасидан сайланган гласнийлар // Улуғ Туркистон. 1917. 4 август.
[3] Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи // Улуғ Туркистон. 1917. 10 сентябрь.

тойда ҳам С. Абдусатторов саркотибликка сайланди. И.Шагиаҳмедов ҳам ҳайъатдан жой олди.

Туркистон мусулмонлари марказий шўросининг аъзоси И. Шагиаҳмедовнинг Туркистон мусулмонлари II қурултойига тайёрлаган 27 моддадан иборат «Туркистон федерация лойиҳаси»ни мухторият тўғрисида ташланган дадил қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин[1]. Мазкур лойиҳада Туркистон ўлкаси Россия жумҳуриятига маҳаллий ва миллий мухторият асосида қўшилиши, барча миллатлар, эр ва хотинлар барчаси қонун олдида тенг бўлиши, ҳар бир фуқарога виждон эркинлиги ҳуқуқи берилиши кўрсатиб ўтилган эди[2].

Бу пайтда Туркистонда очарчилик хавфи юзага келганлиги муносабати билан қурултой аъзоларининг диққат эътибори кўпроқ озиқ-овқат масаласига қаратилди[3].

1917 йил 12 ноябрда Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида Таъсис мажлисини ўтказиш кўзда тутилган эди. Шу муносабат билан Туркистон мусулмонларининг I,II,III қурултойлари, 1917 йил 20 июль куни Қозон шаҳрида ўтказилган Бутунроссия мусулмонларининг I қурултойи ва бошқа анжуманларда бу жараёнга тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бутунроссия мусулмонларининг II қурултойида Таъсис мажлиси ҳақида нутқ сўзлаган Шокир Муҳамадёров сайловда ҳар бир вилоят бир округ бўлиб, 200 минг кишидан бир вакил сайланишини маълум қилди. Таъсис мажлисига номзодлар кўрсатиш учун М. Чўқаев, «Иттифоқ» жамиятидан И. Ёнбоев, «Уламо» жамияти номидан А. Тўпчибошевлардан иборат комиссия тузилди[4].

Туркистонда Таъсис мажлисини ўтказиш учун номзодлар кўрсатилишидаги кечикишлар туфайли у 1917 йил 28 ноябрга қолдирилди. Кейинча-

---

[1] Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги … - Б. 44.
[2] Акбаров Р. Туркистон миллий ташкилотларининг дастурларида миллий масаланинг акс этиши // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. – Т., 2003. – Б. 96.
[3] Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги … - Б. 20.
[4] Ўша жойда, - Б. 39.

лик Туркистон Мухторияти эълон қилингач, мухторият ҳукумати Таъсис мажлисини 1918 йил 10 мартга белгилади.

И. Шагиаҳмедов мусулмонларнинг IV қурултойида, мухторият эълон қилинишидан 10 кун аввал, ўлкада сиёсий шароит етилганлиги, туркистонликлар ўз мамлакатларини бошқаришга қодир эканликларини исботлаб берди[1].

1917 йил 26-28 ноябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонлари IV қурултойи Туркистон Мухториятини эълон қилди. Унда Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув ва Каспийорти вилоятларидан 250 вакил иштирок этди[2].

Туркистон Мухториятининг парламенти - Халқ мажлисига татар-бошқирдлардан Исматулла Убайдуллин, Ислом Шагиаҳмедов, Абайдулла Дорбисалин, Мусо Акчурин, Мустафо Мансуров, Иброҳим Давлетшин, Халил Ширинский ва Собиржон Юсупов сайландилар. Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати таркибида бош вазир ўринбосари сифатида Туркистон Мусулмонлари шўроси марказий қўмитасининг раиси Ислом Шагиаҳмедов бор эди[3]. Орадан бир оз вақт ўтиб, мухторият ҳукумати таркибида ўзгариш бўлгач, И. Шагиаҳмедов С. Герцфельд ўрнига молия вазири этиб сайланди [4] . Абдулла Гайнуллин эса сўнгра мухториятнинг ҳарбий бўлимида иш юритувчи бўлиб ишлаган[5].

Туркистон Мухториятининг эълон қилиниши ўлкадаги барча маҳаллий аҳоли қатори татарларни ҳам қувонтирди. Андижондаги татар жамияти томонидан 3-4 декабрь кунлари мухторият байрами ўтказилди. 3 декабрь куни Андижоннинг Эски шаҳар қисми аҳолиси Россия ва Кавказ

---

[1] Туркистон Мухторияти ва иқтисодий автономия // Улуғ Туркистон. 1917. 18 ноябрь.
[2] Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – С. 189.
[3] Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти… - Б. 130; Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида… – Б. 53-54.
[4] Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи… - Б. 21.
[5] Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30-йилларда мустабид тузумга қарши миллий мухолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида): Тарих фан. номз. ... дисс. – Андижон, 2004. – Б. 62.

мусулмонлари билан бирга мусиқа садолари остида Янги шаҳарга келдилар. 4 декабрда эса «Иттифоқ» жамияти идорасида мактаб ўқувчилари байрам уюштирдилар. Шу куни татар мактабида дарс бўлмади. «Иттифоқ» жамияти аъзолари, мактаб ўқувчилари ва мусулмон аскарлари биргаликда мусиқа садолари остида Эски шаҳарга бориб маҳаллий аҳолини Андижон татарлари номидан мухторият эълон қилинганлиги билан табрикладилар[1].

Мухторият эълон қилиниши муносабати билан Жалолобод волости Хонобод қишлоғида 6 декабрда ўтказилган митингда Абдулла эшон ва Ҳусайн Валидий нутқ сўзлаб, аҳолига мухториятнинг ташкил этилиши ва мақсадларини тушунтирдилар[2]. Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоси И. Шагиаҳмедов ва Туркистон татарлари марказий бюроси раиси К. Бакир жойларда аҳолини мухторият эълон қилиниши билан қутладилар. Аҳолини Туркистон Мухториятини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга чақирдилар[3].

Туркистон Мухторияти эълон қилинганидан икки ҳафта ўтиб, татар шоири Саид Сунчалайнинг «Мухторият садоси» номли озодлик мадҳияси «Улуғ Туркистон» газетасида чоп этилди[4].

Туркистон Мухторияти эълон қилинганлигини рус инқилобчиларидан фақатгина социал-революционерларгина қўллаб-қувватладилар. Бу борада социал демократлар билан тортишувга ҳам бордилар. Мухториятнинг эълон қилиниши большевикларга мутлақо ёқмади. Бироқ улар юзаки равишда Туркистон Мухториятига хайрихоҳ эканликларини билдирдилар. Таниқли татар зиёлиси Ибнямин Ёнбоев бунга жавобан: «…большевиклар ҳақиқатан бизнинг мухторият олишимизни хоҳласалар қуролларини янги ҳукуматга топширсинлар, шундай қилмасалар биз уларнинг самимийликларига ишонмаймиз» - дея ўз нуқтаи назарини билдирган эди[5].

---

[1] Андижонда мухторият намойиши // Улуғ Туркистон. 1917. 16декабрь.
[2] Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии… - С. 197.
[3] Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи… - Б. 23.
[4] «Мухторият садоси» // Улуғ Туркистон. 1917. 16 декабрь.
[5] Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги … - Б. 47.

Шунингдек, у Тошкент шаҳар Думаси сўнгги мажлисида: «Ҳозирги ҳокимиятнинг (Ф.Колесов ва бошқалар-диссертант) тан олинган демократиялиги даргумон. Ушбу ҳокимиятнинг мусулмонлар номидан гапириши эса қип-қизил ёлғон… Мазкур ҳокимиятнинг асл кучи – тўп ва пулемётлардир, лекин биз, мусулмонлар бу кучдан қўрқмаймиз. Бизда ўзга куч мавжудким – ул куч руҳимиздир. Тарих ушбу сохта ҳокимиятни қоралайдиган вақт, албатта келажак!»-деган эди[1].

1917 йил 10 декабрда Тошкентдаги татарларнинг «Иттифоқ» жамияти умумий йиғилиши бўлиб, унда дастлаб Қўқон шаҳрида 26-28 ноябрь кунлари бўлиб ўтган ўлка мусулмонлари фавқулодда IV қурултойида қатнашиб келган К.Бакирнинг маърузаси тингланди. Сўнг жамият аъзолари сўзга чиқиб, Туркистон Мухториятини шодлик билан қарши олганликларини баён этдилар. «Иттифоқ» жамияти аъзолари мухторият ҳукуматини табриклаб, имкон қадар моддий ва маънавий ёрдамга тайёр эканликларини билдириш билан биргаликда, 13 декабрда бўладиган мухторият намойишига махсус миллий байроқ билан иштирок этишга қарор қилдилар. Намойишга мусулмон аскарлари ва мактаб ўқувчиларини ҳам жалб этиш лозим деб топилди. Аскарларни намойишга жалб этиш вазифаси имом Ҳабибраҳмон Файзий ва Алисафар Сутушов зиммасига юкланди. Сўнгра Қўқондаги ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойида Марказий татар бюроси вакили сифатида қатнашган Кабир Бакир томонидан ушбу қурултойда иштирок этган Туркистондаги татар жамиятлари вакилларининг қарорлари муҳокама этилди[2].

Мухторият Муваққат ҳукумати 13 декабрни «Туркистон Мухториятининг миллий жамғармасига пул йиғиш куни» деб эълон қилди[3]. Шу муносабат билан уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлида татарлар ҳам

---

[1] Қосимов Й. Қора кўзойнак билан ёзилган тарих. – Наманган, 1993. – Б. 23; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар… – Б. 141.
[2] «Иттифоқ» жамиятининг умумий живилиши // Улуғ Туркистон. 1917. 13 декабрь.
[3] Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти… - Б. 143.

фаол ҳаракат қилганлар. Туркистон Мухториятига нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам ёрдам бермоқ «...ҳар бир мусулмон ва турк боласининг бурчи» эканлиги хусусидаги даъватлар «Улуғ Туркистон» газетаси саҳифаларида тез-тез учрай бошлаган. Марказий татар шўроси ва жойлардаги маҳаллий татар жамиятлари мухторият фойдасига маблағ тўплаш масаласини ўзлари учун *буюк бир вазифа* (курсив бизники-диссертант) деб билдилар ва ушбу мақсадни амалга ошириш учун жиддий ҳаракат бошлаб юбордилар[1].

Мухторият фойдасига маблағ тўплаш мақсадида жойлардаги маҳаллий татар жамиятларидан ҳайъат аъзолари ҳам сайланади. Жумладан, Муҳаммадраҳим Туминов, Муҳаммаджон Муродов, Муҳаммад Содиқ Тозиев, Ибодулла Ғозин, Муҳаммадшариф Кошоев, Латиф Бурнашев, Ғози Юнусов, Маҳди Чанишев ва Абдуллажон Сафагиров юқоридаги ҳайъатнинг аъзолари эдилар.

Юқоридаги чақириққа биринчилардан бўлиб Қўқондаги татар жамияти аъзолари фаоллик билан киришдилар. Қўқондаги татарлардан ака-ука Ғозинлар-500 сўм, Содиқ Тозиев, Муҳаммад Гирей Юздинаков, Шариф Кошоев ва Ниматулла Мифтохиддинов 300 сўмдан, Латиф ва Муҳаммад Бурнашев 200 сўмдан, Ҳамза Кошоев ва Али Раҳмонқулов 100 сўмдан, Абдулла Муҳаммаджонов, Содиқ Халилов, Ҳасан Қримов, Ҳофиз Муҳаммадий ва Карим Абубакиров 25 сўмдан Марказий татар шўросига жами 2425 сўм маблағ йиғиб жўнатдилар [2] . Бошқа ҳудудлардаги татар жамиятлари томонидан ҳам маблағ йиғиб Мухторият фойдасига бетўхтов жўнатилган.

Большевиклар мусулмонлар томонидан 1917 йил 13 декабрда Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаб ўтказган намойишларини *европалик аҳолини ўлдириш учун уюштирилган ҳаракат* (курсив бизники – диссер-

[1] Улуғ Туркистон. 1917. 20 декабрь.
[2] Ҳўқанд тоторларининг ҳимматлари // Улуғ Туркистон. 1917. 24 декабрь.

тант) дея иғво ва миш-миш тарқатганлар. Улар шу кунлари Тошкентдаги европалик аҳолига қурол тарқатиб, қизил армия қисмлари сонини кўпайтиришга киришганлар[1].

1917 йил декабрь бошларида Тошкентда татар жамиятларининг Кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қўқон, Каттақўрғон, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Намангандаги татар жамиятлари вакиллари ва аскарлар иштирок этдилар. К.Бакир раислик қилган кенгаш мажлисида 26-30 ноябрь кунлари Қўқонда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойида кўрилган масалаларни муҳокама қилинди. Дастлаб К. Бакир Марказий татар шўросининг амалга оширган ишлари ва умумий сиёсий аҳвол ҳақида маълумот берди. Аҳволнинг ниҳоятда жиддийлигини эътиборга олиб Туркистондаги татар жамиятлари зиммасига яна масъулият юкланиши эътироф этилди. Масалалар муҳокамасидан сўнг қуйидагича қарор қабул қилинди:

1. Туркистондаги татарларнинг шаҳар ва қишлоқларда диний, миллий ва маиший аҳволларини яхшилаш учун маҳаллий жамиятлар тузиш ёки тузилган жамиятларни моддий жиҳатдан таъминлашни йўлга солиш;

2. Туркистон ўлкасида мавжуд татар жамиятлари ўртасида алоқаларни ривожтириш, марказий татар шўросининг маориф ва молия ишларига раҳбарлик фаолиятини кучайтириш;

3. Марказий татар шўроси қошида дин ва маориф шўъбаси ташкил этиш, Туркистондаги татар маҳаллаларига қўйилган имом, муаззин, муаллим ва муаллималарни ушбу шўъбада имтиҳон қилиб, уларга махсус шаҳодатнома беришни йўлга қўйиш;

4. Марказий татар шўроси томонидан чиқарилаётган «Улуғ Туркистон» газетасини моддий жиҳатдан яхши таъминлаб, ҳафтада камида тўрт марта чиқаришни йўлга қўйиш;

---

[1] Hayit B. «Basmaçilar». Turkistan Milli Muçadele Tarihi (1917-1934). – Ankara: Turkiye diyanet vakfi, 1997. – Б. 27,28.

5. Марказий татар шўроси ташаббуси билан «Иттифоқ» жамияти томонидан очилган ўқитувчилар тайёрлаш мактаби фаолиятини янада кучайтириб, Туркистон мусулмонлари учун муаллимлар тайёрлайдиган умумий ва доимий муассасага айлантириш;

6. Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун жойларда аҳоли бошига 1 сўмдан солиқ солиш. Солиқлар маҳаллий татар жамиятлари томонидан йиғилгач, унинг ярми шу жамиятлар ихтиёрида қолдирилиб, қолган қисмини Марказий татар шўросига юбориш[1].

1917 йил 30 декабрда Қўқон татарлари «Жамияти исломия»сининг ҳайъат аъзолари йиғилиши бўлиб унда:

1. Масжид-мадрасалардаги эрлар мактабини «Жамияти исломия» идорасига кўчириш;

2. Мактаб учун смета тузиб, шаҳар думасидан маблағ сўраш;

3. Озиқ-овқат қўмитасига В. Воҳидов, Ота-оналар қўмитасига И. Тухватуллин, Ўқитувчилар иттифоқига А. Исомиддиновни жамият номидан вакил қилиб сайлаш;

4. Мактаб кутубхонасига жамият ҳисобидан қироат китоблар ва газеталар сотиб олиш учун 100 рубль пул ажратиш;

5. «Жамияти исломия» ҳайъат йиғилишини ҳар ҳафтада бир марта – жума куни ўтказиб туриш каби қарорлар қабул қилинди[2].

1917 йил 25 декабрь куни Қўқон шаҳрида мусулмон шўроси томонидан мусулмон аскар ва ишчиларнинг фавқулодда қурултойи бўлиб ўтди. Унда Туркистон Мухторияти ҳукумати номидан И. Шагиаҳмедов, «Иттифоқ» жамияти номидан К. Бакир, Марказий мусулмон ҳарбий шўроси номидан И. Убайдуллин, Кавказ мусулмонлари номидан Пири Мурсилзода, Қўқон шаҳар бошлиғи ёрдамчиси О. Маҳмудов, Қўқон уезд комиссари С.Ақаев, Самарқанддаги мусулмон аскарлар номидан Оқчурин, Тошкент

[1] Туркистон тоторларининг қарорлари // Улуғ Туркистон. 1917. 20 декабрь.
[2] Ҳўқанд тоторларининг жамиятида // Улуғ Туркистон. 1918. 11 январь.

мусулмон ҳарбий шўроси тарафидан Султонов анжуман иштирокчиларини табрикладилар. Мажлис ҳайъатига О. Клевлеев, С. Юсупов, А. Авлоний, Дадабоев, М.Мансуров ва Мурсилзода сайландилар[1].

Мазкур қурултойни ўтказишдан мақсад большевиклар томонидан уюштирилаётган ҳар хил бўҳтон ва иғволарга хотима бериш ҳамда мусулмон ҳукуматини сиёсий доирада маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаш эди. Айтиш мумкин-ки, кутилган натижага эришилди.

Туркистон Мухторияти эълон қилингандан сўнг сиёсий майдонда қандай мавқега эга бўлганлигини Ориф Клевлеевнинг Петроградаги Халқ Комиссарлари Кенгашига юборган телеграммасидан ҳам билиш мумкин. Унда Туркистон халқи бир овоздан Туркистон Мухторияти эълон қилганлиги, ўлка бошқарувини эса Туркистон Таъсис мажлиси томонидан ишлаб чиқишни таклиф этганлиги, руслар ва европаликлар Туркистон аҳолисининг 2 фоизини ташкил қилгани ҳолда Миллат мажлисида 33 фоизни эгаллаган бўлса-да, Россия комиссарлари томонидан Туркистон Мухториятини тугатиш йўлида тадбирлар қилинаётганлиги билдирилган. Шу билан биргаликда О. Клевлеев Туркистонда ўлка бошқарувини Тошкентдаги комиссарлар советидан олиб, Туркистон Мухторияти ҳукуматига топширишни сўраган. Туркистонда ўлка бошқарувини талашиш мамлакатни ҳалокатга олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантирган[2].

Туркистон Мухторияти ҳукуматига большевиклар томонидан бўлаётган тазйиқлар миллий зиёлиларни жиддий ташвишга солди. Мухториятни сақлаб қолиш учун кучли армиянинг зарур эканлиги маълум бўлди. Бу масала мухторият эълон қилингандан сўнг «Улуғ Туркистон» газетаси саҳифаларидан долзарб муаммо сифатида кўтарилган. Масалан, таниқли татар маърифатчиси Мухтор Бакир ўзининг «Туркистон Мухторияти ва

[1] Мусулмон ишчи ва деҳқонлар съезди // Улуғ Туркистон. 1918. 4 январь.
[2] Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги … - Б. 51.

туркистонлилар»[1], «Туркистон Мухториятини барпо бўлишига куч керак»[2] номли мақолаларида мухторият ҳукумати олдида турган асосий вазифалар сифатида молияни ислоҳ қилиш, қонунларни тартибга келтириш, ер-сув масалалари, диний, ижтимоий, маориф масалаларини ҳал этиш, ҳарбий маҳкама, ташкилотлар ва Туркистон Мухторияти учун асосий қонун (конституция)ни тузиш ҳамда энг асосийси мухториятнинг миллий армиясини шакллантириш лозим деб ҳисоблаган.

1918 йил январь ойи бошларида Туркистон татарлари марказий бюроси раиси К. Бакир иштирокида Каттақўрғондаги татар жамиятининг умумий мажлиси ўтказилди. Мажлисда шаҳарнинг деярли барча зиёли ёшлари қатнашдилар. Жамият раиси Имод Бекбулатов мажлисни очиб, сўзни К.Бакирга берди. К.Бакир Туркистон татарлари марказий бюроси томонидан амалга оширилаётган ишлар, «Улуғ Туркистон» газетаси, «Умид» матбааси, муаллимлар тайёрлаш мактаби фаолияти, айни пайтдаги сиёсий аҳвол, большевикларнинг Оренбургга ҳужуми ва унинг натижаси ҳақида гапирди.

К. Бакир Қўқонда ташкил этилган Туркистон Мухториятини сақлаб қолиш йўлида пул жамғариш масаласига алоҳида тўхталди. Қаттақўрғонлик мусулмонларни ҳам саховатли бўлишга чақирди. Бу масалада қўқонлик татарларнинг ҳимматларини мисол қилиб кўрсатди. Мажлисда собиқ Россия империяси ҳудудида яшаган *турк-татар халқларини ягона мухториятга бирлашиш йўлида кураш олиб борилаётган бир пайтда, бошқирдлар ва Сирдарё, Еттисув вилоятларида яшовчи қозоқларнинг Туркистон Мухториятидан ажралган ҳолда мухторият тузишга интилишлари қаттиқ қораланди* (курсив бизники-диссертант). Ҳатто Туркистондаги татарлар номидан Оренбургдаги марказий бошқирд шўроси ва Уфадаги миллат мажлисига турк-татар халқларини ягона мухториятга бирлашиш йўлидаги курашларидан четга чиқмасликка ҳамда ягона ғоя

[1] Улуғ Туркистон, 1917. 20 декабрь.
[2] Улуғ Туркистон, 1917. 24 декабрь.

атрофида бирлашишга чақириш мазмунида телеграмма юборишга қарор қилинди[1].

Туркистонда Мухториятининг эълон қилиниши аввал бошданоқ большевиклар ҳукуматига ёқмаган эди. Мухториятни тугатиш йўлидаги очиқ-дан-очиқ сиёсат 1918 йил январ ойининг иккинчи ярмидан, аниқроғи 19-26 январь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси советларининг IV съездидан сўнг бошлаб юборилди. Съезд қабул қилган қарорларда уларнинг шовинистик сиёсатлари ўз ифодасини топган эди[2].

1918 йил 17-18 февраль кунлари Мухторият Муваққат ҳукумати таркибида ўзгариш бўлган. Бош вазир М. Чўқаев ўз лавозимидан истеъфо беришни маъқул кўргач, унинг ўрнига Маҳди Чанишев тайинланган[3].

Бироқ имконият большевиклар томонига оғиб бораётган эди. Шу пайтда Тошкентдан Туркистон ҳарбий комиссари Е.Л.Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлиқ ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон қўшин етиб келди. 19 февралда Туркистон Мухторияти қонга ботириб тормор келтирилди ва Қўқон шаҳри уч кун давомида қирғин, талон-тарож ҳамда олов ичида қолди. Манбаларда келтирилишича, шу кунларда Қўқонда 10000 киши ўлдирилган[4].

Туркистон Мухториятининг қизил армия қисмлари ва арман дашноқлари томонидан тор-мор келтирилиб, Қўқон шаҳрида даҳшатли қирғин ва талон-тарож ўтказилганлиги «Улуғ Туркистон»нинг шу йил февраль, март ойидаги сонларида «Ҳўқанд фожеалари» номи билан туркум мақолалар тарзида очиқ-ойдин баён этиб борилди. Туркистон Мухториятининг тормор этилиши жараёни шундай баён этилган: «11 кун бутун жон ва танлари ила қарши турғондин сўнг Туркистон Мухториятининг аскарлари шаҳардан чиқурга мажбур бўлғонлар. Рус шаҳрида, мусулмон шаҳрида (Қўқон-

[1] Каттақўрғонда марказий тотор бюросининг доқлади // Улуғ Туркистон. 1918. 11 январь.
[2] Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар... – Б. 87; Сиёсий аҳвол // Улуғ Туркистон. 1918. 28 январь.
[3] Мингноров А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари… – Б. 45
[4] Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти… – Б. 148-149.

нинг Янги ва Эски шаҳар қисмлари назарда тутилмоқда – диссертант) тўб ва тўфангдан бийк ёмон зарарланган. Большевик ҳукумати тарафиндин отилғон кучли ва зўр тўблар шаҳарни билхоса мусулмон тарафин бийк ёмон ҳароб қилғонлар... Охирида мусулмонлар ғазовот эълон қилғонлар. Бу ҳолнинг натижаси ёмон бўлажағи онглашилғоч большевик аскарининг бошлиғи Перфилуф Ҳўқанддан аскарини чиқорарға тивишли топқон...»[1].

Қўқондаги «Саодат» номли китоб дўкони соҳиби Абдулла Айнуллиннинг «Улуғ Туркистон» газетасига юборган мактуби ҳам эътиборга молик. Унда жумладан шундай дейилади: «Ҳўқанд бутунлай ёнуб тамом бўлғонликдин мундағи китобхоналардан «Ғайрат», «Саодат», «Бирлик» ва «Маърифат» дегон мағазинларнинг ёлғиз исмларигина қолди. Жисмлари йўқ. Шул сабабли бизга юборилатурғон ғазиталар юборилмасун. Бунда ғазита ўқийтурғон, сотатурғон ҳам олатурғон китобхоналар ва ўқийтурғон зотлар қолмади.»[2] Маълумотдан большевикларнинг Қўқон шаҳри ва унинг аҳолиси бошига қандай кунларни солганлигини англаб олиш қийин эмас.

Туркистон Мухторияти тор-мор келтирилгандан кейин большевиклар ҳукумати Мухторият ҳукумати аъзоларидан аёвсиз ўч олдилар. Жумладан, Мухторият ҳукумати ҳарбий кенгаши раиси, полковник Маҳди Чанишевнинг қисмати фожеали якунланди. У Скобелев шаҳрида большевиклар томонидан қўлга олинди ва қатл этилди[3]. Бош вазир ўринбосари И. Шагиаҳмедов шу пайтда Қўқон шаҳрида бўлганлиги учун қизил аскарлар томонидан асир қилиб олинди[4]. Қўқон фожеалари вақтида большевиклар томонидан қўқонлик машҳур савдогар Абдулла Газин ҳам ҳибсга олинди[5].

1918 йил 28 апрелда Москвадан келган мусулмон комиссар иштирокида бўлган мажлисда Тошкент татарларининг «Иттифоқ» жамияти совет

---

[1] Туркистон Мухториятининг фожеаси // Улуғ Туркистон. 1918. 26 февраль.
[2] Ҳўқанддан мактуб // Улуғ Туркистон. 1918. 6 март.
[3] Маҳди Чанишев // Улуғ Туркистон. 1918. 21 март.
[4] Ражабов Қ. Жадидлар – истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. – Т.: Эльдинур, 1998. – Б. 12.
[5] Абдулла Ғозин // Улуғ Туркистон. 1918. 21 март.

ҳокимиятининг манфаатларига тўғри келмаганлиги учун тугатилди. Унинг ўрнига «Татар социалист ишчилари комитети» тузилди[1]. Мазкур йиғилиш ўтказилаётган пайтда кимдир Тошкент шаҳар бошлиғига бориб, « «Иттифоқ» жамияти аъзолари яширин мажлис ўтказиб Туркистонда эълон қилиниши кўзда тутилган пролетариат мухториятига қарши кенгаш ўтказмоқда», дея ёлғон хабар берган. Шундан сўнг йигирма нафар казак аскари йиғилишга бостириб кириб, 15 кишини қўлга олиб, Тупроққўрғонга қамоққа ташлаган. Бу хабар тезда «Ҳуррият уйи»да большевиклар йиғилишида қатнашаётган мусулмон комиссарларга ҳам етиб боради. Шундан сўнг комиссар Ориф Клевлеевнинг аралашуви ва кафиллигида маҳбуслар қамоқдан озод қилинган[2].

Туркистон Мухторияти ўлка турк-мусулмон халқларининг ҳар қандай вазиятда ҳам елкама-елка туриб мустақиллик ва озодлик учун кураша олишга қодир эканликларини кўрсатди. Бу кураш дастлабки жараёнда маданий-маърифий тараққиёт йўлида амалга оширилган бўлса, 1917 йил февраль инқилобидан сўнг сиёсий тус олди. Айни пайтда татар-бошқирд зиёлиларининг мураккаб вазиятларда туркистонлик қардошлари билан елкама- елка туриб, ягона мустақил давлатчилик учун курашлари туркий халқларнинг Туркистон озодлиги йўлида камарбаста бўлганликларини кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинчалик большевиклар макр-ҳийлалари остида кўплаб татар-бошқирд зиёлилари (Ю.Ибрагимов, О.Клевлеев, С.Абдусатторов, Ю.Алиев ва бошқалар) Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилдилар.

[1] Муҳтарам тотор қардошлар // Улуғ Туркистон. 1918. 30 апрель.
[2] «Иттифоқ» аъзоларина тақуф // Улуғ Туркистон. 1918. 30 апрель.

Х У Л О С А

Туркистон халқларининг Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари аҳолиси билан алоқалари илдизи узоқ тарихга бориб тақалади. Бироқ XIX аср охири – XX аср бошларида қайд этилган ҳудудлар Россия империяси зулми остида бир хил қора кунларини бошидан кечираётганлиги, асрлар оша давом этиб келаётган қолоқлик ўз халқи тақдирига бефарқ бўлмаган фарзандларни кураш майдонига чорлади. Бу кураш жадидчилик ҳаракати мисолида намоён яққол бўлди. Таъкидлаш жоиз-ки, татарлар бу курашнинг олдинги сафида турдилар. Туркистонда татар-бошқирд маърифатпарварлари олиб борган фаолият таҳлили қуйидаги хулосаларни келтириб чиқаради:

1. Россия империяси мустамлакачилари Туркистонни истило этиш ва мустамлака тартиботини ўрнатиш жараёнида тили, дини ва маданияти муштарак бўлган татар-бошқирдларнинг «ёрдами»дан унумли фойдаландилар. Уларни ҳаракатдаги армия сафига жалб этдилар. Тадқиқот таҳлили XIX аср 60-70-йилларида Туркистондаги бошқарув маҳкамаларида ишловчи тилмоч ва таржимонларнинг аксарияти татар-бошқирдлар бўлганлигини кўрсатади. Албатта, Туркистоннинг янги «ҳукмдорлари» улар меҳнатини «муносиб тақдирлаб» бордилар. Кичик унвондаги амаллар, орден-медаллар ва катта миқдордаги пулларни инъом қилдилар. Аммо ер ва бошқа кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқидан маҳрум этдилар.

2. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, «тилда, фикрда, ишда бирлик»[1] ғоясини кўтариб чиққан Исмоил Гаспринский бутун турк-мусулмон дунёсида қўллаб-қувватланди. Унинг издошлари XIX аср охирларида Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ўндан ортиқ янги усул мактабларини очдилар. XX аср бошларига келиб Туркистон ўлкаси вилоятларида татар муаллимлари томонидан очилган жадид мактаблари сони юздан зиёд эди. Мустамлака маъмурлари айниқса

[1] Ушбу ғоя “Таржумон” газетасининг бош шиори бўлган - диссертант.

Сирдарё ва Еттисув вилоятларида улар фаолиятини назорат этиб бўлмаётганлигини кўп бора таъкидлагандилар. Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори К.П. фон Кауфман ҳам татарларнинг қозоқ даштлари орқали Туркистон томон силжиб келиши Россия империяси учун жиддий хавф туғдириши мумкинлигидан огоҳлантирган эди. Башоратгўй генералнинг тахминлари тўғри чиқди. Орадан йигирма йил ўтар-ўтмас татарлар уйқуда ётган қозоқ овуллари ва Туркистон шаҳарларига маърифат уруғини сочдилар. Маъмурият томонидан 1907-1909 йилларда татар муаллимлари фаолиятини чеклаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кутилган натижани бермади. Шу бисдан ҳам 1911 йил 1 январида Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсонов Туркистон ўлкасининг барча ҳудудларида татар муаллимлари фаолиятини қатъий тақиқлашга мажбур бўлди. Бироқ, Туркистон ўлкасида катта обрў қозонишга эришган татар муаллимлари янги усул мактабларининг ёпилиши маҳаллий аҳолининг жиддий норозилигига сабаб бўлди. Айниқса, бу ҳол Қўқон шаҳрида кўпроқ кўзга ташланди. Умуман олганда, Туркистондаги дастлабки жадид мактабларининг тамал тоши татар зиёлилари томонидан қўйилган эди.

3. Маҳаллий тараққийпарварлар қатори татар зиёлилари ҳам мустамлака тартиботига қарши курашда фаоллик кўрсатдилар. Татар зиёлилари Туркистонда маърифий-сиёсий мақсадларни ўз олдига қўйган ташкилот ва жамиятлар («Ёш партия», «Иттифоқ» ва бошқалар) туздилар. Россия Давлат Думаси мусулмон фракцияси вакиллари бўлган И.Гаспринский, А.Ибрагимов, Қ.Тевкелев, С.Мақсудий каби татар сиёсатчилари турк-мусулмон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилдилар. Татар муаллимлари мактабларда «давлатпаноҳ» император Николай II суратининг осиб қўйилиши, ўқувчиларга император оила аъзолари исм-шарифларини мажбурий ёд олдирилишига қарши турдилар. Россия империясининг доимий урушлардаги иштирокини, айниқса, биринчи

жаҳон урушида қатнашишини қаттиқ қораладилар. Бироқ, Татар-бошқирдлар Туркистонда қарийб 100 минг кишини ташкил этишига қарамай кўплаб сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум эдилар.

4. Туркистонда вақтли матбуот ва матбаа ишларини ташкил этиш ва ривожлантиришда татар зиёлиларининг ўрни беқиёс бўлди. Жумладан, «Туркестанкие ведомости», «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Осиё», «Туркестанский край», «Улуғ Туркистон», «Эл байроғи», «Фарғона саҳифаси», «Кенгаш», «Шўрои Ислом», «Халқ дорулфунуни» газеталари ва «Чаён», «Чўл чаён» каби журналларнинг нашр этилишида етакчилик қилдилар. Туркистонда миллий театр санъатининг вужудга келиши ва ривожланишида амалий ёрдам кўрсатдилар.

5. 1917 йил февраль инқилоби Туркистонда татар-бошқирд зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳадаги фаолиятларини янада жонланишига туртки берди. Тошкентда Туркистон татарларининг марказий шўроси, «Иттифоқ» жамияти, Каттақўрғон, Қўқон, Наманган ва бошқа шаҳарларда татар жамиятлари тузилди. Туркистон мусулмонларининг I-IV қурултойларида татар-бошқирд зиёлилари фаол иштирок этдилар. Туркистонда миллий давлатчилик масаласида А.З. Валидий, С.Мақсудий, И. Шагиаҳмедов, К. Бакир, И. Ёнбоев каби сиёсий арбоблар қатъий кураш олиб бордилар.

6. XIX аср охири XX аср бошларида татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистондаги фаолиятлари таҳлили, уларнинг мустамлака тузуми ва асрий қолоқликка қарши курашда маҳаллий аҳоли билан якдил бўлганликларини кўрсатади. Қозон, Уфа каби шаҳарлардаги Каримов ва Хусаиновлар босмахоналарида чоп этилган жадид мактаблари учун дарсликлар, янгича ҳаётни ўзида тараннум этувчи адабиётлар, газеталарни таъқиб-тазйиқларга қарамай Туркистонга келтирилиши миллат, Ватан учун фидойиликнинг асл намунаси эди. Тараққий этган Европа давлатлари ютуқларидан фойдаланиш, замонавий билимларни эгаллаш жадидларнинг

асосий ғояларидан бири эди. Бу борада татар маърифатпарвари Олимжон Идрисийнинг турк-мусулмон ёшларини Германияда ўқитиш йўлида қилган саъй-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга сазавор. Бироқ мустамлакачилар татар-бошқирд зиёлиларининг маърифатпарварлик ҳаракатларини бўғиб ташлаш йўлида барча чора-тадбирларни кўрдилар.

Тадқиқот ишини ёритиш жараёнида биз фақатгина мавзуга доир, яъни татар-бошқирд зиёлиларининг XIX аср охири XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги фаолиятларигагина эътибор қаратдик. Бироқ, ушбу масала бўйича истиқболда алоҳида тадқиқот объекти сифати ўрганилиши лозим бўлган кўплаб мавзулар мавжудлиги маълум бўлди.

Тадқиқот таҳлилидан келиб чиқиб, диссертант истиқболда қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблайди:

- XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд зиёлилари фаолиятини кенгроқ ўрганиш мақсадида республика олий ўқув юртларининг тарих факультетларида махсус курс тарзида ўқитишни жорий этиш;
- Ўзбекистон, Россия ва бошқа давлатлар тарихчи олимлари иштирокида «Туркистон жадидчилигида татар-бошқирд маърифатпарварларининг ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман уюштириш;
- Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси орқали Татаристон ва Бошқирдистон Республикалари билан ўша даврларда бўлгани каби олий таълим муассасаларига талабалар юборишни ташкил этиш;
- Байналмилал марказлар орқали маданий-маърифий ҳамкорликни янгидан йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;
- Тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш мақсадида хорижий давлатлар архивларида сақланаётган Ватанимиз тарихига оид манбаларни тўплаш учун мутахассислар илмий сафарларини уюштириш;

- Татаристон, Бошқирдистон Республикалари олимлари билан ҳамкорлик ва ҳаммуаллифликда татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистондаги фаолияти бўйича тарихий асарлар яратиш.

Мавзуни ўрганиш жараёнида Ватанимиз ҳудудида миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалишига амин бўлдик. Ўша даврда жадидлар томонидан илгари сурилган эзгу ғоялар бугунги кунда ўз ифодасини топмоқда. «Бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилиш, миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асоси»[1] бундан қарийб юз йил олдин тараққийпарварлар томонидан шакллантирилган эди.

Тарихнинг шундай даврлари бўладики, маърифатпарвар кишилар қаерда бўлмасинлар инсоният манфаати йўлида фаолият кўрсатадилар. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Татар-бошқирд зиёлиларининг Туркистондаги маърифат йўлидаги курашлари беиз кетмади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, истиқлол ва тараққиёт йўлида шахдам қадамлар билан ривожланаётган бугунги кунда уларнинг меҳнатлари ўз баҳосини топмоқда.

Ўйлаймизки, мазкур илмий тадқиқот XIX аср охири XX аср бошлари Туркистон маорифи ва маданий тараққиёти ҳамда истиқлоли йўлида курашган татар-бошқирд маърифатпарварлари хотирасига бўлган чуқур миннатдорчилигимиз рамзи бўлиб қолади.

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Янги аср авлоди. 2001. – Б. 137.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Расмий адабиётлар

1.1. Каримов И.А. Халқ ишончи – юксак масъулият // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - 436 б.

1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 414 б.

1.3. Каримов.И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд.-Т.: Ўзбекистон. 1998.- 410 б.

1.4. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 528 б.

1.5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Янги аср авлоди. 2001. –183 б.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон овози, 1998. 28 июль.

II. Архив ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА)

2.2. И.1-фонд - Туркистон генерал-губернатори девонхонаси.

2.3. И.2-фонд - Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги дипломатик амалдор.

2.4. И.17-фонд - Сирдарё вилояти бошқармаси.

2.5. И.18-фонд - Самарқанд вилояти бошқармаси.

2.6. И.19-фонд - Фарғона вилояти бошқармаси.

2.7. И.36-фонд - Тошкент шаҳар бошлиғи бошқармаси.

2.8. И.43-фонд - Туркистон почта-телеграф округи бошқармаси;

2.9. И.47-фонд - Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси;

2.10. И.461-фонд - Туркистон район муҳофаза бўлими;

2.11. Р.34-фонд – Туркистон халқ маорифи комиссарлиги.

III. Даврий матбуот

3.1. Андижонда мухторият намойиши // Улуғ Туркистон. 1917. 16 декабрь.
3.2. Абдулла Ғозин // Улуғ Туркистон. 1918. 21 март.
3.3. Бухорода тотор жамияти // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.
3.4. “Иттифоқ” жамияти // Улуғ Туркистон. 1917. 25 апрель.
3.5. “Иттифоқ” жамиятининг умумий живилиши // Улуғ Туркистон. 1917. 13 декабрь.
3.6. “Иттифоқ” аъзоларина тақуф // Улуғ Туркистон. 1918. 30 апрель.
3.7. “Иттифоқ” аъзоларина // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.
3.8. Каттақўрғонда марказий тотор бюросининг доқлади // Улуғ Туркистон. 1918. 11 январь.
3.9. Каттақўрғонда қўйилғон кечанинг ҳисоби ва ташаккур // Улуғ Туркистон. 1918. 7 январь.
3.10. Комиссар Клиблеев // Улуғ Туркистон. 1918. 21 май.
3.11. Маҳди Чанишев // Улуғ Туркистон. 1918. 21 март.
3.12. Миллий маишат, Туркистон // Таржумон, 1913. 6 январь.
3.13. Муаллим керак // Меҳнаткашлар ўқи. 1918. 11 июнь.
3.14. Муҳтарам тотор қардошлар // Улуғ Туркистон. 1918. 30 апрель.
3.15. Мусулмонча тиётр // Улуғ Туркистон. 1918. 23 март.
3.16. Мусулмон ишчи ва деҳқонлар съезди // Улуғ Туркистон. 1918. 4 январь.
3.17. Мусофирлар // Улуғ Туркистон. 1917. 13 май.
3.18. Овул журнали // Халқ дорулфунуни. 1918. 31 май.
3.19. Сиёсий аҳвол //Улуғ Туркистон. 1918. 28 январь.
3.20. Тўқой кечаси // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.
3.21. Туркестанские ведомости. 1893. 5 сентябрь.
3.22. Туркистонга автономия олув ҳақида // Улуғ Туркистон. 1917. 5 май.

3.23. Туркистон хабарлари // Улуғ Туркистон. 1917. 13 май.

3.24. Туркистон тоторларининг қарорлари // Улуғ Туркистон. 1917. 20 декабрь.

3.25. Туркистон Мухториятининг фожеаси // Улуғ Туркистон. 1918. 26 февраль.

3.26. Туркистон мухторияти эълон қилинди // Улуғ Туркистон. 1918. 3 май.

3.27. Туркистон Мухторияти ва иқтисодий автономия // Улуғ Туркистон. 1917. 18 ноябрь.

3.28. Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи // Улуғ Туркистон. 1917. 10 сентябрь.

3.29. Туркистон мударрис ва муаллимларининг сезди ҳақинда // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.

3.30. Тошкандда муқум тоторлардин // Тараққий. 1906. 23 февраль.

3.31. Тошкандда мусулмон матбааси // Улуғ Туркистон. 1917. 31 май.

3.32. Тотор хонандаси // Самарқанд. 1913. 23 август.

3.33. Тоторча тиётр ва болалар эртаси // Улуғ Туркистон. 1917. 31 декабрь.

